

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ФАЛСАФА КАФЕДРАСИ**

# **МАНТИК**

**ЎҚУВ-МЕТОДИК МАЖМУА**

**ТЕРМИЗ – 2010**

«Менинг қадрли дўстим, сизга ...  
энг аввало мантиқни ўрганишни  
маслаҳат бераман».

*И.В.Гёте. «Фауст».*

**Мантиқ: Ўқув-методик мажмуа. – Термиз: 2010 – 80 б.**

Ушбу ЎММ университетнинг барча бакалавриат таълим босқичи йўналишлари талабаларига мўлжалланган. Унда мантиқ фани муаммоларига оид маълумотлар киритилган.

ЎММ замонавий педтехнология талабларига мос равишда тайёрланиб, унда маъруза мавзуларининг ўқув мақсадлари, қисқача мазмуни баёни, назорат саволлари ва талабаларнинг мустақил иш топшириклари келтирилган, улар бўйича методик кўрсатмалар берилган.

Мажмуа таркиби 3 қисмдан иборат бўлиб, унда 5 боб, 9 мавзулар курси (шулардан 5 таси маъруза ва 4 таси талабаларнинг мустақил ишлари – ТМИ мавзуларидир), 4 та семинар машғулотлари ўрин олган, ҳар бир машғулот ва бутун курс бўйича адабиётлар рўйхати илова қилинган.

**Тузувчилар:** фалсафа фанлари номзоди, доц. **Н.Бердиев**, ўқитувчи **С.Туробова**.

**Тақризчилар:** фалсафа фанлари номзодлари, доцентлар **Н.Орипов** ва **Х.Расулов**.

## **К И Р И Ш**

Жамиятни ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичида олий таълим олдида турган муҳим вазифалардан бири талабаларнинг мантиқий фикр юритиш маданиятини ривожлантириш, хусусан, уларнинг мустақил ижодий фикрлаш қобилиятини такомиллаштиришдан иборат. Бу вазифанинг долзарблиги ўкув жараёнида янги информацион технологияларнинг қўлланиши ва умуман, қўз ўнгимизда информация цивилизациясининг шаклланаётганлиги билан янада ортади. Мазкур вазифани ҳал этишнинг самарали воситаларидан бири талабаларни билишнинг умуммантиқий методлари, далилли муҳокама юритиш усуллари билан қуроллантиришдир. Мантиқнинг фалсафий фанлар блокига киритилиши, улар ўкув дастурларининг узвийлаштирилиши, мувофиқлаштирилиши билан бу ишни амалга оширишни анча осонлаштиради.

Мантиқ фалсафани хусусий-илмий билиш ва амалий ҳаётнинг барча соҳалари билан боғлади. Хусусан, у тўғри фикр юритишнинг муҳим тамойиллари, меъёрларини (меъёрий қоидаларини) ўрганувчи ва яратувчи фан сифатида конкрет билим соҳалари берадиган ахборотларни мунтазамли тарзда мантиқий тахлил қилишга, айниқса, уларга концептуал жиҳатдан ёндашгани ҳолда умумлаштиришга ва шу асосда оламнинг яхлит илмий манзарасини ҳосил қилишга, дунёқарашнинг муҳим тамойилларини ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Мантиқнинг фалсафа ва бошқа фанлар билан бўлган муносабати, унинг мақсад ва вазифалари, аҳамияти ана шу ҳолатлар билан белгиланади.

Ушбу мажмууга Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан мантиқ фани бўйича тасдиқланган намунавий дастур (2004) асос қилиб олинди. Унда мантиқ фанининг мақсад ва вазифалари, мазмуни, мъоруза ва семинар машғулотлари, талабалар мустақил иши мавзулари, рейтинг ишланмаси ва баҳолаш мезонлари ўз аксини топган.

ЎММ шу соҳага оид ўкув ва методик қўлланмалар, алоҳида нашрлар, илмий журналлардаги ўкув-методик мақолалар ҳамда интернетдан олинган материаллар асосида тайёрланди. Ҳар бир мавзудан сўнг ва бутун курс бўйича асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхати берилган. Семинар машғулотларини ўtkазиш тартиби баён этилиб, бу машғулотларни ўтишдан кутиладиган ўкув мақсадлари, зарурий манба ва материаллар кўрсатилган.

### **1.1. Мантиқ фанининг мақсад ва вазифалари, аҳамияти**

**Мантиқ фанининг мақсади** талабаларни тўғри фикрлашнинг мантиқий шакллари ва қонун-қоидалари билан таништириш асосида мустақил, эркин фикр юрита оладиган баркамол инсонлар этиб тарбиялашга, уларда янги турмуш ва тафаккур тарзини қарор топтиришга ва шу тариқа янги демократик жамият қуришнинг фаол иштирокчиларига айлантиришга хизмат қилишдан иборат.

### **Мантиқнинг вазифалари:**

- талабаларга тўғри мухокама юритишнинг мантиқий қонун-қоидалари ва шаклларини ўзлаштиришнинг мустақил фикрлаш маданиятини ривожлантиришда тутган ўрнини тушунтириш;
- хато фикрларнинг пайдо бўлиш сабаблари билан талабаларни таништириш, уларнинг оқ-қорани тушуниб етишларига, бузғунчи ғоялар билан яратувчи ғоялар, шу жумладан, миллий ғояни бир-биридан ажрата оладиган бўлишларига эришиш;
- талабаларнинг тарихан шаклланган мантиқий ғоялар, концепцияларни, айниқса, Марказий Осиё мутафаккирларининг мантиқий таълимотларини чуқур эгаллашлари ҳамда юксак маънавий қадриятларимиз сифатида эъзозлашлари, улар билан фахрланиш туйғусини ҳосил қилишга қўмаклашиш;
- талабаларни хulosавий билимлар ҳосил қилиш, муаммоларни яратиш ва ҳал этиш, фаразларни илгари суриш ва асослаш усуллари, қоидалари билан таништириш;
- талабаларга мулоқотда бўлиш ва айниқса, савол-жавоблар қилиш, баҳс юритиш сир-асрорларини ўргатиш;
- талабаларни илмий билимларнинг мантиқий тузилиши, илмий назарияларнинг қурилиши асослари билан таништириш.

### **Мантиқни ўрганишнинг аҳамияти:**

- у фикрлаш маданиятини ўстиради;
- тўғри мухокама юритишнинг усуллари, қоидаларини ҳамда мантиқий масалалар ва мантиқий хатоларни гурухларга бўлиб, мунтазамли ўрганишга ёрдам беради;
- ўзининг ва сұхбатдошининг мулоҳазаларидаги хатоларни топишни осонлаштиради;
- илмий тушунчалар, мулоҳазаларнинг аниқ қўлланишига имкон беради ва шу тариқа ўқув, илмий-ижодий изланиш жараёни самарадорлигини оширади;
- далиллаш ва танқид жараёнини тўғри тушунишга, мунозараларни бошқара билиш малакасини ҳосил қилишга ёрдам беради;
- компьютерлар-фикрловчи машиналардан ва бошқаришнинг автоматлашган тизимларидан фойдаланишни осонлаштиради;
- ақл билан билишнинг янги қоидаларини, меъёр ва идеалларини ишлаб чиқишига, мавжудларини такомиллаштиришга имкон беради.

## **1.2. Талабалар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар:**

- мантиқий тафаккурнинг асосий хусусиятлари, қонунлари, шакллари, билим жараёнида мантиқнинг тутган ўрни тўғрисида,
- формаль мантиқнинг хусусиятлари ҳақида,
- мантиқ илмининг назарий ва амалий аҳамияти, хусусан, унинг миллий истиқтол мафкурасини яратиш, асослашдаги ўрни ҳақида,

- тилнинг вазифалари, турлари, тушунча, ҳукм, хулоса чиқариш ҳакида,
- хулосавий билимлар ҳосил қилиш, далиллаш, муаммоларни яратиш ва ҳал этиш, фаразларни илгари суриш ва асослаш, илмий назарияларнинг мантиқий тузилмаси тўғрисида **тасаввурга эга бўлиш**;
- фикрни мантиқий тўғри қуриш ва чин фикрлар ҳосил қилиш шартшароитларини билиш,
- тўғри фикрлашнинг асосий қонун-қоидаларини билиш, тушунчаларни таърифлаш усуллари ва қоидаларини, фаннинг илмий терминлар ҳосил қилишининг мантиқий воситаларини **билиш**.
- мухокама юритиш жараёнида йўл қўйилган мантиқий хатоларни топиш ва айниқса, хулоса чиқариш ва далиллаш қоидаларини **қўллай олиш**,
- замонавий мантиқнинг формаллашган тилини эгаллаган бўлиш, ундан турли хил фикрий қурилмаларни ифодалаш ва таҳлил қилишда самарали фойдаланиш,
- мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, ўз фаолияти давомида турли масалалар бўйича зарур қарорларни қабул қила оладиган бўлиш,
- илмий ижоднинг мантиқий негизларини билиш, муаммолар яратадиган бўлиш, фаразларни илгари сура билиш.

### **1.3. Мантиқнинг бошқа фанлар билан ўзаро алоқаси:**

Мантиқ тўғри тафаккур қилиш қонунлари, қоидалари, шакллари, усуллари ва методларини ўрганувчи фан сифатида барча фанлар учун илмий-назарий, методологик аҳамиятга эга. Шу сабабли талабалар бу фанни ўрганишда математика, табиатшunoslik, техника ва ижтимоий-гуманитар фанлардан олинган билимлар билан уйғунлаштирган ҳолда иш кўради.

## **1.4. МАНТИҚ ФАНИНИНГ МАЗМУНИ**

### **1.4.1. Маъруза мавзулари, кўриладиган масалалар ва вақти**

№	Мавзулар ва бўлимлар	Кўриладиган масалалар	Вақти
I.	<b>БИРИНЧИ БЎЛИМ. МАНТИҚҚА КИРИШ</b>		
I.1.	<b>I-боб. Мантиқнинг тадқиқот объекти, предмети, вазифалари ва ривожланиш босқичлари</b>		
I.1.1	Мантиқ илмининг предмети ва аҳамияти	1.Мантиқ фанининг объекти ва предмети. 2.Билиш ва унинг асосий босқичлари. 3.Тафаккурнинг мантиқий таркиби. 4.Мантиқнинг бошқа фанлар	1

		билин алоқаси	
I.1.2	Мантиқ фани ривожланишининг асосий босқичлари	1.Қадимги дунёда мантиқ илмининг шаклланиши. 2. Ўрта асрларда мантиқ илми. 3.Янги даврда (XIII-XIX асрларда) мантиқ илми тараққиётининг асосий йўналишлари 4. XIX аср ўрталари – XX аср бошларида мантиқнинг ривожланиши.	Мустақил ўрганиш учун
I.2.	<b>2-боб. Мантиқ илми ва тил</b>		
I.2.1	Тилнинг мантиқий таҳлили	1. Тил – ахборот (информация) белгилари тизими. 2. Белгилар тушунчаси. 3. Тилнинг семантик категориялари.	Мустақил ўрганиш учун
II.	<b>ИККИНЧИ БЎЛИМ. МАНТИҚНИНГ УМУМНАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ</b>		
II.1	<b>1-боб. Тўғри фикрлашнинг қонун- қоидалари</b>		
II.1.1	Формаль мантиқнинг асосий қонунлари (тамойиллари)	1. Тўғри тафаккурнинг асосий белгилари ва талаблари. 2. Айният қонуни. 3. Нозидлик қонуни. 4. Учинчисини истисно қонуни. 5. Етарли асос қонуни.	1
II.2	<b>2-боб. Тафаккурнинг универсал мантиқий шакллари</b>		
II.2.1	Тушунча	1. Тушунча тафаккур шакли сифатида. Тушунчанинг мантиқий таркиби. Тушунча турлари. Тушунча ва сўз. 2.Тушунчалар ўртасидаги муносабатлар. 3. Тушунчалар устида мантиқий амаллар. 4.Тушунча шаклланишининг	1

		асосий мантиқий усуллари.	
II.2.2	Хукм (мулоҳаза)	1.Хукмнинг моҳияти ва мантиқий таркиби. Хукм ва гап. 2. Хукмнинг турлари. 3.Хукмлар ўртасидаги муносабатлар (мантиқий квадрат). 4. Савол ва норма.	1
II.2.3	Хулоса чиқариш	1. Хулоса тафаккур шакли сифатида. Хулоса чиқариш турлари. 2. Дедуктив хулоса чиқариш. Силлогизм, унинг аксиомаси ва қоидалари. 3. Силлогизм фигуралари ва модуслари. 4. Силлогизм турлари. 5. Индуктив хулоса чиқариш. Ҳодисалар орасидаги сабаб-оқибат боғланишларини индуктив текшириш методлари. 6. Аналогия (қиёс).	2
II.3	<b>3-боб. Даиллаш ва билимлар тараққиётининг мантиқий шакллари</b>		
II.3.1	Даиллашнинг мантиқий асослари	1.Даиллаш тушунчаси ва унинг мантиқий асослари. 2. Мантиқий исботнинг моҳияти, таркиби ва турлари. 3. Исбот қоидалари. 4. Раддия ва унинг усуллари. Дискуссия (мунозара).	Мустақил ўрганиш учун
II.3.2	Муаммо. Фараз. Назария	1.Муаммо ва фараз – билишнинг тараққий этиш шакллари. Фараз турлари. 2. Фаразлар чин бўлишининг мантиқий шартлари. 3. Назария илмий билимлар системаси сифатида.	Мустақил ўрганиш учун.
		Жами соат:	6

#### **1.4.2. Семинар машғулотлари**

№	Машғулотлар мавзулари	Вақти
1	Формаль мантиқнинг асосий қонунлари (тамойиллари)	2
2	Тушунча	2
3	Хукм (мулоҳаза)	2
4	Хулоса чиқариш	2
	Жами соат	8

#### **1.4.3. Талабаларнинг мустақил иши**

1. Мустақил ўрганиш учун берилган мавзулар бўйича конспектлар тузиш.
2. Мустақил ўрганиш учун берилган мавзулар саволлари бўйича жорий ва оралиқ назоратларда жавоблар бериш.

Жами соат 12

**Эслатма:** мустақил иш топшириқлари ЎММ охирида келтирилган.

#### **1.5. Мантиқ фанидан рейтинг ишланма ва баҳолаш мезонлари**

№	Назорат турлари	Сони	Балл	Жами балл
1	ЖБ 1.1. Семинар машғулотларини бажариш 1.2. ТМИ мавзулари бўйича (оғзаки)	4 4	6,25 6,25	25 25
2	ОБ. 2.1. Оралиқ баҳолаш 2.2. ТМИ (оғзаки)	1 60	20 0,25	20 15
3	ЯБ 3.1. Якуний баҳолаш 3.2. Ёзма иш (2 та савол)	1 2	7,5	15

#### **Мантиқ фанидан баҳолаш мезони**

1.1. ЖБ бўйича семинар машғулотларида қатнашиб, ҳар бир машғулот топшириқларини тўла бажарган талабага 6,25 балл берилади. Агар жавоблар тўла бўлмаса, бажарилиш даражасига қараб, 3-3,25 баллгача берилади.

1.2. Талабалар мустақил ишларининг бажарилиши ҳажми ва сифатига қараб, 3,25 дан 6,25 баллгача бериш мумкин.

2.1. ОБ оғзаки ва ёзма иш (уй вазифаси) асосида ўтказилиб, ундан 2 та саволга оғзаки жавоб бериш (жами 20 балл) ва 60 та саволга ёзма жавоб тайёрлаш сўралади. 60 та саволнинг ҳар бирига 0,25 баллгача, жами 15 балл берилади. Бу юқори баҳо саволлар моҳияти тўлиқ очилган, жавоблар тўлиқ ва аниқ бўлганда қўйилади. Агар саволнинг моҳияти умумий очилган, асосий фикрлар тўғри баён этилган бўлса, унда 3-4 балл берилади. Саволга жавоб берилган, аммо камчиликлари бўлса, 2 баллгача берилади. Саволга жавоб

беришга ҳаракат қилинган, аммо фактларда чалкашликлар бўлса, 1-2 баллгача берилади.

Ёзма иш (уй вазифаси)да берилган ҳар бир саволга жавоблар 0,25 баллик тизимда баҳоланади.

3.1. ЯБ да талабалар 2 та саволга ёзма жавоб бериши лозим. Ҳар ёзма саволга 7,5 баллгача берилади. Агар саволлар моҳияти тўла очилган, улар бўйича талабанинг танқидий нуқтаи назари баён қилинган бўлса, 5-7 балл берилади. Саволнинг моҳияти тўла очилган, асосий фактлар тўғри баён қилинган бўлса, 4-5 балл қўйилади. Саволга тўғри жавоб берилган, лекин айрим камчиликлари бўлса – 3-4 балл. Берилган саволга жавоблар умумий ва камчиликлари кўпроқ бўлса, 2-3 балл берилади.

**Эслатма:** талабанинг умумий баллини ҳисоблагандан у яхлитланиб олинади.

ЖБ профессор-ўқитувчи журнали ва қайдномага талабаларнинг семинар машғулотларидағи иштироки ва ёзма иш натижалари умумлаштирилиб, 1-ЖБ 24 балл, 2-ЖБ 26 балл шаклида қайд қилинади.

ОБ профессор-ўқитувчи журнали ва қайдномада оғзаки сўров асосида ва ёзма иш натижаларига кўра 35 балл шаклида қайд қилинади.

ЯБ профессор-ўқитувчи журнали ва қайдномада ёзма иш натижаларига кўра 15 балл шаклида қайд қилинади.

### **Ўзлаштириш кўрсаткичи:**

86-100 балл – “аъло”, 71-85 балл – “яхши”, 56-70 балл – “қониқарли” ҳисобланади. Саралаш балли – 56.

## **БИРИНЧИ ҚИСМ**

### **2.1. МАЪРУЗАЛАР КУРСИ**

#### **БИРИНЧИ БЎЛИМ. МАНТИҚА КИРИШ**

#### **1-БОБ. МАНТИҚНИНГ ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ, ПРЕДМЕТИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ**

##### **I.1.1. МАНТИҚ ИЛМИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА АҲАМИЯТИ**

###### **Асосий саволлар:**

1. Мантиқ фанининг обьекти ва предмети.
2. Билиш ва унинг асосий босқичлари.
3. Тафаккурнинг мантиқий таркиби.
4. Мантиқнинг бошқа фанлар билан алоқаси.

**Таянч тушунча ва иборалар:** «мантиқ» ва «логика» атамалари, тафаккур, тафаккурнинг мантиқий таркиби, билиш, ҳиссий билиш, ақлий билиш, мантиқнинг бошқа фанлар билан алоқаси.

**Мавзуда кўриб чиқиладиган муаммолар:** мантиқ фанининг обьекти ва предмети, тафаккурнинг мантиқий таркиби, билиш босқичлари, мантиқнинг бошқа фанлар билан алоқаси.

## Дарс мақсади:

1. Мантиқ фанининг обьекти ва предмети, билиш босқичлари, тафаккурнинг мантиқий таркиби масалалари изоҳлаб берилади.
2. Мантиқнинг бошқа фанлар билан алоқаси тушунтириб берилади.

### 1-савол баёни

«Мантиқ» арабча сўз бўлиб, унинг халқаро муқобили логикадир. **Логика** грекча logos сўзидан олинган бўлиб, фикр, сўз, ақл, тушунча, фан, қонун маъноларини ифодалайди. Арабча мантиқ атамаси ҳам шу маъноларга эга.

Мантиқ ёки логика термини **икки маънода** ишлатилади:

1. Нарса ва ҳодисаларнинг муайян тартиби, боғланиши, изчиллиги, улар тараққиёт қонунларининг ўзаро боғланиши (объектив мантиқ ёки нарсалар, ташқи дунё мантиғи) ҳамда тафаккур ёрдами билан вужудга келадиган фикрлар, тушунчалар ўртасидаги ўзаро алоқа, боғланиш ва изчиллик (субъектив мантиқ ёки фикрлар мантиғи) маъноларида. Тафаккур ташқи оламнинг инсон онгидаги инъикоси бўлганлиги сабабли объектив ва субъектив мантиқ узвий алоқадорликни, бирликни ташкил этади.
2. Тўғри фикрлаш, тафаккур қилиш қонунлари, қоидалари, шакллари, усуллари ва методларини ўрганадиган фан маъносида.

Мантиқнинг фан сифатидаги асосий **вазифаси** ҳақиқий билимларга эришиш шарт-шароитларини ўрганиш, фикрлаш жараёни тузилишини таҳлил қилиш, тўғри муҳокама юритишнинг мантиқий қоида ва методларини ишлаб чиқишидир.

Мантиқнинг илмий-тадқиқот **объекти** бўлиб билиш усули сифатидаги инсон тафаккури ҳисобланади. Унинг **предметини** эса инсонни ўраб турган ташқи оламни билиб олишга ёрдам берадиган тафаккур қонунлари, қоидалари, шакллари, усуллари ташкил этади.

### 2-савол баёни

**Билиш** деб объектив оламнинг инсон онгига акс этиш жараёнига айтилади. Инсон билиши **икки шаклда** содир бўлади:

**1. Ҳиссий билиш** – буюм ва ҳодисаларнинг ташқи, шаклий хосса-хусусиятларининг сезги органлари ёрдамида акс этиши. У билишнинг бошланғич, ибтидоий босқичи бўлиб ҳисобланади.

Ҳиссий билиш уч шаклда содир бўлади: сезги, идрок ва тасаввур.

**Сезги** деб буюм ва ҳодисаларнинг айрим ташқи, шаклий хоссалари (шакл, ҳид, ранг, ҳарорат ва ҳоказолар)нинг ҳиссий акс этишига айтилади.

**Идрок** деб сезги органлари ёрдамида буюм ва ҳодисаларнинг яхлит, бутун ҳолда ҳиссий акс этишига айтилади.

**Тасаввур** деб сезги органлари орқали ҳосил қилинган, бир вақтлар сезилган, идрок этилган буюм ва ҳодисаларнинг маълум вақт ўтгандан сўнг яна хотирада тикланишига айтилади.

Хиссий билиш чекланган билишдир. Чунки у буюм ва ҳодисаларнинг фақат ташқи, шаклий хосса-хусусиятларини акс эттириш билан чекланиб, уларнинг моҳияти, ички сабаб ва қонуниятларини очиб беришга қодир эмас. Шунинг учун у инсонни қониқтирмайди. Инсон ҳиссий билишдан ақлий билиш сари илгарила боради.

**2. Ақлий (назарий, мантиқий билиш ёки абстракт тафаккур)** буюм ва ҳодисаларнинг ички сабаб ва қонуниятларини, моҳияти ва мазмунини ақл, тафаккур ёрдамида билиб олишдир. У билишнинг олий босқичидир.

**Тафаккур** дунёни, буюм ва ҳодисаларни умумлаштирилган, мавҳум, бавосита тимсоллар, тушунчалар, хукмлар, хуласалар, назариялар ва билимлар орқали акс эттиради.

Ақлий билиш **уч шаклда** содир бўлади: тушунча, ҳукм ва хуласа. Биз уларни бундан кейинги маърузаларимизда алоҳида-алоҳида кўриб ўтамиз.

Хиссий ва ақлий билиш ўзаро узвий бирликни ташкил этади. Шунинг учун уларни доимо ўзаро алоқада, боғлиқликда олиб қараш ва ўрганиш зарур. Уларни бир-биридан ажратиб ташлаш, бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйиш ҳолатлари ҳам бўлганки, бундай ҳолатлар сенсуализм ва рационализм каби нотўғри, бирёклама оқимларни вужудга келтирган.

### 3-савол баёни

**Тафаккурнинг мантиқий таркибини икки томон ташкил этади:** 1) мазмунни ва 2) мантиқий шакли

**Тафаккурнинг мазмуни** деб унда акс этган буюм ва ҳодисалар тўғрисидаги билимларга айтилади.

**Тафаккурнинг мантиқий шакли** деб фикрларимизнинг ички мунтазамлиги, муайян боғланиши ва изчилигига айтилади.

**Фикрнинг тузилиши** деб унинг ички кўриниши, уни ташкил этадиган қисмларнинг ўзаро алоқаси усулига айтилади.

Фикрларимиз тузилиши, қурилишини аниқлаш жараёни **формаллаштиришдир**. Формаллаштириш жараёни тафаккур шакллари ва қоидаларини турли рамзий, шартли формулалар, схемалар ва белгилар орқали ифодалашдир. У тафаккурнинг шакли билан биргаликда унинг мазмунини ҳам ҳисобга олишни тақозо қиласди.

Тафаккурнинг мантиқий шакли ва мазмuni узвий бирликни ташкил қиласди. Фикрнинг тўғрилиги, ҳаққонийлиги унинг мантиқий шаклининг тўғрилигига ва аксинча боғлиқдир. Масалан:

Ҳар қандай металл элементдир.

Темир металлдир.

Демак, темир элементдир.

Бунда фикрнинг мазмуни чин, унинг мантиқий шакли эса тўғри қурилган, бир-бирига ўзаро мосдир. Аммо баъзан фикрнинг мантиқий шакли изчили, тўғри қурилган бўлса ҳам, унинг мазмуни ёлғон, хато бўлади. Масалан:

Барча одамлар яхши одамлардир.

Безори одамдир.

Демак, безори яхши одамдир.

Бунда фикрнинг мантиқий шакли тўғри, изчил, муңтазам курилган бўлса ҳам, аммо унинг мазмуни хатодир. Чунки унда «Барча одамлар яхши одамлардир», деган умумий асос хато бўлганлиги сабабли «Безори яхши одамдир», деган ёлғон хулоса чиқади.

Демак, тафаккурнинг мантиқий шакли ва мазмуни ҳар доим ҳам бир-бирига мос келавермайди. Улар ўртасида зиддият, номувофиқлик ҳам мавжуддир.

Мантиқ тафаккурнинг мантиқий шакллари, йўллари, усулларини ўрганиш билан биргаликда тўғри айтилган фикрларнинг барчаси учун бир хил умумий қонунларни ишлаб чиқади.

#### 4-савол баёни

Мантиқ барча фанлар (фалсафий, математик, табиий, техникавий ва ижтимоий-гуманитар) билан узвий алоқада бўлади. Бунинг боиси шундаки, барча фанлар олам ва унинг қонунларини билимлар, назариялар, гипотезалар орқали, яъни тафаккур шакллари ёрдамида ўрганади. Барча фанларнинг асосини мантиқ ташкил этади. Аммо мантиқ бошқа фанлардан фарқли равишда тафаккурнинг умумий қонунлари, шакллари, усуллари ва қоидаларини ишлаб чиқади. Шунинг учун у барча фанларнинг умумий назарий ва методологик асосини ташкил этади. Бошқа фанлар эса мантиқ ишлаб чиқсан тафаккурнинг умумназарий ва умумметодологик қоидаларига асосланиб, ўз соҳаларини тадқиқ этади, бу қоидаларни текшириб кўради. Улар мантиққа хусусий ва айрим материаллар, фактларни тўплаб беради. Мантиқ эса бу материал ва фактларни умумлаштириб, янги қоидаларни ишлаб чиқади. Шунинг учун мантиқ ва бошқа фанлар ўртасидаги ўзаро алоқалар икки томонлама, бир-бири учун зарур ва фойдали характерга эгадир.

#### Назорат саволлари:

1. Мантиқ фанининг ўрганиш обьекти нима?
2. Мантиқнинг предметини таърифлаб беринг
3. Билиш ва унинг босқичларини баён этинг
4. Тафаккурнинг мантиқий таркибини қайси томонлар ташкил этади?
5. Мантиқ нега барча фанлар билан узвий алоқада бўлади?

**Мавзуда қўлланиладиган педтехнология ва усуллар:** 1. Ақлий «хужум». 2. Ёзма жавоблар таҳлили. 3. Баҳс-мунозара. 4. Дарсни аниқ йўналтирилган саволлар асосида олиб бориш.

**Мавзуда қўлланиладиган ахборот технологияси:** 1. Схема, жадвал, формуласалар намойиши. 2. Интернет маълумотлари.

#### Адабиётлар

1. Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Мантиқ. – Т.: Ўқитувчи, 1993, I-боб.
2. Раҳимов И. Мантиқ. – Т.: 1994.

3. Шарипов М., Файзихўжаева Д. Мантиқ: Маъruzалар матни. – Т.: 2000, 1-мавзу.

### **1.1.2. МАНТИҚ ФАНИ РИВОЖЛАНИШИННИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ**

#### **Асосий саволлар:**

1. Қадимги дунёда мантиқ илмининг шаклланиши.
2. Ўрта асрларда мантиқ илми.
3. Янги даврда (XVII – XIX асрларда) мантиқ илми тараққиётининг асосий йўналишлари.
4. XIX аср ўрталари – XX аср бошларида мантиқнинг ривожланиши.

**Таянч тушунча ва иборалар:** Қадимги дунёда мантиқ илми, Зенон апориялари, софистика ва нотиклик санъати, Сократ, Платон, Аристотель тафаккур табиати ва шакллари ҳақида, Аристотель – мантиқ илми асосчиси; Ўрта асрларда мантиқ илми, ал-Киндий, ал-Хоразмий, Форобий, Ибн Сино, Ибн Рушд, Журжонийларнинг мантиқий таълимотлари, номинализм ва реализм ўргасидаги баҳснинг мантиқий асослари; Янги даврда мантиқ илми тараққиёти, Ф.Бэконнинг индуктив методи, Р.Декартнинг дедукция ва индукция методларининг бирлиги ҳақидаги ғоялари, Г.В.Лейбниц – математик мантиқ асосчиси, И.Кантнинг трансцендентал мантиғи, Гегель – диалектик мантиқ асосчиси, М.В.Ломоносов, М.М.Каринскийларнинг мантиққа оид қарашлари, Д.Буль ва математик мантиқнинг системали тараққиёти, Г.Фрегенинг математик мантиқ тараққиётидаги ҳиссаси.

**Маъruzада кўриб чиқиладиган муаммолар:** мантиқ фани вужудга келиши ва тараққиётининг асосий босқичлари, унга буюк ҳиссалар кўшган олимлар фаолиятлари билан таништириш.

#### **Дарс мақсади:**

1. Мантиқ фани ривожланишининг асосий босқичларини изоҳлаб бериш.
2. Мантиқ фани тараққиётига хисса кўшган олимлар фаолиятини тушунириб бериш.

#### **1-савол баёни**

Мантиқ энг қадими фанлардан биридир. У фалсафа билан биргаликда қадимги қулдорлик жамиятида вужудга келган.

Ушбу мавзу талабаларга мустақил ўрганиш учун тавсия қилинган. Шунинг учун мавзу саволлари бўйича методик тавсиялар билан чекланамиз.

Мантиқ фанининг Қадимги дунёда шаклланиши масаласи баёнида куйидагиларга эътибор бериш лозим: Қадимги ҳинд фалсафасида мантиққа оид фикрларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, уларнинг Шарқ ва Фарбга тарқалиши. Гречия ва Римда мантиққа оид билимларнинг тараққий этиши.

Зенон апорияларининг мантиқий маъноси. Софистика ва нотиқлик санъатига илмий ёндашиш. Сократ ва Платоннинг тафаккур табиати ва шакли ҳақидаги фикрлари. Аристотель мантиқ – илмининг асосчиси.

## 2-савол баёни

Ўрта асрларда Яқин ва Ўрта Шарқда, Марказий Осиёда мантиққа оид билимларнинг тараққий этиши. Ал-Киндий, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийларнинг мантиқий таълимотлари. Форобийнинг мантиқ фани тараққиётiga қўшган ҳиссаси. Ибн Синонинг мантиқ фани ривожида тутган ўрни. Ибн Рушд яратган мантиқий таълимот. Журжонийнинг мантиққа оид қарашлари. Европа мамлакатларида номинализм ва реализм тарафдорлари ўртасидаги умумийлик масаласи бўйича баҳснинг мантиқий аҳамияти.

## 3-савол баёни

Янги давр (XVII-XIX асрлар)да мантиқ илми тараққиётининг асосий ўйналишлари қўйидагилардир: Ф. Бэконнинг индукцияни билишнинг самарали методи сифатида асослаши. Р. Декартнинг билишда индукция ва дедукциянинг аҳамияти ҳақидаги фикрлари. Г.В. Лейбницнинг математик (рамзий) мантиқни яратиш ғоясини илгари суриши. И.Кантнинг трансцендентал мантиқни яратиши. Гегель – диалектик мантиқ асосчиси. XIX асрда Англияда индукция назариясининг ривожланиши. М. В. Ломоносов, М. М. Каринский ва бошқа рус мутафаккирларининг мантиққа оид қарашлари.

## 4-савол баёни

XIX аср ўрталари – XX аср бошларида мантиқнинг ривожланишида қуйидаги ҳолатларга эътибор бериш лозим: Д. Буль – математик мантиқнинг системали тараққий этишига асос солган мутафаккир. Г. Фрегенинг мантиқ фани тарққиётiga қўшган ҳиссаси. XX асрнинг ўрталари ва охирида мантиқ илмининг ривожланиш истиқболлари.

Мавзу баёнини умумлаштириб, шуни алоҳида қайд қилиш керакки, мантиқий фикрлар тараққиёти тарихида қўйидаги **уч асосий босқич** ҳарактерлидир:

1. Аристотелча классик ёки формаль мантиқ даври босқичи. У қадимги грек файласуфи ва қомусий олими Аристотель (эр. авв. 384-322 й.й.) номи билан боғлиқдир. Аристотель биринчи бўлиб мантиқни фан сифатида ишлаб чиқди, «логика» терминини фанга киритди. Аристотель мантиғи формаль мантиқдир. У фикр мантиғидир. Биз ўрганишга киришаётган фан ана шу аристотелча классик ёки формаль мантиқ ҳисобланади.

Аристотелнинг фалсафий-мантиқий таълимотини кейинчалик Абу Наср ал-Форобий, Абу Али ибн Сино каби ўрта осиёлик олимлар атрофлича ишлаб чиқдилар, ижодий ривожлантирилар.

2. Математик ёки символик мантиқ босқичи. У машхур немис файласуфи ва математиги. Г. В. Лейбниц (1646-1716) томонидан ишлаб чиқилган. Математик ёки символик мантиқ аристотелча классик ёки формаль мантиқ қонун-қоидаларини математик ёки рамзий формулалар, белгилар орқали ифодалайди. Бу белгилар, формулалар асосида ҳозирги замон ЭҲМлари ишлаши мумкин.

3. Диалектик мантиқ босқичи. У XIX асрнинг 40-йилларида вужудга келди. Диалектик мантиқ ҳам ташқи олам ва ҳам фикр, тафаккур қонунларини узвий бирликда олиб ўрганади. Шунинг учун у объектив ва субъектив мантиқнинг узвий бирлигидан иборатdir.

### **Назорат саволлари:**

1. Мантиқ фанининг Қадимги дунёда шаклланиши қандай содир бўлган?
2. Ўрта асрларда мантиқ илми ривожининг асосий йўналишларини изоҳлаб беринг.
3. Янги даврда мантиқ илми тараққиётининг асосий йўналишлари нималардан иборат.
4. XIX-XX асрларда мантиқ илми қандай тараққий этган?

### **Мавзуда қўлланиладиган педагогика ва усуллар:**

1. Конспектлар таҳлили. 2. Баҳс-мунозара. 3. Савол-жавоб

**Мавзуда қўлланиладиган ахборот технологияси:** 1. Слайдлар намойиши. 2. Интернет маълумотлари

### **Адабиётлар**

1. Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Мантиқ – Т.: Ўқитувчи 1993, II-боб
2. Раҳимов И. Мантиқ. – Т.: 1994.
3. Шарипов М., Файзихўжаева Д. Мантиқ: Маъruzалар матни. – Т.: 2000, 2-мавзу.

## **2-БОБ. МАНТИҚ ИЛМИ ВА ТИЛ**

### **2.1. ТИЛНИНГ МАНТИҚИЙ ТАҲЛИЛИ**

#### **Асосий саволлар:**

1. Тил – ахборот (информация) белгилари тизими.
2. Белгилар тушунчаси.
3. Тилнинг семантик категориялари.

**Таянч тушунча ва иборалар:** тил, тилнинг функциялари, табиий ва сунъий тиллар, белги тушунчаси, семантика, синтаксис, прагматика, формаллаштириш, пропозиционал функциялар ҳосил қилиш, дескриптив атамалар, мантиқий атамалар, мулоҳазалар мантиғи тили, предикатлар мантиғи тили.

**Мавзуда кўриб чиқиладиган муаммолар:** тилнинг асосини ташкил

этадиган семантик категорияларнинг мантиқий таҳлили.

### **Дарс мақсади:**

1. Тилнинг мантиқий асосларини изоҳлаб бериш.
2. Тилнинг семантик категориялари билан таништириш.

## **1-савол баёни**

Тил билан тафаккур, грамматика билан мантиқ узвий алоқадордир. Чунки тафаккур шакллари ва қонунлари, барча билимларимиз тил орқали ифодаланади. Шунинг учун мантиқ фани тилни таҳлил қилиш билан ҳам шуғулланади. Бироқ ҳозирги даврда формаль мантиқ сунъий шакллантирилган тил билан иш кўради.

Шу билан биргаликда, тил ва тафаккур, грамматика ва мантиқ ўртасида фарқлар ҳам мавжудdir. Грамматик ва мантиқий категориялар ўзига хос хусусиятларга эга. «**Мантиқ тили**» деган термин мавжуд бўлиб, у мантиқий категориялар таҳлили билан шуғулланади.

**Тил** деганда кенг маънода ахборот берувчи, инсонлар ўртасида алоқа воситасини бажарувчи ҳар қандай белги – информацион система тушунилади.

Тилнинг асосий **функциялари** қўйидагилардир:

1. Ахборотни сақлаш.
2. Ахборотни шакллантириш.
3. Ахборотни етказиш.
4. Алоқа воситасини бажариш.

Тилни табиий ва сунъий тилларга бўлишади.

**Табиий тил** ёки миллий тил жонли сўзлашув тили ҳамда график ёзувларда ифодаланганди ёзма тил бўлиб, белгининг ахборот системасини ташкил этади.

**Сунъий тил** табиий тил заминида пайдо бўлган ёрдамчи белгилар системасидан иборат бўлиб, илм ва бошқа жараёнлар ҳақида аниқ тежамкорлик билан берилган ахборот учун ишлатилади. Унинг асосини белгининг символлари (рамзлар) ташкил этади. Улар турли фанларда кенг қўлланилади.

Замонавий мантиқ сунъий тил ёрдамида фикрлаш қонунлари ва шаклларини назарий таҳлил қиласида. Шу сабабли у **символик мантиқ** деб аталади.

## **2-савол баёни**

Тилнинг белги системаси назариясини ўрганувчи фан **семантика** деб аталади. У тилни уч нуқтаи назардан таҳлил қиласида: синтаксис, семантика ва прагматика.

**Синтаксис** тилнинг тузилиши, турли белгилари ўртасидаги алоқа, шаклланиш усулларини ўрганади. Синтактик алоқа туфайли мантиқий муносабат грамматик жиҳатдан шаклланади.

**Семантика** тил белгилари билан унда ифодаланган объект ўртасидаги муносабатни таҳлил қиласи. Уни белгиларнинг аҳамиятини талқин қилиш қизиқтиради.

**Прагматика** одамларнинг белгиларга муносабатини ўрганади.

**Белги** деб моддий буюм (ҳодиса, иш-харакат)нинг хосса ва муносабатларининг ҳиссий идрок этилиши тўғрисидаги ахборотга айтилади.

Белгилар: а) тил (лисоний) ва б) тил бўлмаган (нолисоний) белгиларга бўлинади.

**Тил бўлмаган белгилар** қуйидагилардир:

- нусха белгиси (фотосурат, бармоқ изи ва ҳоказо);
- хосса белгиси (тутун – ўтнинг хоссаси, ҳароратнинг ошиши – касаллик белгиси ва ҳоказо);
- сигнал белгиси (қўнғироқ дарснинг бошланиши ёки тугаш белгиси ва ҳоказо);
- рамзий белгилар (масалан, йўл харакати белгилари).

**Тил белгиларидан бири ном (от)дир.** Улар маъно ва мазмунга эга.

**Мазмун** номда ифодаланган предмет тўғрисидаги ахборот (концент).

**Маъно** (номинат) – номнинг ифодаланиши ёки предметли маъно.

### 3-савол баёни

**Семантик категориялар** тил ифодаларининг синфларидан иборат бўлиб, бир-биридан қандай объектларни акс эттириши билан фарқланади.

Мантиқ илмида қуйидаги семантик категориилар мавжуд: 1) гап, 2) дескриптив терминлар (атамалар), 3) мантиқий терминлар (атамалар).

**Гап** дарак, сўроқ ва ундов гапларга бўлинади ва тугал фикрларни ифодалайди.

**Дескриптив терминлар** а) предметнинг номи, б) функционал белгилар ва в) предикаторларга бўлинади.

**Предмет номи** алоҳида сўз ёки сўзлар бирикмаси бўлиб, предметни ифодалайди. У қуйидаги **турларга** бўлинади: а) моддий (китоб, дараҳт), б) ғоявий (ахлоқ, фикр), в) оддий (қалам, Тошкент), г) мураккаб (Қуёш системаси планеталари, гап бўлаклари), д) алоҳида (Беруний, Самарқанд), е) умумий (дараҳт, юлдуз).

**Функционал белгилар** предметларга хос ажралмас хосса- хусусиятлар, муносабатларни ифодалайди.

**Предикаторлар** предмет ва унинг белгиси ўртасидаги муносабат тўғрисида тасдиқлаб ёки инкор қилиниб айтилган фикрнинг тил ифодасидир. Предикаторлар: а) бир жойли, яъни алоҳида предметга тегишли белгини кўрсатувчи (пахта оқдир), б) икки жойли, яъни икки предмет муносабатларини кўрсатувчи (Карима Валини севади), в) кўп жойли, яъни иккidan ортиқ муносабатни ифодаловчи (Вали Салимага гул совға қилди) бўлади.

**Мантиқий терминлар:** а) конъюнкция (бирлаштирувчи), б) дизъюнкция (айирувчи), в) кванторлар, г) импликация (шартли), д) инкор, е) эквивалент каби тушунчалардан иборат бўлади.

## **Предикат мантиғи тилининг символик ифодалари қуидаги:**

1) а, б, с – якка атоқли ёки тавсифий предметларнинг номи ифодаланган символлар, улар мантиқий ўзгармас (констант) деб аталади.

2) х, у, ... – предметларнинг умумий номини ифодаловчи символлар, улар мантиқий ўзгарувчанлик деб аталади.

3)  $P^1, Q^1, R^1, P^2, Q^2, R^2, \dots$  – предикаторларни ифодаловчи символлар. Индекслар предикаторларнинг жойини (1 – бир жойли, 2 – икки жойли, n – кўп жойли) кўрсатади. Улар предикат ўзгарувчанлиги дейилади.

4) Р, q, r ... – пропозицион ўзгарувчанлик, гап ифодаланишини билдирувчи символлар.

5)  $\forall, \exists$  – фикрларнинг миқдорий тафсилини ифодаловчи символлар – квантор деб аталади ( $\forall$  – умумийлик квантори, «ҳамма», «ҳар қандай», «ҳамма вақт» қабилида ифодаланади,  $\exists$  – мавжудлик квантори, «бўлади», «баъзида учрайди», «мавжуд» кабиларда ифодаланади).

6) Мантиқий терминлар:

- конъюнкция (бирлаштирувчи) –  $\wedge$  (а  $\wedge$  в) – ва, ҳам, ҳамда.
- дизъюнкция (айирувчи) – v, v (а v в), (а v в) – ё, ёки, ёинки, ёхуд.
- импликация (шартли) –  $\rightarrow$  (а  $\rightarrow$  в) – агар, у ҳолда.
- эквивалент (тенглик) –  $\equiv$  ( $A \equiv B$ ),  $\leftarrow \rightarrow$ .
- инкор – белгилар устига қўйилган чизиқ ( а $\circ$  ), яъни а эмас.
- функционал белгилар –  $Y = F(x)$ , яъни у айни x нинг функциясидир.

Юқоридаги сунъий мантиқий тил ёрдамида шаклланган, формаллашган мантиқий система тузиш мумкин. Бундай усул **ҳисоблаш предикати ёки ҳисоблаш мулоҳаза мантиғи** деб аталади.

## **Назорат саволлари:**

1. Тил нима ва унинг қандай турлари мавжуд?
2. Тилнинг қандай функциялари мавжуд?
3. Белгилар нима, уларнинг қандай кўринишлари бор?
4. Тилнинг семантик категориялари қандай символларда ифодаланади?

**Мавзуда қўлланиладиган педтехнология ва усуллар:** 1. Конспектлар таҳлили. 2. Савол-жавоб. 3. Символлар ёрдамида ишлаш.

## **Адабиётлар**

1. Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Мантиқ. – Т.: Ўқитувчи, 1993, III боб.
2. Раҳимов И. Мантиқ. – Т.: 1994.
3. Шарипов М., Файзихўжаева Д. Мантиқ: Маъruzalар матни. – Т.: 2000, З-мавзу.

## **ИККИНЧИ БЎЛИМ МАНТИҚНИНГ УМУМНАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ**

### **1-БОБ. ТЎҒРИ ФИКРЛАШНИНГ ҚОНУН-ҚОИДАЛАРИ**

#### **П. 1. 1. ФОРМАЛЬ МАНТИҚНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНЛАРИ (ТАМОЙИЛЛАРИ)**

**Асосий саволлар:**

1. Тўғри тафаккурнинг асосий белгилари ва талаблари.
2. Айният қонуни.
3. Нозидлик қонуни.
4. Учинчисини истисно қонуни.
5. Етарли асос қонуни.

**Таянч тушунча ва иборалар:** тўғри тафаккурнинг асосий белгилари, мантиқ (тафаккур) қонунлари тушунчаси, айният қонуни, нозидлик қонуни, учинчисини истисно қонуни, етарли асос қонуни.

**Мавзуда қўриб чиқиладиган муаммолар:** мантиқ ёки тўғри тафаккур қонунлари (тамойиллари)ни асослаб бериш.

**Дарс мақсади:**

1. Тўғри тафаккурнинг асосий белгилари ва талабарини изоҳлаб бериш.
2. Мантиқ (тафаккур)нинг асосий қонунлари билан таништириш.

### **1-савол баёни**

**Тўғри тафаккур** деб мантиқ қонун-қоидалари талабларига мос ҳолда қурилган, воқеликни ҳаққоний акс эттирадиган фикрлар, билимларга айтилади.

Тафаккур тўғри бўлиши учун унинг мазмуни ҳаққоний, чин бўлишидан ташқари, мантикий шакли ҳам мантиқ қонун-қоидаларига мос ҳолда тўғри тузилган, изчил бўлиши керак.

**Тўғри тафаккурнинг асосий белгилари ва талаблари** қўйидагилардир: фикрнинг аниқ, қатъий маънога эга бўлиши, изчил ва зиддиятсиз қурилиши, асослилиги. Бу талаблар мантиқ қонунларида ўз ифодасини топади. Шунинг учун мантиқ қонунлари тўғри тафаккурнинг асосий талаблари (принциплари) бўлиб ҳисобланади.

**Мантиқ қонунлари** деб тафаккурнинг барча шаклларида амал қиладиган умумий, муҳим, барқарор, зарурӣ алоқа ва боғланишлар, талаблар ифодасига айтилади.

Мантиқ қонунлари объектив характерга эга. Улар кишиларнинг хоҳиш-иродаси, шахсий истагига боғлиқ эмас. Кишлар бу қонунларни ўзгартира

олмайдилар. Улар бу қонунларга итоат этишга мажбур ва бурчлидирлар.

Мантиқ қонунлари оламни билиш ва ўзгартиришда улкан назарий ҳамда методологик аҳамият касб этади.

Мантиқ қонунлари түрттадир:

1. Айният қонуни.
2. Нозидлик қонуни.
3. Учинчисини истисно қонуни.
4. Етарли асос қонуни.

Бу қонунлардан учтасини (биринчи, иккинчи ва учинчисини) ўз даврида Аристотель кашф этиб, фанга киритган эди. Түртинчи, яъни етарли асос қонунини Г. В. Лейбниц асослаб берган эди.

## 2-савол баёни

**Айният қонунига** биноан, ҳар бир тушунча, ҳукм ва хулоса конкрет, муайян, барқарор мазмунга эга бўлиб, улар турли ўринлар ва шароитларда бир неча бор такрорланса ҳам, ўзининг асл маъносини йўқотмасдан, ўз-ўзига teng, айнан бўлиб қолади. Формаль мантиқнинг бу қонуни тушунча ва фикрларни бир-бири билан алмаштириб ва қоришириб юбормасликни, уларнинг ҳар бирини ўз ўрнида, ўз маъносида ишлатишни тақозо этади. Акс ҳолда тушунча ёки фикр ўзгариши, чалғиши, аралашиб кетиши, мулоҳазалар тарқоқлиги, сочилиб кетиши, масаладан чекиниш ва уни нотўғри қўйиш каби хатолар содир бўлади. Буларнинг барчасига сабаб фикр муайянлиги ёки қатъийлигининг бузилишидир.

Айният қонунининг формуласи қуйидагичадир: А-А. Масалан: Тўғри тафаккур қилиш, фикр юритиш қонунлари, қоидалари, шакллари, усуллари ва воситалари тўғрисидаги фан мантиқдир (A). Мантиқ тўғри тафаккур қилиш, фикр юритиш қонунлари, қоидалари, шакллари, усуллари ва воситалари тўғрисидаги фандир (A).

## 3-савол баёни

**Нозидлик қонунига** биноан, айни бир буюм ёки ҳодиса тўғрисида айтилган икки қарама-қарши (контрап) фикр, ҳукмлар айни бир вақтда ва айни бир нисбатда бирданига чин бўлиши мумкин эмас. Чунки улар ўртасида зиддият бор. Доим улардан бири чин, иккинчиси ёлғондир.

Ушбу қонун формаль мантиқнинг фикр зиддиятсиз бўлиши лозимлиги тўғрисидаги талабини ифодалайди. Фикрнинг зиддиятсиз бўлиши унинг муайянлиги, аниқлиги, барқарорлиги ва изчиллигини таъминлайдиган зарурий шартдир. Масалан: Помир тоги баланд (A). Помир тоги баланд эмас ( $\bar{A}$ ). Бу мулоҳазалардан биринчиси чин, иккинчиси ёлғондир. Уларнинг иккаласи ҳам бир вақтда чин ёки ёлғон бўлолмайди. Формуласи: A- $\bar{A}$ .

## **4-савол баёни**

**Учинчисини истисно қонунига** биноан, айни бир буюм ёки ҳодиса түғрисида айтилган бир-бираига қарама-қарши бўлган икки фикр, ҳукмлардан бири ҳамиша чин бўлиб, иккинчиси ёлғондир, уларнинг иккаласининг ҳам бир вақтда ва айни бир муносабатда чин бўлиши мумкин эмас. Демак, бу қонун икки қарама-қарши фикр, ҳукмлардан бири чин, иккинчиси эса ёлғон эканлигини танлаб олишни тақозо қилиб, учинчи – ўртанчи, оралиқ йўл, имкониятни истисно қилади. Бошқача айтганда, учинчисининг бўлиши мумкин эмас ёки учинчиси йўқ, берилмаган. Масалан: Узоқдан кўринган одам ё эркак, ё аёлдир. Аниқ жавобингни айт: севасанми, севмайсанми? Бу мулоҳазалар берилган икки ҳолатдан фақат биттасини танлаб олишни тақозо этади, учинчи йўл, ҳолат эса бўлиши мумкин эмас. Формуласи: А ё В, ё В эмас.

Учинчисини истисно қонуни нозидлик қонунини янада ривожлантиради. Агар нозидлик қонуни қарама-қарши (контрар) ҳукмларга нисбатан амал қиласа, учинчисини истисно қонуни эса зид (контрадиктор) ҳукмларга нисбатан амал қилади. Шунингдек, нозидлик қонуни ҳақиқатни аниқлашнинг икки қарама-қарши йўлини тан олиб, улардан бири чин, иккинчиси ёлғон эканлигини таъкидлайди. Учинчисини истисно қонуни фикрга жиддий аниқлик киритиб, учинчи, оралиқ, ўртанча йўлнинг бўлиши мумкин эмаслигини қайд қилади. Мантиқнинг бу қонуни ҳам тўғри, изчил, хатосиз тафаккур қилиш учун катта аҳамиятга эгадир.

## **5-савол баёни**

**Етарли асос қонунига** биноан, ҳар қандай чин, ҳаққоний фикр, ҳукм, билим асосланган, исботланган, далилланган бўлиши, бунинг учун эса улар етарли, тўлиқ асослар, далиллар, фикрлар, аргументларга эга бўлиши лозим. Демак, мулоҳазалар ҳаққонийлигини асослаш, исботлашнинг ягона воситаси далиллар, асослар, фактлар ва аргументлардир. Асосланганлик эса тўғри тафаккурнинг муҳим талабидир. Зотан, асосланган, исботланган фикр тўғри фикрдир. Асосланмаган, исботланмаган фикр ёлғон, ноилмий фикр, хурофот, бидъат, бўхтондир.

Етарли асос учун олинган далиллар, фактлар миқдори ўрганилаётган объективнинг табиати ва характерига боғлиқдир. Улар ҳаддан ташқари кўп ҳам ёки, аксинча, кам ҳам бўлмаслиги керак. Энг муҳими, улар тўғри, ҳақиқий, объектив, ишонарли бўлиши лозим. Асослар ўртасида сабаб-оқибат боғланишлари мавжуд бўлиши керак. Формуласи: Агар В бўлса, унда унинг А асоси ҳам бор.

Мантиқ қонунлари ўзаро узвий алоқадорликда мавжуд бўлади.

### **Назорат саволлари:**

1. Тўғри тафаккур белгилари ва талабларини тушунтириб беринг.
2. Формаль мантиқнинг қандай қонунлари бор?

**Мавзуда қўлланиладиган педтехнология ва усуллар:** 1. Баҳс. 2. Савол-жавоб. 3. Ҳаётий вазиятлар таҳлили.

**Мавзуда қўлланиладиган ахборот технологияси:** 1. Формула ва схемалар намойиши. 2. Интернет маълумотлари.

### **Адабиётлар**

- 1.Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Мантиқ.– Т.: Ўқитувчи, 1993, IV боб.
2. Раҳимов И. Мантиқ.– Т.: 1994
3. Шарипов М., Файзихўжаева Д. Мантиқ: Маъruzалар матни. – Т.: 2000, 4-мавзу.

## **П. 2. 2-БОБ. ТАФАККУРНИНГ УНИВЕРСАЛ МАНТИҚИЙ ШАКЛЛАРИ**

### **П. 2. 1. ТУШУНЧА**

#### **Асосий саволлар:**

1. Тушунча тафаккур шакли сифатида. Тушунчанинг мантиқий таркиби. Тушунча турлари. Тушунча ва сўз
2. Тушунчалар ўртасидаги муносабатлар.
3. Тушунчалар устида мантиқий амаллар.
4. Тушунча шаклланишининг асосий мантиқий усуллари.

**Таянч тушунча ва иборалар:** тушунча – тафаккур шакли, тушунчанинг мантиқий таркиби, тушунча ва сўз, тушунча турлари, тушунчалар ўртасидаги муносабатлар, тушунчалар устида мантиқий амаллар, таърифлаш, бўлиш, умумлаштириш, чегаралаш, туркумлаш (классификация), тушунча шаклланишининг мантиқий усуллари.

**Мавзуда қўриб чиқиладиган муаммолар:** тушунчанинг моҳияти ва мантиқий таркиби, тушунча турлари, тушунчалар ўртасидаги муносабатлар, тушунчалар устида мантиқий амаллар.

#### **Дарс мақсади:**

1. Тушунчанинг моҳияти ва мантиқий таркиби, турлари, тушунчалар ўртасидаги муносабатлар масалаларини изоҳлаб бериш.
2. Тушунчалар устида мантиқий амаллар ва тушунча шаклланишининг асосий мантиқий усуллари масалаларини тушунтириб бериш.

### **1-савол баёни**

Объектив борлик, ундаги буюм ва ҳодисалар инсон онгига тушунчалар ёрдамида, улар орқали акс этади, билиб олинади. Тушунча тафаккурниг энг дастлабки, содда шакли, реал борлиқнинг инсон онгидаги ғоявий тимсолидир.

**Тушунча** деб буюм ва ҳодисаларнинг энг умумий, мухим, зарурий белгиларини инсон онгида акс эттирувчи тафаккур шаклига айтилади.

Буюмнинг асл, туб хусусиятларини ифода этувчи белги **буюмнинг мухим белгиси** ҳисобланади. Онгимизда акс этган нарса ва ҳодисалар белгиси **тушунча белгиси** дейилади. Масалан, «одам» тушунчасининг мухим белгиси ақлли, онгли, фикрлаш, сўзлаш ва меҳнат қилиш фаолиятига эга бўлган мавжудот эканлигидир.

**Тушунчанинг мантиқий таркибини** унинг мазмуни ва ҳажми ташкил этади.

**Тушунчанинг мазмуни** деб унда акс этган буюм ва ҳодисалар мухим белгиларининг мажмуидан иборат бўлган билимларга айтилади.

**Тушунчанинг ҳажми** деб унда акс этган буюм ва ҳодисалар доираси ва кўлами тўғрисидаги билимга айтилади. Масалан, «одам» тушунчасининг ҳажмини ўтмишда яшаган, ҳозир яшаётган ва келажакда ҳам яшashi мумкин бўлган барча кишилар ташкил этади.

**Мантиқда тушунчанинг мазмуни ва ҳажми ўртасидаги тескари нисбат қонуни** мавжуддир. Бу қонунга биноан, тушунчанинг мазмуни қанча кенг бўлса, унинг ҳажми шунча тор бўлади ва аксинча, тушунчанинг мазмуни қанча тор бўлса, яъни белгилари кам, умумий бўлса, унинг ҳажми шунча кенг бўлади. Бу қонун тушунчада ўзаро жинс-тур муносабатида кўринади. Масалан, «адабиёт» ва «XX аср ўзбек адабиёти» тушунчаларининг ҳажмлари турличадир. Чунончи, «адабиёт» тушунчасининг ҳажми кенг, мазмуни эса тордир. «XX аср ўзбек адабиёти» тушунчасининг ҳажми тор бўлса ҳам, мазмуни кенгdir.

Демак, тушунчанинг мазмуни ва ҳажми ўртасидаги муносабат ўзаро тескари пропорционалдир.

Тушунча тил ёки нутқда сўзлар ёрдамида ифодаланади. Тил ва тафаккур каби **тушунча ва сўз** ҳам узвий бирликни ташкил этади. Шу билан биргаликда, тушунча ва сўз ўртасида фарқлар ҳам мавжуддир:

1. Сўз тушунчанинг ташқи шакли, моддий асоси, тушунча эса сўзнинг ички мазмуни, маънавий томони ҳисобланади.
2. Сўз моддий характерга эга, яъни уни айтганда эшитамиз, ёзганда кўрамиз. Тушунча эса маънавий характерга эга, уни на эшитамиз ва на кўрамиз.
3. Сўзни грамматика, тушунчани эса мантиқ ўрганади.

Тушунчалар бир қанча белгиларига биноан ҳар хил **турларга** бўлинади:

**1. Мазмунига биноан** тушунчалар қўйидаги турларга бўлинади: конкрет ва абстракт, нисбатдош ва нисбатсиз, ижобий ва салбий тушунчалар, категориялар.

**Конкрет тушунчалар** буюм ва ҳодисалардаги асл, туб белгиларни яхлит ҳолда акс эттиради. Масалан: тўлқин, адабиётшунос, об-ҳаво, Ўзбекистон.

**Абстракт (мавхум) тушунчалар** буюм ва ҳодисалардаги айrim белгиларни акс эттиради. Масалан: қизиллик, ширинлик, аълочи, гўзал.

**Нисбатдош тушунчалар** жуфт тушунчалар ўртасидаги муайян алоқадорликни ифодалайди. Масалан: ўқитувчи ва ўқувчи, ошпаз ва хўранда, сотувчи ва харидор. Улар бир-бirisiz мавжуд бўла олмайди.

**Нисбатсиз тушунчалар** ўзаро алоқадорлик, ўхшашлик ва умумий белгиларга эга бўлмаган тушунчаларни ифодалайди. Масалан: севги, машина, ўғит, хақиқат, тупроқ. Улар бир-бирисиз ҳам мавжуд бўлади.

**Ижобий (мусбат) тушунчалар** буюм ва ҳодисада маълум бир белги мавжудлигини акс эттиради. Масалан: мазмунли, серҳосил, шохдор, гапдон, чаққон, гўзал, тез ҳаракат.

**Салбий (манфий) тушунчалар** буюм ва ҳодисада бирор белги мавжуд эмаслигини ифодалайди. Масалан: беғам, ноаниқ, таъмсиз.

**Категория** деб илмий мазмунга, қимматга эга бўлган фан тушунчаларига айтилади. Ҳар бир фаннинг ўз категориялари мавжуддир.

**2. Ҳажмига кўра** тушунчалар жинс ва тур тушунчаларга бўлинади.

**Ҳажм жиҳатидан** кенг бўлган тушунчалар **жинс тушунчалар** дейилади.

Ҳажм жиҳатидан тор бўлган тушунчалар **тур тушунчалар** дейилади. Масалан: «шаҳар» тушунчаси «Термиз» тушунчасидан кенг бўлганлиги учун жинс тушунчадир, «Термиз» эса тур тушунчадир.

**3. Ҳажм тафовутига кўра** тушунчалар якка, умумий ва тўпланма тушунчаларга бўлинади.

**Якка тушунчалар** бир буюм ёки ҳодисага хос белгиларни ифодалайди. Масалан: Тошкент, Гулнора, биринчи космонавт Ю. Гагарин.

**Умумий тушунчалар** бир жинсдан бўлган қўп буюм ва ҳодисаларни ифодалайди. Масалан: юлдуз, китоб, мактаб, ҳосил.

**Тўпланма тушунчалар** бир жинсдан бўлган буюм ва ҳодисалар тўпламини яхлит ҳолда ифодалайди. Масалан: ўрмон (дараҳтлар ўсадиган ер), кутубхона (китоблар тўпланган жой), дон (буғдой арпа, шоли).

## 2-савол баёни

Тушунчалар ўртасида турли **муносабатлар** мавжуддир:

**1. Сиғишадиган (таққосланадиган) муносабатлар** – ўзаро муҳим, умумий ва ўхшаш белгиларга эга бўлган тушунчалар ўртасида бўлади. Масалан: тарих, адабиётшунослик, тилшунослик, математика – фаннинг турли тармоқлари, Нодира, Раъно – дугоналар.


Сиғишадиган тушунчалар ўртасидаги муносабатлар **уч турга** бўлинади:

а) **айният муносабати** – мазмун жиҳатидан бир-биридан фарқ қилмайдиган, аммо бир хил буюм ва ҳодисаларни ифода қилувчи тушунчалар ўртасида бўлади. Масалан:

Биринчи жаҳон уруши – А.


1914 йилда бошланган империалистик уруш – В.

Бу тушунчаларнинг ҳажмлари бир-бирига teng: A – B (1-сурат).




1-сурат

**б) бўйсуниш муносабати.** Бунда торроқ тушунча ўзидан кенгроқ тушунча ҳажмига киради. Бунда жинс (A) ва тур (B) тушунчалар ўртасидаги муносабат амал қилади. Масалан: дараҳт ва тут, фан ва тилшунослик, мева ва олма (2-сурат).



**2-сурат**


**в) ҳажмларнинг қисман мослик муносабатида** икки ёки ундан ортиқ тушунчалар ҳажм жиҳатидан бир-бирига қисман мос келади. Масалан: талаба (A), аълочи (B), шоир (C), талаба (A), шахматчи (B) (3-сурат).



**3-сурат**



2. **Сигишмайдиган (таққосланмайдиган) муносабатлар** – тушунчаларда муҳим ва умумий белгилар бўлмаслигини кўрсатади. Булар учтурга бўлинади:

а) **биргаликда бўйсуниш муносабати** – айни бир жинс тушунчага бир неча тур тушунча бўйсуниши натижасида вужудга келади ва турдош тушунчалар ўртасида мавжуд бўлади. Масалан: дунё қитъалари (E) ва Европа (A), Осиё (B), Африка (C), Америка (D) ва х. к. (4-сурат).




**4-сурат**

б) **қарама-қаршилик (контрап) муносабати** – мазмун жиҳатидан бир-бирига қарама-қарши, аммо иккаласи ҳам айни бир жинс тушунча ҳажмига кирадиган икки тушунча ўртасида мавжуд бўлади. Масалан: «оқ» ва «қора» тушунчалари ўртасида қарама-қаршилик муносабати мавжуд бўлиб, булар учун умумий жинс тушунча «ранг» тушунчасидир (5-сурат).



### 5-сурат

в) **зидлик (контрадиктор) муносабати** – икки тушунча ўртасида мавжуд бўлиб, улардан бири иккинчисини инкор этади, аммо инкор қилувчи тушунчанинг маъноси номаълум бўлиб қолади. Масалан: қора ранг (A) ва қора эмас ранг (A эмас) тушунчалари (6-сурат).



### 6-сурат

### З-савол баёни

Тушунчалар устида турли **мантиқий амаллар** мавжуддир: тушунчани таърифлаш, бўлиш, умумлаштириш, чегаралаш, синфлар устида мантиқий амаллар.

**Тушунчани таърифлаш (дефиниция)** – тушунчанинг мазмунини очиб бериш ёки унинг энг муҳим белгиларини кўрсатиб бериш демакдир. Масалан: Феъл деб предметнинг иш-ҳаракатини англатадиган сўз туркумига айтилади.

Таърифнинг асосий турлари аниқ ва ноаниқ таърифлардир.

1. **Аниқ таъриф** деб буюм ва ҳодисага хос энг муҳим белгиларни бевосита кўрсатадиган таърифга айтилади. У таърифланиш ва таърифловчи каби икки тушунчадан иборат бўлади (дефиниендум ва дефиниенс).

Аниқ таъриф **турлари** энг яқин тур белгисини кўрсатиш ва жинс орқали таърифлаш, генетик, реал ва номинал таърифлардир

**Энг яқин тур белгисини кўрсатиш ва жинс орқали таърифлаш** шундай таърифки, унда бир вақтнинг ўзида ҳам жинс, ҳам тур белгилари кўрсатилади. Масалан: «учбурчак» тушунчасини уч текис чизиқ билан чегараланган (тур) геометрик текис шакл (жинс) деб таърифлаймиз.

**Генетик таъриф** (лот. *genesis* – келиб чиқиш, пайдо бўлиш) – буюм ва ҳодисаларнинг келиб чиқиши, пайдо бўлишини кўрсатиш орқали таърифлаш. Масалан: одам ҳайвонот оламидан ажралиб чиқсан мавжудотдир. Санъат меҳнат жарёнида вужудга келган инсон фаолиятидир.

**Реал таъриф** буюм ва ҳодисанинг ҳақиқий, асл маъносини очиб бериш орқали таърифлашдир. Масалан: От деб буюм ва ҳодисанинг номини англатувчи сўз туркумига айтилади.

**Номинал таъриф** (лот. nominalius – ном, исм, от) маълум бир тушунчани ифодалаган сўз маъносини очиб бериш орқали таърифлаш. Масалан: Филология қадимги грекча phileo – севаман, logos – сўз, яъни сўзни севаман деганидир.

2. **Ноаниқ таърифда** тушунчанинг мазмуни муайян контекстда очиб берилади.

Ноаниқ таъриф турлари қуидагилардир:

**Контекстуал таъриф** деб тушунча иштирок этаётган контекст (матн) орқали унинг маъносини очиб беришга айтилади. Ҳар бир сўзнинг конкрет маъно функциялари муайян контекстда маълум бўлади. Масалан: «от» сўзи турли вазиятларда турлича маъно ифодаларига эга: от – ном, от – ҳайвон, от – улоқтири, от – ўт оч.

**Индуктив таърифда** муайян кўплек (синф, оила)ни уни ташкил этувчи қисмлар, бўлаклар орқали аниқлаш содир бўлади.

**Аксиомани таърифлаш** муайян бошланғич қоидаларга асосланадики, улар бевосита таърифлашни талаб этмайди. Масалан: нуқта, тўғри чизик, маълум... текисликда ётадиган ва ҳ.к.

**Семантический таъриф** – бунда буюм ёки ҳодисани тавсифловчи белги, хусусият ва алоқалар маъноси орқали таърифланади. Масалан: беш бурчак беш томонга эга бўлган кўп бурчакдир, h белгиси ҳаракат квантини англатади.

**Синтактик таъриф** – бунда буюм ёки ҳодиса унга тааллуқли қоидалар орқали аниқланади. Масалан: қавс, вергул ва ҳ.к. лар каби грамматик белгилар уларни контекстда ишлатиш қоидалари орқали аниқланади.

**Остенсив таъриф** (грекча – кўрсатаман) – сўзларни улар ифодалаган буюмларни бевосита кўрсатиш орқали таърифлаш. Масалан, болага сўзларни айтиш билан бирга улар ифодалайдиган буюмларни кўрсатиш.

**Операционал таъриф** – буюм ва ҳодисаларнинг муайян хоссалари, белгилари, сифатлари, функцияларини ўлчаш орқали таърифлаш. Масалан, узунликни турли обьектларни ўлчаш орқали аниқлаш, кислотага лакмус қоғози тушириб кўриб, унинг қизил рангга кириши орқали унда кислота мавжудлигини аниқлаш.

**Буюмнинг ўзига қарама-қарши буюмга бўлган муносабатини кўрстиш орқали таърифлаш.** Масалан, Материя инсон онгидан ташқарида мавжуд бўлган обьектив борлиқдир. Эркинлик англаб олинган заруриятдир. Шакл мазмуннинг ташки ифодаланиши ва яшаш усулидир. Маънавият моддиятнинг инсон онгидаги аксидир. Тасодиф заруриятнинг намоён бўлиш ва унга қўшимча шаклидир. Уруш сиёсатни нотинч йўллар билан олиб борищдир.

Тушунчаларни таърифлашнинг қуидаги **қоидалари** мавжуд:

1. Таъриф мутаносиб бўлмоғи лозим, яъни таърифловчи тушунча ва таърифланувчи тушунча ҳажм жиҳатидан бир-бирига тенг бўлмоғи лозим. Масалан: Мантиқ инсон тафаккури қонунлари, шакллари, усуллари ва воситалари тўғрисидаги фандир. Инсон тафаккури қонунлари, шакллари, усуллари ва воситаларини ўрганувчи фан мантиқдир. Ушбу қоидани бузиш ё жуда ҳам кенг ва ёки жуда ҳам тор таърифлашга олиб келади.

2. Таърифда айланма бўлмаслиги лозим, яъни маълум тушунчани айнан

такрорлаб қўймаслик керак. Агар айланма ёки такрор бўлса, у тавтологияга олиб келади. Масалан: сув сувдир, яхшилик яхшилиқdir, деган гаплар таъриф эмас, чунки уларда айланма ёки такрор мавжуд.

3. Таъриф инкор этиш орқали бўлиши мумкин эмас. Масалан: ўсимлик ҳайвон эмас, эркак хотин эмас, деган фикрлар таъриф бўлолмайди. Чунки уларда инкор бор.

4. Таъриф аниқ, равshan, тўғри ва метафора (ўхшатиш)сиз бўлиши лозим. Масалан: артиллерия – уруш худоси, математика – акл гимнастикаси, фалсафа – фанларнинг отаси, худоси, деган гаплар таъриф эмас, чунки уларда ўхшатиш мавжуддир.

5. Таърифда мантиқий зиддият бўлмаслиги лозим. Масалан, яхшилик ва ёмонлик, иссиқлик ва совуқлик тушунчаларини бир-бири билан аралаштириб таърифлаш мумкин эмас. Чунки улар бир-бирига зиддир. Бу қоидани бузиш соғизм хатосига олиб келади.

**Таърифга олмош бўладиган, уни вақтинча алмаштирадиган мантиқий усуллар** ҳам мавжуддир. Улар қўйидагилардир: кўрсатиш, тасвираш, тасифлаш, ўхшатиш, тафовутлаш, характеристика.

**Кўрсатишда** буюм ва ҳодисанинг айрим белгиларига (масалан, ҳажм, ранг, шакл, ҳатти-харакат, товуш ва ҳ. к.) тақлид қилиб таъкидлаш содир бўлади.

**Тасвираш** буюм ва ҳодисанинг бир қанча белгиларини бирма-бир санаб чиқишидир. Масалан, оққушни шундай тасвираш мумкин: «Оққуш ўзи қордай оппок, кичкинагина кўзлари ялтираб туради, тумшуғи ва тирноқлари қоп-қора, бўйни узунчоқ, виқорли ва қўркамдир. Кўк қамишлар орасида яшайди, қорамтири сув устида вазмин сузиб юради».

**Тасифлаш** буюмнинг баъзи алоҳида белгиларини кўрсатиш учун хизмат қиласди. Масалан: одамнинг тўсиқларни енгиши унинг иродаси зўрлигини кўрсатувчи аломатдир. Гўзал ва хунукни, яхши ва ёмонни ажратадиган одам дидсиз ёки фаросатсиздир.

**Ўхшатиш** фикр қилинадиган икки буюмдан бири иккинчисининг ёрдами билан изохланишини кўрсатувчи усулдир. Масалан: болалар ҳаёт гулларидир, ёшлик ҳаёт баҳоридир, билим ҳаёт нуридир.

**Тафовутлаш** икки буюмни фикран чоғишириб кўриш орқали уларнинг бир-бирига ўхшамаслигини, яъни бир-биридан фарқини кўрсатишдир. Масалан: водороднинг кислороддан фарқи шундаки, унинг ўзи ёнади, аммо ёнишга кувват бермайди.


**Характеристика** буюм ва ҳодисанинг типик, характерли, энг муҳим, умумий белгиларини қайд қилиш усулидир.

**Тушунчани бўлиш** деб унинг ҳажмини аниқлашга айтилади. Масалан: «гурухимиздаги талабалар» тушунчасини бир қанча билгилари (миллати, ёши, жинси, ижтимоий келиб чиқиши, қаерданлиги, ўқиши, партиявийлиги ва ҳ.к.) бўйича бўлиш мумкин.

Бўлишнинг қўйидаги **турлари** мавжуддир: белгиларни ўзгартириш орқали бўлиш ва дихотамик бўлиш.


**Белгиларни ўзгартириш орқали бўлишда** жинс тушунчалардан тур тушунчалар ҳосил қилинади. Масалан: давлатлар ҳукмронлик қилиш

шакллари жиҳатидан монархик ва демократик давлатларга, урушлар ижтимоий характери жиҳатидан адолатли ва адолатсиз урушларга бўлинади (7-сурат).



**7-сурат**

**Дихотамик** (грекча díxo – икки) **бўлиш** маълум бир ягона тушунчани бир-бирига зид бўлган икки тушунчага бўлишдир. Масалан: барча элементлар металлар ва металл бўлмаганларга, ижтимоий ҳодисалар базис ва устқурма ҳодисаларига бўлинади (8-сурат).



**8-сурат**

Тушунчани бўлишнинг қуидаги **қоидалари** мавжуд:

1. Бўлиш мутаносиб бўлмоғи, яъни бўлинмалар йигиндиси бўлинувчи тушунча ҳажмига тенг бўлмоғи лозим. Акс ҳолда нотўғри бўлиш содир бўлади.
2. Бўлиш доим фақат бир асос билан олиб борилмоғи лозим. Шу асос (белги) тугагандан сўнг бошқа асос (белги) орқали бўлишга ўтиш керак. Акс ҳолда ноизчиллик, сакраб ўтиш, адашиб кетиш хатолари содир бўлади.
3. Бўлиш аъзолари ёки қисмлари бир-бирини инкор этмоғи лозим. Агар бўлиш учун олинган асос тўғри бўлса, бўлинмалар ҳам бир-бирини мустасно қиласди. Агар асос нотўғри бўлса, у вақтда бўлинмалар ҳам нотўғри бўлиб чиқади. Масалан: тишларни курак тиш, қозик тиш, озиқ тиш деб бўлиш нотўғридир. Чунки бунда турли белгилар асос қилиб олинганлиги сабабли бўлинмалар бир-бирини истисно қилмайди. Натижада бўлиш нотўғри бўлади.
4. Бўлиш изчил, узлуксиз бўлиши лозим. Яъни тушунчани бўлганда унинг энг яқин туридан бошлаш керак ва барча турлар санаб ўтилмагунча бўлишни давом эттириш лозим. Масалан: «табиат» тушунчасини энг аввало ноорганик ва органик табиат тушунчаларига бўлиб, сўнгра бўлишни давом эттириш лозим. Акс ҳолда бўлишда сакраб ўтиш, ноизчиллик содир бўлади.

Тушунчани бўлишнинг маҳсус типи классификациядир.


**Классификация** буюм ва ҳодисаларни муҳим белгилариға кўра турухларга, синфларга, турларга бўлишdir.

Классификациялар табиий ва сунъий (ёрдамчи) каби **турларга** бўлинади.

**Табиий классификациялар** буюм ва ҳодисаларнинг табиий хосса-хусусиятларига асосланади. Масалан: химиявий элементларнинг даврий системаси, ўсимлик ва ҳайвонларнинг турлари классификациялари.


**Сунъий классификациялар** буюм ва ҳодисаларни ихтиёрий равища олинган белгилар орқали таснифлаштиришdir. Масалан: кутубхоналардаги библиографик классификация.

**Тушунчани умумлаштириш** унинг ҳажмини кенгайтириш деганиdir. Масалан: «мактаб» тушунчасини умумлаштирганда, у қуидагича бўлади: бошланғич мактаб, тўлиқсиз ўрта мактаб, ўрта мактаб, профессионал мактаб, ўрта-махсус мактаб, олий мактаб (9-сурат).



**9-сурат**

**Тушунчани чегаралаш** деб унинг ҳажмини торайтиришга айтилади. Масалан: «мактаб» тушунчасини чегаралаганда қуидагича бўлади: олий мактаб, ўрта-махсус мактаб, профессионал мактаб, ўрта мактаб, тўлиқсиз ўрта мактаб, бошланғич мактаб (10-сурат).




**10-сурат**

**Синфлар билан мантиқий операциялар** ёрдамида икки ёки бир неча синфлар ёрдамида янги синфлар ҳосил қилинади. Бу синфларни бирлаштириш (кўшиш), кўпайтириш ва тўлдириш амаллари орқали содир бўлади.


**Синфларни бирлаштиришда** икки ёки бир неча синфлар бир синфа

бирлаштирилади. Бунда бирлаштирувчи синфлар бирлаштирилаётган синфнинг элементлари сифатида унинг ҳадларини ташкил этади. Масалан, қасдан қилинган жиноятлар (A) ва эҳтиётсизлик натижасида қилинган жиноятлар (B) қўшилиб, жиноятлар синфини ҳосил қиласди (11-сурат).




**11-сурат**

Ёки юрист (A) ва терговчи (B) – юрист-терговчи ва юрист-терговчи эмас (12-сурат).




**12-сурат**

Юрист (1), юристлар-депутатлар (2) ва депутатлар-юристлар эмас (3) (13-сурат).




**13-сурат**

**Синфларни қўпайтириш** икки ёки ундан ортиқ синфлар (қўпликлар) учун умумий элементларни топиш орқали содир бўлади. Масалан: ўқитувчи (A) ва шаҳар ҳокимияти депутати (B) – ўқитувчилар – шаҳар ҳокимияти депутатлари (14-сурат).



**14-сурат**

**Синфларни тўлдириш (инкор этиш)**да А синфдан А эмас ( $\bar{A}$ ) синфи чиқарилиб ташланади. Масалан: юрист универсал синфидан кўп адвокатлар (A) ни чиқариб ташлаш орқали адвокат бўлмаган юристлар ( $\bar{A}$ )ни ҳосил қиласиз. Уларнинг иккаласининг йифиндиси эса «юрист» тушунчасига мос келадиган универсал синфнинг жамиини ташкил этади (15-16-суратлар).



**15-сурат**

1



**16-сурат**

#### **4-савол баёни**

**Инсон тафаккурида тушунча шаклланишининг асосий мантиқий усуслари** қуидагилардир:

**Таққослаш** – буюм ва ҳодисалар ўртасидаги ўхшашиблик ва тафовутни аниқлаш усули.

Таққослаш натижаси чин бўлиши учун қуидаги **талабларга** амал қилиш лозим:

1. Ҳамма вақт бир-бири билан ҳақиқатда бир тарзда ўзаро реал боғланишда бўлган буюмларни таққослаб кўриш лозим. Масалан: «олим» ва «санъаткор» тушунчалари ўртасида умумий белги уларнинг иккаласи ҳам ақлий меҳнат вакиллари эканлигидир.
2. Қандай белгига кўра таққослаш олдиндан маълум бўлмоғи лозим.
3. Ҳамма вақт икки ёки бир неча буюмни бир белги асосида айнан бир нисбатда таққослаш керак.
4. Ҳар қандай таққослашда тасодифий, дуч келган белгиларга қараб эмас, балки таққосланаётган буюмлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлган барқарор, зарурий белгиларга қараб иш кўриш лозим.

**Анализ** тадқиқ этилаётган буюмни фикран таркибий қисмларга,

бўлакларга бўлишдир.

**Синтез** бутуннинг бўлаклари, қисмларини фикран тўплаб, яхлит ҳолда ўрганишдир.

**Абстракциялаштириш** деб буюм ва ҳодисаларнинг иккинчи даражали, муҳим бўлмаган белгиларини ташлаб, улардан узоқлашиб, энг муҳим, асосий, умумий белгиларини аниқлашга айтилади.

**Умумлаштириш** буюм ва ҳодисанинг ўхшащ, муҳим белгиларини фикран муайян тушунчада бирлаштириб акс эттиришдир. Масалан: сабзи, пиёз, карам, картошка – сабзавот; олма нок, ўрик – мевалар.

Умумлаштиршда айримликдан умумийликка ўтиш содир бўлади.

### **Назорат саволлари:**

1. Тушунчанинг моҳияти ва мантиқий таркибини тушунтириб беринг.
2. Тушунчанинг қандай турлари мавжуд?
3. Тушунча ва сўз ўртасида қандай умумий ва фарқли томонлар бор?
4. Тушунчалар ўртасида қандай муносабатлар мавжуд?
5. Тушунча устидаги асосий мантиқий амаллар қайсилар?
6. Тушунча шаклланишининг асосий мантиқий усуллари қайсилар?

**Мавзуда қўлланиладиган педагогика ва усуллар:** 1. Ақлий «хужум». 2. Ёзма жавоблар таҳлили. 3. Баҳс-мунозара. 4. Савол-жавоб.

**Мавзуда қўлланиладиган ахборот технологияси:** 1. Схема, жадвал, формуласалар намойиши. 2. Интернет маълумотлари.

### **Адабиётлар**

1. Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Мантиқ – Т.: Ўқитувчи, 1993, II боб.
2. Раҳимов И. Мантиқ. – Т.: 1994.
3. Шарипов М., Файзихўжаева Д. Мантиқ: Маъruzалар матни – Т.: 2000, 5-мавзу.

## **II. 2.2. ҲУКМ (МУЛОҲАЗА)**

### **Асосий саволлар:**

1. Ҳукмнинг моҳияти ва мантиқий таркиби. Ҳукм ва гап.
2. Ҳукмнинг турлари
3. Ҳукмлар ўртасидаги муносабатлар (мантиқий квадрат).
4. Савол ва норма.

**Таянч тушунча ва иборалар:** ҳукм – тафаккур шакли, ҳукмнинг мантиқий таркиби, субъект, предикат, боғловчи, ҳукмнинг терминлари, ҳукм ва гап, ҳукмнинг турлари, ҳукмлар ўртасидаги муносабатлар (мантиқий квадрат), савол, норма (меъёр).

**Мавзуда кўриб чиқиладиган муаммолар:** ҳукмнинг моҳияти,

мантиқий таркиби, турлари, ҳукмлар ўртасидаги муносабатлар, савол ва норма масалаларини баён этиш.

### **Дарс мақсади:**

1. Ҳукмнинг моҳияти ва мантиқий таркибини изоҳлаб бериш.
2. Ҳукмнинг турлари, ҳукмлар ўртасидаги муносабатлар масалаларини тушунтириб бериш.

## **1-савол баёни**

**Ҳукм** деб буюм ва ҳодисада бирор белги мавжудлигини тасдиқловчи ёки мавжуд эмаслигини инкор этувчи тафаккур шаклига айтилади.

Ҳукм тафаккурнинг тушунчадан кейинги иккинчи мантиқий шаклидир. Ҳар бир ҳукм тушунчалар орқали ҳосил бўлади.

Ҳукмнинг **мантиқий таркибини** уч қисм ташкил этади:

1. Субъект.
2. Предикат.
3. Боғловчи.

**Субъект** (лот. *subjectum* – мантиқий эга) деб ҳукмда фикр юритилаётган буюм ёки ҳодиса тўғрисидаги фикрга айтилади. Субъект лотинча *subjectum* сўзининг бош ҳарфи S билан белгиланади.

**Предикат** деб буюм ва ҳодисадаги белги, хусусият ва алоқа тўғрисидаги фикрга айтилади. У лотинча *praedicatum* (мантиқий кесим) сўзининг бош ҳарфи P билан белгиланади.

**Боғловчи** субъект билан предикатни бир-бири билан боғлаб туришга хизмат қиласи. Боғловчи оғзаки нутқда сукут (пауза), интонация, ёзма нутқда эса -дир, эмас қўшимчалари, баъзан эса тире (-) орқали ифодаланади. Масалан: «тарих фандир» деган ҳукмда тарих – субъект, фан – предикат, - дир эса боғловчиидир. Формуласи: S-P дир. Инкор шаклида S-P эмас бўлади. Масалан: Аҳмедов аълочи эмас.

Ҳукмнинг субъекти ва предикати унинг **терминлари** дейилади. Ҳар қандай содда ва якка ҳукмда иккита термин (субъект ва предикат) мавжуддир. Боғловчи термин таркибига кирмайди.

**Ҳукм ва гап** ўзаро узвий боғлиқдир. Ҳар бир ҳукм гап ва гаплар орқали ифодаланади, ҳар бир гапда маълум маъно бўлади. Гапсиз ҳукм бўлмайди. Аммо ҳукм билан гап бир хил нарсалар эмас, улар ўртасида фарқлар ҳам мавжуд:

1. Гап ҳукмнинг лисоний шакли ва ташқи ифодасидир. Ҳукм эса гапнинг ички, мантиқий мазмунидир.
2. Гап моддий характерга эга, яъни уни айтганда эшитамиз, ёзганда кўрамиз. Ҳукм маънавий характерга эга, яъни уни на эшитамиз, на кўрамиз.
3. Ҳар бир ҳукм гап орқали ифодаланади. Аммо барча гаплар ҳам ҳукмларни ифода қиласермайди. Одатда дарак ва ундов гаплар ҳукмларни ифодалайди. Сўроқ гаплар эса ҳеч қандай ҳукмларни ифода қила олмайди.
4. Ҳукмнинг мантиқий таркиби уч қисмдан (субъект, предикат ва боғловчи) иборат. Гаплар эса бош бўлаклардан ташқари иккинчи даражали

бўлаклардан ҳам ташкил топади.

5. Гап грамматика, ҳукм эса мантиқ томонидан ўрганилади.

## 2-савол баёни

**Хукмнинг турлари** бир қанча белгилари бўйича тасниф қилинади:

**1. Мазмунига кўра** ҳукмлар икки турга бўлинади: а) чин ва б) ёлғон.

**Чин ҳукм** деб буюм ва ҳодисаларни тўғри, ҳаққоний акс эттирадиган ҳукмларга айтилади. Масалан: Ер шари аҳолисининг кўпчилиги Шарқда яшайди. Доиранинг тўлиқ сирти  $360^{\circ}$  га тенг ва ҳ.к.

**Ёлғон ҳукм деб** воқеликни бузиб, нотўғри акс эттирадиган ҳукмларга айтилади. Масалан, ёлғончи яхши одамдир, деган ҳукм ёлғондир.

**2. Ҳажмига кўра:** а) содда, б) мураккаб ҳукмлар

**Содда ҳукм** деб таркибида биттадан субъект ва предикати бўлган ҳукмларга айтилади.

**Мураккаб ҳукм** деб таркибида бир неча субъект ва предикати бўлган ҳукмларга айтилади.

**3. Боғловчининг мазмуни (сафати)га кўра** ҳукмлар тасдиқ ва инкор ҳукмларга бўлинади.

**Тасдиқ ҳукм** деб буюм ва ҳодисада бирор белги мавжудлигини ифодаловчи ҳукмга айтилади. Масалан: Алишер Навоий буюк ўзбек мутафаккири ва шоиридир. S-P дир.

**Инкор ҳукм** буюм ва ҳодисада бирор белги мавжуд эмаслигини ифодалайди. Масалан: Бизнинг университетимизда ўқув майдони етарли эмас. S-P эмас.

**4. Субъектнинг ҳажми (микдори)га кўра** ҳукмлар учга бўлинади: якка, жузъий ва умумий.


**Якка ҳукмда** алоҳида, айрим буюм ва ҳодисага хос белги тасдиқ ёки инкор шаклида ифодаланади. Масалан:Faфур Ғулом «Кўкан» поэмасининг муаллифидир. S-P дир. Ғайрат интизомли талаба эмас. S-P эмас.

**Жузъий ҳукмда буюм** ва ҳодисалар синфининг маълум қисмига хос белгилар ифодаланади. Масалан: Талабаларнинг баъзилари аълочилардир. Баъзи S-P дир. Баъзи ҳайвонлар сут эмизувчилар эмас. Баъзи S-P эмас.

**Умумий ҳукмда** бир гурух буюм ва ҳодисаларга тааллуқли бўлган белги тасдиқ ёки инкор шаклларида ифодаланади. Масалан: Ўзбекистоннинг барча фуқаролари билим олиш ҳукуқига эгадир. Барча S-P дир. Барча талабалар ҳам имтиҳондан яхши ва аъло баҳолар олавермайдилар. Барча S-P эмас. Ҳеч бир эзгу ниятли киши урушни истамайди. Ҳеч бир барча S-P эмас.


**5. Сон ва сифат жиҳатидан биргаликда** ҳукмлар тўртга бўлинади: умумий тасдиқ, жузъий тасдиқ, умумий инкор ва жузъий инкор ҳукмлар.

**Умумий тасдиқ ҳукм** сон жиҳатидан умумий, сифат жиҳатидан тасдиқидир. У лотинча AFFIRMO – тасдиқ сўзининг биринчи унли ҳарфи A билан белигиланади. Масалан: Барча аълочилар талабаларнинг илғор қисмидир. Барча S-P дир. Бунда субъект бўлинган (кенг маънода олинган), предикат эса бўлинмаган (1-сурат).




**1-сурат**

**Жузъий тасдиқ ҳукм** сон жиҳатидан жузъий, сифат жиҳатидан тасдиқийдир. У лотинча AFFIRMO сўзининг иккинчи унли ҳарфи I билан белгиланади. Масалан: Баъзи талабалар ёш шоирлардир. Баъзи S-P дир. Бунда субъект ҳам, предикат ҳам бўлинмаган (2-сурат).




**2-сурат**

**Умумий инкор ҳукми** сон жиҳатидан умумий, сифат жиҳатидан инкорийдир. У лотинча NEGO – инкор этаман сўзининг биринчи унли ҳарфи E билан белгиланади. Масалан: Ҳеч бир ҳодиса сабабсиз юзага келмайди. Ҳеч бир S-P эмас. Унда субъект ҳам предикат ҳам бўлинган (3-сурат).



**3-сурат**

**Жузъий инкор ҳукми** сон жиҳатидан жузъий, сифат жиҳатидан инкорийдир. У лотинча NEGO сўзининг иккинчи унли ҳарфи O билан белгиланади. Масалан: Курсимизнинг баъзи талабалари аълочи эмас. Баъзи S-P эмас. Бунда субъект бўлинмаган, предикат эса бўлинган (4-сурат).



**4-сурат**

**6. Предикатнинг мазмунига кўра ҳукмлар учга бўлинади:** мавжудлик,

хусусият ва муносабат ҳукмлари.

**Мавжулик ҳукми** воқеликда бирор буюм ёки ҳодиса борлиги ёки йўқлигини ифодалайди. Масалан: Термиз шаҳрида ҳайвонот боғи мавжуддир. S-P дир. Ойда ҳаёт мавжуд эмас. S-P эмас.

**Хусусият ҳукми** бирор буюм ёки ҳодисага муайян хосса, хусусият тааллуқли ёки тааллуқли эмаслигини акс эттиради. Масалан: Рубоий тўртлиқдир. S-P дир. Бизнинг факультетимиз биноси чиройли эмас. S-P эмас.

**Муносабат ҳукми** буюм ва ҳодисага бирор алоқа, муносабат хос эканлиги ёки хос эмаслигини акс эттиради. Муносабатлар **турлича** бўлади:

а) **маконий (фазовий) муносабат**. Ўзбекистон ва Тожикистон республикалари кўшни мамлакатлардир.

б) **замоний (вақтий) муносабат**. Алишер Навоий Абдураҳмон Жомийнинг замондошидир.

в) **тенгланиш муносабати**. Нодира ва Сайёра тенгдошлардир.

г) **жинс муносабати**. Шоира ва Зулфия қизлардир.

д) **кетма-кетлик муносабати**. Баҳордан кейин ёз келади.

Муносабат математик (символик) мантиқда қуидагича белгиланади: ARB. Бунда A ва B турли буюм ва ҳодисалар, R эса улар ўртасидаги муносабатдир.

7. **Модаллик бўйича ҳукмлар** иккига бўлинади: объектив модаллик ва мантиқий модаллик бўйича ҳукмлар. Бунда ҳукм предикатидаги белгининг фикримиз буюмида тасдиқ ёки инкор шаклидаги боғланиши асос бўлади.

**Объектив модаллигига**, яъни инсон онгидан ташқарида мавжуд бўлган буюмларнинг объектив эҳтимолий, воқеий ва зарурий боғланишларини акс эттиришига қараб, ҳукмлар учга бўлинади:

а) эҳтимолий ҳукмлар.

б) воқеий ҳукмлар.

в) зарурий ҳукмлар.

**Эҳтимолий ҳукмлар** буюм ва ҳодисалар ва уларнинг белгилари ўртасидаги боғланишни тахминий равишда тасдиқ ёки инкор этиш орқали акс эттиради. Масалан: Марсда, эҳтимол, ҳаёт мавжуддир. S, эҳтимол, R дир. Эҳтимол, эртага ёмғир ёғмас. Эҳтимол, S-P эмас.

**Воқеий ҳукмлар** буюм ва ҳодисага бирор белги мансублиги ёки мансуб эмаслигини акс эттиради. Масалан: Ўзбек тилида олти келишик мавжуддир. S-P дир. Трагедия комедия эмас. S-P эмас.

**Зарурий ҳукмлар** буюм ва ҳодисалар билан улар белгилари орасидаги боғланиш мукаррар эканлигини кўрсатади. Мен, шубҳасиз, университетни битираман. S, шубҳасиз, R дир.

**Мантиқий модаллигига қўра** ҳукмлар иккига бўлинади. Бунда фикрнинг исботланувчанлик даражаси асос қилиб олинади:

а) проблематик (муаммовий) ҳукмлар.

б) ишончли ҳукмлар.

**Проблематик ҳукмлар** буюм-ҳодисалар ва улар орасидаги белгини акс эттиради. Бунда ҳали хулоса тажрибада тўлиқ текширилмаган ва ҳодисанинг натижаси ҳам тўлиқ текширилмаган бўлади. Масалан: Карим, эҳтимол, касаллик натижасида дарсга келмагандир. S, эҳтимол, R эмас. Бу шеърни,

балки, Мүқимий ёзгандир. S, балки, Р дир.

**Ишончли ҳукмлар** буюм ва ҳодисаларга маълум белги хослиги ёки хос эмаслигини ифодалайди. Масалан: Адабиёт санъат туридир. S-P дир. Зарафшон дарёси Каспий денгизига қўйилған эмас. S-P эмас.

Юқорида күриб ўтилган ҳукмлар содда ҳукмлардир. Содда ҳукмлардан ташқари яна мураккаб ҳукмлар ҳам мавжуддир.

**Мураккаб хукмлар** содда хукмларнинг турли боғловчилар ёрдамида кўшилишидан ҳосил бўлади.

Мантикий муносабатларига кўра мураккаб ҳукмлар уч хил бўлади:

1. Кўшувчи ҳукмлар.
  2. Шартли ҳукмлар.
  3. Айирувчи ҳукмлар.

**Қўшувчи ҳукмлар** икки ёки ундан ортиқ содда ҳукмларнинг «ва», «ҳам», «ҳамда» боғловчилари ёрдамида қўшилувидан ҳосил бўлади. Улар конъюнктив ҳукмлар деб номланади ва математик (символик) мантиқда конъюнкция белгиси  $\wedge$  билан ифодаланади.  $A \wedge B$ , Масалан: Баҳор келди ва табиат кўм-кўк либосга бурканди.  $S-P$  ва  $S_1-P_1$  дир. Очкўзнинг қорни тўймас, қорни тўйса ҳам, кўзи тўймас.  $S-P$  эмас,  $S-P$  бўлса ҳам,  $S-P_1$  эмас.

**Шартли ҳукмлар** субъект билан предикат орасидаги алоқадорликни бирор шартга кўра муқаррар қилишга қаратилган бўлади. Масалан: Агар печка ёқилса, уй иссиқ бўлади. Агар S-P бўлса, унда S<sub>1</sub>-P<sub>1</sub> дир. Шартли ҳукмлар импликатив ҳукмлар деб номланади ва импликация белгиси → билан белгиланади: A→ B.

**Айиругчи ҳукмлар** бир неча буюм ва ҳодисаларнинг белгиларидан маълум бирининг предикатга тааллуқлигини кўрсатади. У дизъюнктив ҳукмлар деб номланади ва дизъюнция белгиси V билан белгиланади. AVB. Масалан: талаба имтиҳонда ё аъло, ё яхши, ё қониқарли, ё қониқарсиз баҳо олади. S-ё P, ё P<sub>1</sub> ё P<sub>2</sub> ё P<sub>3</sub> дир.

## З-савол баёни

**Хукмлар ўртасидаги муносабатлар** мантикий квадрат орқали ифодаланади. Мантикий квадратнинг диагонал ва вертикал чизиқлари бурчакларида сон ва сифат жиҳатидан қўшилган тўрт хил ҳукмларнинг символик белгилари (AEIO) қўйилган. Бунда ҳукмларнинг тўрт хил муносабатлари кўринади (5-сурат).



**1. Қарама-қаршилик муносабати.** Умумий тасдиқ (А) ва умумий инкор (Е) ҳукмлар ўртасида содир бўлади. Бу муносабат қоидасига биноан, агар бир ҳукм чин бўлса, унга қарши бўлган ҳукм ёлғон бўлади. Икки қарама-қарши ҳукмлар (АЕ ва ИО) бир вақтда чин бўлаолмайди. Аммо улар бир вақта ёлғон бўла олади. Масалан: Барча аълочи талабалар илгорлардир. А-чин. Ҳеч бир талаба шахмат ўйинини билмайди. Е-ёлғон.

**2. Қуий қарама-қаршилик муносабати** жузъий тасдиқ(И) ва жузъий инкор (О) ҳукмлар ўртасида бўлади. Бунда ҳукмлар бир вақтда чин бўлиши, аммо бир вақтда ёлғон бўлмаслиги мумкин. Масалан: Баъзи ёзувчилар драматурглардир. I-чин . Баъзи ёзувчилар драматурглар эмас. О-чин.

**3. Зидлик муносабати** – умумий тасдиқ (А) билан жузъий инкор (О) ва умимий инкор (Е) билан жузъий тасдиқ (I) ҳукмлар ўртасида бўлади. Бунда ҳукмлар бир вақтда чин ва ёлғон бўла олмайди, ҳамма вақт бири чин, иккинчиси ёлғон бўлади. Бунда бир-бирига зид бўлган ҳукмлар ўртасида чин ҳукмлар бўлишига йўл қўйилмайди. Масалан: Барча илмий қонунлар объектив характерга эга. А-чин. Баъзи илмий қонунлар объектив характерга эга эмас. О-ёлғон. Бу ҳукмлар орасида учинчи ҳукмнинг бўлиши мумкин эмас. Масалан: Ҳеч бир фан органик материяни ўрганиш билан шуғулланмайди. I-чин.

**4. Бўйсуниш муносабати** умумий тасдиқ (А) ва жузъий тасдиқ (I), умумий инкор (Е) ва жузъий инкор (О) ҳукмлар ўртасида бўлади. Умумий ҳукмлар итоат эттирувчи ва жузъий ҳукмлар итоат этувчи бўлади. Умумий ҳукмларнинг чинлиги жузъий ҳукмларнинг чинлигига олиб боради. Масалан: Барча кишилар жамиятда бир-бирларини ҳурмат қилишлари лозим. А-чин. Айрим кишилар ҳам жамиятда бир-бирларини ҳурмат қилишлари лозим. I-чин. Ҳеч бир киши меҳнатдан бош тортмаслиги лозим. Е-чин. Айрим кишилар ҳам меҳнатдан бош тортмаслиги лозим. О-чин.

Жузъий ҳукмлар (IO) чинлигидан умумий ҳукмлар (AE)нинг чинлиги келиб чиқмайди. Умумий ҳукмлар бундай вақтда чин ёки ёлғон бўлиши мумкин. Масалан: Баъзи хайвонлар умуртқалидир. I-чин. Бу ҳукмни умумий тасдиқ ҳукмига айлантиrsак, A-ёлғон бўлади. Демак, бунда жузъий ҳукмлар чин бўлса, умумий ҳукмлар чин ёки ёлғон бўлади.

Шундай қилиб, мантиқий квадрат қоидаларига биноан, бир зид ҳукмнинг чин ёки ёлғонлигидан иккинчи ҳукмнинг чин ёки ёлғонлиги келиб чиқади. Мантиқий квадрат турли мунозарали вазиятларда мулоҳазалар чин ёки ёлғонлиги, ҳақиқатни аниқлашнинг қулай воситаси ҳисобланади.

#### 4-савол баёни

**Савол** ҳали номаълум бўлган масала, тўлиқ бўлмаган, ечилиши зарур бўлган мулоҳазадир. Ҳар бир савол **икки қисмдан** иборат бўлади: 1) маълум бўлган фикр, 2) аниқланиши зарур бўлган фикр. Масалан: Марсга қачон биринчи одам учади? деган саволда Марс тўғрисидаги билим ва унга учишга тайёргарлик биринчи қисмни, Марсга қачон биринчи одамнинг учб бориши тўғрисидаги маълумот иккинчи қисмни ташкил этади.

**Савол** сўроқ гаплар орқали ифодаланади. Аммо сўроқ гаплар ҳукм

маъносини билдиримайди. Уларда фақат маълум бир маъно мавжуд бўлади.

**Саволлар** турлича бўлади: тўғри ва нотўғри, аниқловчи ва тўлдирувчи, оддий (садда) ва мураккаб, замонавий ва нозамонавий, англаб етилган ва англаб етилмаган, мазмунли ва мазмунсиз саволлар.

Ҳар бир савол унга жавоб беришни тақозо қиласи. Саволга жавоб тўлиқ фикрни ифодалайди ва қатъий ҳукмни ташкил этади. **Жавоблар** турлича бўлади: тўғри ва нотўғри, бевосита ва воситали, қисқа ва тўлиқ, етарли ва етарли бўлмаган жавоблар.

Билишда саволдан ташқари **норматив (намунашви)** мулоҳазалар ҳам муҳим роль ўйнайди. Айниқса, ахлоқий нормалар характерлидир. Улар баҳоловчи ва зарурий ҳукмлар, фикрларни ифодалайди. Бу ҳукмлар турли ахлоқий ҳатти-ҳаракатларда амал қиласи. Улар тасдиқ ёки инкор маъноларига эга бўлган ҳукмлар шаклига эга бўлиши мумкин. Масалан: Ўз ҳарбий бурчингни сидқидилдан бажар. Ўғирлик қилма. Ёлғон гапирма. Интизомли бўл.

### **Назорат саволлари:**

1. Ҳукмнинг мантиқий таркибини нималар ташкил этади?
2. Ҳукм ва гапнинг ўзаро алоқалари ва фарқлари нимада?
3. Ҳукмнинг қандай турлари мавжуд?
4. Ҳукмлар ўртасидаги муносабатлар қандай гуруҳларга бўлинади?
5. Савол ва норма нима?

**Мавзуда қўлланиладиган педагогика ва усуллар:** 1. Баҳс-мунозара. 2. Савол-жавоб. 3. Ҳаётий вазиятлар ва ҳолатлар таҳлили.

**Мавзуда қўлланиладиган ахборот технологияси:** 2. Схема, жадвал, формулалар намойиши. 3. Интернет маълумотлари.

### **Адабиётлар**

1. Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Мантиқ. – Т.: Ўқитувчи, 1993, VI боб.
2. Раҳимов И. Мантиқ. – Т.: 1994.
3. Шарипов М., Файзихўжаева Д. Мантиқ: Маъruzалар матни. – Т.: 2000, 6-мавзуу.

## **II.2.3. ХУЛОСА ЧИҚАРИШ**

### **Асосий саволлар:**

1. Хулоса тафаккур шакли сифатида. Хулоса чиқариш турлари.
2. Дедуктив хулоса чиқариш. Силлогизм, унинг аксиомаси ва қоидалари.
3. Силлогизм фигуранлари ва модуслари.
4. Силлогизм турлари.
5. Индуктив хулоса чиқариш. Ҳодислар орасидаги сабаб-оқибат боғланишларини индуктив текшириш методлари.

## 6. Аналогия (қиёс).

**Таянч тушунча ва иборалар:** хulosaga – тафаккур шакли, хulosaga чиқаришнинг мантиқий таркиби, бевосита ва бавосита хulosaga чиқаришлар, дедуктив хulosaga чиқариш, силлогизм аксиомаси, силлогизм қоидалари, силлогизм фигуралари, силлогизм модуслари, силлогизм турлари, энтилема, полисиллогизм, эпихейрема, сорит, индуктив хulosaga чиқариш, сабабий алоқадорликни аниқлашнинг индуктив методлари, традуктив хulosaga чиқариш, аналогия.

**Мавзуда кўриб чиқиладиган муаммолар:** хulosaga чиқаришнинг моҳияти, турлари, силлогизм турлари, модуслари, фигуралари, индуктив хulosaga чиқариш ва аналогия масалаларини баён этиш.

### Дарс мақсади:

1. Хulosaga чиқаришнинг моҳияти, мантиқий таркибини изоҳлаб бериш.
2. Хulosaga чиқаришнинг турларини тушунтириб бериш.

### 1-савол баёни

Оlamни билиш жараёнида инсон янгидан-янги билимларга эга бўла боради. Бу жараён тушунчалар, хукмлар ва хulosалар орқали содир бўлади.

**Хulosaga** тафаккурнинг шундай шаклидирки, унда бир ёки бир неча хукмлардан янги хукм, билим ҳосил қилинади.

Хulosанинг мантиқий таркибини уч қисм ташкил этади:

1. **Асослар** (дастлабки билим) – янги билим ёки хукм чиқариш учун зарур бўлган дастлабки билимлар.
2. **Хulosалаш** – асослардан янги билимни мантиқий равишда келтириб чиқариш.

**3. Натижа** – асослардан хulosalaшга мантиқий ўтиш. Масалан:

1. Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари билим олиш ҳуқуқига эга.
2. Аҳмедов – Ўзбекистон Республикасининг фуқароси.
3. Демак, Аҳмедов билим олиш ҳуқуқига эга.

Бу хulosada 2 асос ва хulosaga (натижа) мавжуддир, яъни у уч хукмдан иборат. 1-2-хукмлар асослар, 3-хукм эса натижа, шу натижанинг асослардан мантиқий равишда келиб чиқиши жараёни хulosalaшдир.

**Мантиқий келиб** чиқиши деб асослардан хulosani келтириб чиқариш жараёнига айтилади. Мантиқий келиб чиқиши асослар ва хulosaga ўргасида мазмун жиҳатидан боғланиш, ўзаро алоқа бўлишини талаб қиласди. Акс ҳолда хulosaga чиқариб бўлмайди.

Хulosaga чиқаришнинг бир қанча турлари мавжуддир:

1. **Асослар сонига кўра** хulosaga чиқариш икки турга бўлинади: бевосита ва бавосита (воситали) хulosaga чиқариш.

**Бевосита хulosaga чиқариш** деб факат бир асосдан тўғридан-тўғри хulosaga чиқаришга айтилади.

Бевосита хulosaga чиқариш **тўрт усулда** содир бўлади: 1) айлантириш,

2) алмаштириш, 3) предикатга қарама-қарши қўйиш, 4) мантиқий квадрат бўйича.

**Айлантиришда** асос сифатида олинган тасдиқ ҳукм инкор ҳукмга ва аксинча айлантирилади. Бунда ҳукмнинг маъноси ўзгармайди, фақат унинг сифати ўзгаради. Масалан: Барча математиклар масалалар ечишни яхши билишлари лозим. Демак, масалалар ечишни яхши билмайдиганлар математиклар эмас. Яхши ишланган ғўза серҳосил бўлмай қолмайди. Демак, яхши ишланган ғўза серҳосил бўлади.

**Алмаштиришда** асос сифатида олинган ҳукмнинг субъекти ва предикати ўринлари алмаштирилади. Масалан: Адабиётшунослик бадиий адабиёт қонунлари тўғрисидаги фандир. Демак, бадиий адабиёт қонунлари тўғрисидаги фан адабиётшуносликдир.

**Предикатга қарама-қарши қўйишда** субъект билан предикат бир-бирига қарама-қарши қўйилади. Масалан: Барча врачлар олий тиббий маълумотга эгадирлар. Демак, олий тиббий маълумотга эга бўлмаган ҳеч бир киши врач эмас.

**Мантиқий квадрат бўйича холоса чиқариш** A, E, I, O қатъий ҳукмлар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда содир бўлади («Ҳукм» мавзусига қаранг).

**Бавосита холоса чиқариш** икки ёки ундан ортиқ асослар орқали содир бўлади. Масалан:

Барча фанлар олам ва унинг қонунларини ўрганади.

Физика фандир.

Демак, физика олам ва унинг қонунларини ўрганади.

**2.Асослар ва холосанинг характеристига қўра** холоса чиқариш уч турга бўлинади: дедуктив, индуктив ва традуктив холоса чиқаришлар.

## 2-савол баёни

**Дедуктив холоса чиқариш** (лот. deductio – келтириб чиқариш) деб умумий ҳукм, билимлардан хусусий ҳукм, билимларга ўтиш орқали холоса чиқаришга айтилади. Масалан:

Барча фанлар ўз тадқиқот обьектларига эга.

Тарих – фан.

Демак, тарих ўз тадқиқот обьектига эга.

Дедуктив холоса чиқариш асослари характеристи жиҳатидан оддий (садда ёки қатъий) ҳамда мураккаб ҳукмлардан иборат бўлиши мумкин.

Дедуктив холоса чиқаришнинг энг оддий шакли қатъий (категорик) силлогизмдир.

**Силлогизм** (грекча syllogismos – санаб чиқиш) деб дедуктив холоса чиқаришнинг шундай шаклига айтиладики, унда умумий термин билан боғланган икки қатъий (садда) ҳукмлардан ёки асослардан учинчи ҳукм – холоса чиқарилади.

Силлогизмда умумий ҳукмдан жузъий ҳукмга қараб холоса чиқарилади.

Силлогизмнинг асослари чин бўлса, холосаси ҳам доим чин бўлади. Агар асослардан бири эҳтимолий бўлса, холоса ҳам эҳтимолий бўлади. Масалан:

Барча шоирлар шеър ёзишади.

Каримов, эҳтимол, шоирдир.

Демак, Каримов, эҳтимол, шеър ёзади.

**Силлогизм аксиомаси.** Силлогизм таркибини чин ҳукмлар, билимлар ташкил қиласы, улар аксиоматик характерга эга, яғни исботланган, далилланган, құшимча исботни талаб этмайдын билимлар бўлади. Шу сабабли силлогизмнинг холосаси ҳам исбот талаб қилмайдын ҳаққоний билимдан иборатдир.

**Силлогизмнинг мантиқий таркибини** уч ҳукм ташкил этади. Улардан иккитаси асослар, учинчиси эса холоса бўлиб ҳисобланади. Асослар билан холоса таркибиға кирадиган тушунчлар **силлогизмнинг терминлари** дейилади. Силлогизмда уч термин мавжуддир: 1. **Катта термин** –холосанинг предикати – P. 2. **Кичик термин** – холосанинг субъекти – S. 3. **Ўрта термин** – катта ва кичик терминларни боғлаб туради. У лотинча MEDIUM (ўрта, воситачи) сўзининг бош ҳарфи M билан белгиланади. Ўрта термин холоса таркибиға кирмайди.

Терминларни ўз ичига олишларига қараб асослар ҳам катта ёки кичик бўлади. Катта терминни ўз ичига олган асос **катта асос**, кичик терминни ўз ичига олган асос **кичик асос** дейилади. Катта асос холосанинг предикатини (P) ўз ичига олади. Кичик термин холосанинг субъектини (S) ўз ичига олади: Масалан:

Роман (M) прозаик асардир (P).

«Қуллар» (S) романдир (M)

Демак, «Қуллар» (S) прозаик асардир (P).

Бунда 1-асос катта асос, 2-асос кичик асосдир. Шунга мувофиқ силлогизмнинг умумий формуласи қуйидагича бўлади:

$$\begin{array}{ccc} M-P & & S-M \\ \underline{S-M} & \text{ёки} & \underline{M-P} & P-M-S \\ S-P & & S-P & \end{array}$$

**Силлогизм қоидалари.** Силлогизмнинг умумий қоидалари икки гурухга бўлинади:

**а) Терминларга оид қоидалар:**

1) Ҳар бир тўғри тузилган силлогизмда фақат уч термин (катта, кичик, ўрта) мавжуд бўлиши керак. Ўрта термин иккала асос учун ҳам бир хил маънога эга бўлиши керак. Агар ўрта термин бошқа маънода ишлатилса, ўз маъно барқарорлиги (айнанлиги)ни йўқотади ва терминларнинг тўртлашуви содир бўлади. Терминларни тўртлаштириш эса холосанинг хато, нотўғри бўлишига сабаб бўлади. Масалан:

Мехнат – ҳаёт асоси.

Мантиқни ўрганиш – мехнат.

Демак, мантиқни ўрганиш – ҳаёт асоси.

Бунда «мехнат» тушунчаси ҳар бир асосда бошқа-бошқа (1-асосда социологик категория, 2-асосда эса ақлий уринишларни қўллашнинг жузъий соҳаси) маъноларида қўлланилган. Шунинг учун терминлар тўртлашиб,

хulosса хато бўлган.

2. Ўрта термин асослардан бирига бўлинган, яъни унга нисбатан кенгрок ҳажмда олинган бўлмоғи лозим. Агар бу қоида бузилса, яъни ўрта термин иккала асосда ҳам бир хил ҳажмда олинса, унда у ўзининг боғловчилик ролини ўйнай олмайди ва хulosса чиқариб бўлмайди. Масалан:

Барча планеталар (Р) қайтарилиган нур билан ёритади (М).

Бу осмон жисми (S) қайтарилиган нур билан ёритади (М).

Бундан хulosса чиқариб бўлмайди.

3. Асосларда бўлинмаган терминнинг хulosада ҳам бўлиниши мумкин эмас. Масалан:

Барча юқори ҳароратли кишилар (М) – касаллар (Р).

Бу одам (S) юқори ҳароратга эга эмас (М).

Демак, бу одам (S) касал эмас (Р).

Бу ерда хulosса хатодир

**б) Асосларга оид қоидалар:**

4. Икки жузъий асосдан ҳеч қандай хulosса чиқариб бўлмайди. Масалан:

Фанлар Академиясининг баъзи аъзолари (М) – химиклар (Р).

Баъзи биологлар (S) – фанлар Академиясининг аъзолари (М).

5. Агар асослардан бири жузъий бўлса, хulosса ҳам жузъий бўлади.

Масалан:

Барча балиқлар (М) умуртқалидир (Р).

Баъзи сувда яшовчилар (S) балиқлардир (М).

Демак, баъзи сувда яшовчилар (S) умуртқалидир (Р).

6. Икки инкорий асосдан хulosса чиқариб бўлмайди. Масалан:

Барча ёмон кишилар (М) яхшилар эмас (Р).

Қорабоев (S) яхши одам (М) эмас.

7. Икки тасдиқий асосдан инкор хulosса чиқариш мумкин эмас. Масалан:

Барча аълочи талабалар (М) тиришиб ўқишиди (Р).

Баҳромов (S) – аълочи талаба (М).

Демак, Баҳромов (S) тиришиб ўқииди (Р).

8. Агар асослардан бири инкорий бўлса, хulosса ҳам инкорий бўлади.

Масалан:

Ҳеч бир талаба (М) маданиятсиз бўлмаслиги лозим (Р).

Даврон (S) – талаба (М).

Демак, Даврон (S) маданиятсиз бўлмаслиги лозим (Р).

### **3-савол баёни**

**Силлогизм фигуранлари** деб силлогизм асосларида ўрта терминнинг жой олишига қараб фарқланадиган шаклларига айтилади.

Ўрта термин иккала асосда ҳам субъект ёки предикат бўлиши ёки бир асосда субъект, иккинчисида эса предикат бўлиши мумкин. Шунга кўра силлогизмнинг **тўрт хил** фигуранлари мавжуд бўлади:

**1. Биринчи фигурада** ўрта термин катта асоснинг субъекти ва кичик асоснинг предикатидир. Масалан:

Ҳар қандай фан (М) жамият равнаки учун хизмат қиласи (Р).

**Физика (S) фандир (M).**

Демак, физика (S) жамият равнақи учун хизмат қилади (P).

Биринчи фигурадаги барча хукмлардан хулоса чиқариш мүмкін.

**2. Иккінчи фигурада** ўрта термин иккала асосда ҳам предикатдир.

Масалан:

Барча мевали дараҳтлар (P) ҳосил беради (M).

Хеч бир терак (S) ҳосил бермайды (M).

Демак, терак (S) мевали дараҳт эмас (P).

Бу фигурада хулоса доимо инкорий бўлади.

**3. Учинчи фигурада** ўрта термин иккала асосда ҳам субъектдир.

Масалан:

Жаҳон фани тараққиётига улкан ҳиссалар қўшган машхур олимлар (M) халқаро Нобель мукофотининг лауреатларирилар (P).

Жаҳон фани тараққиётига улкан ҳиссалар қўшган айрим машхур олимлар (M) физиклардир (S).

Демак, айрим физиклар (S) халқаро Нобель мукофотининг лауреатларирилар (P).

**4. Тўртинчи фигурада** ўрта термин катта асоснинг предикати, кичик асоснинг эса субъектидир. Масалан:


Барча китлар (P) – сут эмизуви (M).

Хеч бир сут эмизуви (M) балиқ эмас (S).

Демак, ҳеч бир балиқ (S) кит эмас (P).

Бу фигурада хулоса сунъийроқ бўлгани учун кам ишлатилади.

Силлогизм фигуralарининг схемалари қўйидаги кўринишда бўлади:



Силлогизмнинг ҳар бир фигурасининг ўзига хос қоидалари мавжуд:

**Биринчи фигуранинг қоидалари:**

1. Катта асос доимо умумий характерга эга.

2. Кичик асос тасдиқийдир.

**Иккінчи фигуранинг қоидалари:**

1. Катта асос доимо умумий характерга эга.

2. Асослардан бири инкорийдир.

**Учинчи фигуранинг қоидалари:**

1. Кичик асос тасдиқийдир.

2. Хулоса доимо жузъий хукмдан иборат бўлади.

**Тўртинчи фигуранинг қоидалари:**

1. Катта асос доимо умумий характерга эга бўлади.

2. Кичик асос инкорий характерга эга.

**Силлогизм модуслари** деб унинг миқдор ва сифат жиҳатидан фарқланадиган турларига айтилади.

Силлогизм модуслари турли лотинча сўзларнинг учунли ҳарфлари билан белгиланади. Бу ҳарфлар силлогизмнинг катта, кичик асослари ва хулосасини кўрсатади. Силлогизм модуслари аслида 64 та бўлиб, амалда эса улардан 19 таси кўпроқ ишлатилади. Силлогизм модуслари унинг тўртала фигурандари бўйича тақсимланади:

Силлогизмнинг биринчи фигурасида 4 модус мавжуд: AAA, EAE, AII, EIO.

Иккинчи фигурада ҳам 4 модус мавжуд: EAE, AEE, EIO, AOO.

Учинчи фигурада 6 модус бор: AAI, IAI, AII, EAO, OAO, EIO.

Тўртинчи фигурада 5 модус бор: AAI, AEE, IAI, EAO, EIO.

Энди силлогизм фигураларидаги ана шу жами 19 модусларни алоҳида - алоҳида кўриб ўтамиш:

## 1-фигура

### **1- модус – BARBARA – AAA.**

Барча ваҳший ҳайвонлар гўшт билан овқатланишади. (A).

Шерлар ваҳщий ҳайвонлардир (A).

Демак, шерлар гўшт билан овқатланишади (A).

### **2-модус – CELARENT – EAE.**

Ҳеч бир ўсимлик ҳавосиз яшай олмайди (E).

Барча ўтлар ўсимлиkdir (A).

Демак, ҳеч бир ўт ҳавосиз яшай олмайди (E).

### **3-модус – DARII – AII.**

Барча ваҳщий ҳайвонлар гўшт ейди (A).

Баъзи уй ҳайвонлари ваҳщий ҳайвонлардир (I).

Демак, баъзи уй ҳайвонлари гўшт ейди (I).

### **4-модус – FERIO – EIO.**

Ҳеч бир планета ўз нури билан ёруғлик бермайди (E).

Баъзи фазо жисмлари планетадир (I).

Демак, баъзи фазо жисмлари ўз нури билан ёруғлик бермайди (O).

## 2-фигура

### **1-модус – CESARE – EAE.**

Ҳеч бир мой сувда эримайди (E).

Барча спиртлар сувда эрийди (A).

Демак, ҳеч бир спирт мой эмас (E).

### **2-модус – CAMESTRES – AEE.**

Демократик жамиятларда барча фуқаролар teng хуқуқлидирлар (A).

Тоталитар жамиятларда барча фуқаролар teng хуқуқли эмас (E).

Демак, тоталитар жамиятлар демократик жамият эмас (E).

### **3-модус – FESTINO – EIO.**

Ҳеч бир мураккаб сўз бир ўзакдан иборат эмас (E).

Ушбу гапнинг баъзи сўзлари бир ўзакдан иборат (I).

Демак, ушбу гапнинг баъзи сўзлари мураккаб гаплар эмас (O).

#### **4-модус – BAROKO – AOO.**

Барча юлдузлар ўз нурлари билан ёруғлик беради (A).

Баъзи фазо жисмлари ўз нурлари билан ёруғлик бермайди (O).

Демак, баъзи фазо жисмлари юлдузлар эмас (O).

### **3-фигура**

#### **1-модус – DARAPTI – AAI**

Курсимизнинг талабалари тилшунослардир (A).

Курсимизнинг баъзи талабалари фалсафа тўгарагининг аъзолариидирлар (A).

Демак, фалсафа тўгарагининг баъзи аъзолари тилшунослардир (I).

#### **2-модус – DISAMIS – IAI.**

Баъзи шаҳарларда миллиондан ортиқ аҳоли яшайди (I).

Барча шаҳарлар аҳоли яшайдиган пунктлардир (A).

Демак, баъзи аҳоли яшайдиган пунктларда миллиондан ортиқ аҳоли яшайди (I).

#### **3-модус – DATISI – AII.**

Барча металлар элементлардир (A)

Баъзи металлар оқ тусга эгадир (I).

Демак, баъзи оқ тусга эга бўлган металлар элементлардир (I).

#### **4-модус – TELAPTON – EAO.**

Ҳеч бир планета ўз нури билан ёруғлик бермайди (E).

Барча планеталар фазо жисмлариидир (A).

Демак, баъзи фазо жисмлари ўз нури билан ёруғлик бермайди (O).

#### **5-модус – BOCARDO – OAO.**

Баъзи қўзиқоринларни еб бўлмайди (O).

Баъзи қўзиқоринлар ўсимликлардир (A).

Демак, баъзи ўсимликларни еб бўлмайди (O).

#### **6-модус – FERISON – EIO.**

Ҳеч бир қўзиқорин уруғ билан кўпаймайди (E).

Баъзи қўзиқоринлар заҳарли ўсимликлардир (I).

Демак, баъзи заҳарли ўсимликлар уруғ билан кўпаймайди (O).

### **4-фигура**

#### **1-модус – BRAMALIP – AAI.**

Ўзбекистон Республикасида яшовчи барча кишилар республикамизнинг фуқаролариидирлар (A).

Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари жаҳонда яшовчи кишилардир (A).

Демак, жаҳонда яшовчи кишиларнинг баъзилари Ўзбекистон Республикасининг фуқаролариидирлар (I).

## **2-модус – CAMENES – AEE.**

Барча шарлар лўнда жисмлардир (A).

Ҳеч бир лўнда жисм куб эмас (E).

Демак, ҳеч бир куб шар эмас (E).

## **3-модус – DIMARIS – IAI.**

Баъзи романлар тарбиявий характерга эга (I).

Барча тарбиявий характерга эга бўлган асарлар зарурдир (A).

Демак, баъзи тарбиявий характерга эга бўлган романлар зарурдир (I).

## **4-модус – FESAPO – EAO.**

Ҳеч бир химик тарихчи эмас (E).

Барча тарихчилар археология фанини яхши билишлари лозим (A).

Демак, археология фанини яхши билмайдиганлар тарихчи эмас (O).

## **5-модус – FRESISOH – EIO.**

Ҳеч бир ғазал қасида эмас (E).

Баъзи қасидалар шоирларимизнинг асарлариридир (I).

Демак, шоирларимизнинг баъзи асарлари ғазал эмас (O).

Силлогизмнинг фигура ва модулари оламни билишда катта назарий ва амалий аҳамиятга эгадир.

## **4-савол баёни**

### **Силлогизм турлари.**

**Мантиқий таркибиға кўра** силлогизмлар содда (қатъий) ва муракаб силлогизмларга бўлинади.

**Содда силлогизм** икки асос ва бир хulosадан, яъни уч терминдан иборат бўлади.

Содда силлогизмнинг энг яққол қўриниши қатъий (категорик) силлогизмдир.

**Қатъий (категорик)** силлогизмнинг иккала асоси ва хulosаси ҳам қатъий ҳукмлардан иборат бўлади. Масалан:

Барча халқлар тинчлик тарафдоридирлар (A).

Ўзбек – халқ (A).

Демак – ўзбек халқи тинчлик тарафдоридир (A).

Содда силлогизм баъзан қисқартирилган шаклда ҳам учрайди. Бунга энтилема (грекча entitemeta – ёдимда дегани) дейилади.

**Энтилема** деб асосларидан бири ёки хulosаси тушириб қолдирилган ҳолда ифода этилган силлогизмга айтилади.

**Энтилемаларнинг уч тури** мавжуддир:

**1. Катта асоси тушириб қолдирилган энтилема.** Масалан: Ўзбекистон Республика бўлганлиги сабабли унинг ўз конституцияси бор. Бунда фақат кичик асос ва хulosса мавжуд. Катта асос – «Барча республикаларнинг ўз конституциялари бор» – тушириб қолдирилган.

**2. Кичик асоси тушириб қолдирилган энтилема.** Масалан: Барча санъат турлари каби бадиий адабиёт ҳам инсон тарбияси учун хизмат қиласи. Бунда катта асос ва хulosса мавжуд. Кичик асос – «Бадиий адабиёт санъат туридир» – тушириб қолдирилган.

**3. Хulosаси тушириб қолдирилган энтилема.** Масалан: Ойбек –

истеъдодли ёзувчи. Бунда катта ва кичик асослар мавжуд бўлиб, хulosा – «Демак, Ойбек – севимли ёзувчи» – тушириб қолдирилган.

Энтилемаларнинг тушириб қолдирилган қисмларини ўрнига қўйиш орқали улардан тўлиқ силлогизмни тиклаш мумкин.

Энтилемалар фикрни ихчам, қисқа, аниқ ва равshan ифода этиш учун хизмат қиласди.

**Мураккаб силлогизм** деб бир қанча содда силлогизмларнинг биришидан ҳосил бўлган ҳамда биринчи силлогизмнинг хulosаси иккинчи силлогизмнинг асоси бўлиб хизмат қиласди силлогизмга айтилади. Мураккаб силлогизмлар **полисиллогизм** деб айтилади (лотинча poli – кўп).

Полисиллогизмлар **икки турга** эга: а) прогрессив ва б) регрессив полисиллогизмлар.

**Прогрессив полисиллогизмда** биринчи силлогизмнинг хulosаси иккинчи силлогизмнинг катта асоси бўлиб хизмат қиласди ва бунда фикр умумийликдан хусусийликка қараб боради. Масалан:


Ижтимоий хавфли ҳатти-ҳаракатлар (A) жазоланади (B).

Жиноят (C) – ижтимоий хавфли ҳатти-ҳаракат (A).

Жиноят (C) жазоланади (B).

Ўғирлик (D) – жиноят (C).

Ўғирлик (D) жазоланади (B).



**Регрессив полисиллогизмда** биринчи силлогизмнинг хulosаси иккинчи силлогизмнинг кичик асоси бўлиб хизмат қиласди ва фикр хусусийликдан умумийликка қараб боради. Масалан:

Хўжалик жиноятлари (A) – ижтимоий хавфли ҳатти-ҳаракат (B).


Халқ мулкини талон-тарож қилиш (C) – хўжалик жинояти (A).

Халқ мулкини талон-тарож қилиш (C) – ижтимоий хавфли ҳатти-ҳаракат (B).

Ижтимоий хавфли ҳатти-ҳаракат (B) жазоланади (D).

Халқ мулкини талон-тарож қилиш (C) – ижтимоий хавфли ҳатти-ҳаракат (B).

Халқ мулкини талон-тарож қилиш (C) жазоланади (D).



**Асослар характеристига кўра** мураккаб силлогизмлар иккига бўлинади: шартли ва айирувчи силлогизмлар.

**1. Шартли силлогизм** деб асосларидан бири ёки иккаласи ҳам шартли ҳукмлардан ташкил топган силлогизмга айтилади.

Шартли силлогизмлар икки хил бўлади: а) соф шартли ва б) шартли-қатъий силлогизмлар.

**Соф шартли силлогизмнинг** асослари ва хulosаси шартли ҳукмлардан иборат бўлади. Масалан:

Агар талаба дарсларни ўз вақтида тайёрлаб борса, у фанлардан яхши ўзлаштиришга эришади.

Агар талаба фанлардан яхши ўзлаштиришга эришса, унинг билими ошиб боради.

Демак, агар талаба дарсларни ўз вақтида тайёрлаб борса, унинг билими ошиб боради.

Схемаси:

Агар А-В бўлса, унда С-Д дир.

Агар С-Д бўлса, унда Е-Ф дир.

Демак, агар А-В бўлса, унда Е-Ф дир.

Шартли силлогизмнинг **инкор шакли** икки хил тарзда кўринади:

1. Агар мен дарсдан бўшасам, унда кинога бораман. Агар дарсдан бўшамасам, унда институтда бўламан. Демак, агар кинога бормасам, унда мен институтда бўламан (1).

Агар институтда бўлмасам, унда мен кинода бўламан (2).

Схемаси:

Агар А-В бўлса, унда С-Д дир.

Агар А-В бўлмаса, унда Е-Ф дир.

Демак, агар С-Д бўлмаса, унда Е-Ф дир (1).

Демак, агар Е-Ф бўлмаса, унда С-Д дир (2).

2. Агар мен пединститутни битирсам, унда ўқитувчи бўла оламан. Агар мен пединститутни ташлаб кетсам, унда ўқитувчи бўла олмайман. Демак, агар мен пединститутни битирсам, унда ўқишини ташлаб кетган бўлмайман (1).

Агар мен ўқишини ташлаб кетсам, унда пединститутни битирмайман (2).

Схемаси:

Агар А-В бўлса, унда С-Д дир.

Агар А-Ф бўлса, унда С-Д эмас.

Демак, агар А-В бўлса, унда Е-Ф эмас (1).

Демак, агар Е-Ф бўлса, унда А-В эмас (2).

**Шартли-қатъий силлогизмнинг асосларидан бири шартли, иккинчиси қатъий ҳукмлардан иборат бўлади.** Масалан:

Агар буғдой қизарган бўлса, уни ўрмоқ зарур.

Буғдой қизарди.

Демак, уни ўрмоқ зарур.

Схемаси:

Агар А-В бўлса, унда С-Д дир

А-В дир.

Демак, С-Ддир

**Инкор шакли:**

Агар А-В бўлса, унда С-Ддир

С-Ддир.

Демак, А-В эмас.

**2. Айиувчи (бўлинган) силлогизмнинг асосларидан бири ёки иккаласи ҳам айиувчи ҳукмлардан иборат бўлади.**

Айиувчи силлогизмлар **икки хил** бўлади: а) соф айиувчи ва б) айиувчи-қатъий силлогизмлар.

**Соф айиувчи силлогизмнинг асослари ва хulosаси айиувчи ҳукмлардан иборат бўлади.** Масалан:

Гап бўлаклари ё бош, ёки иккинчи даражали бўлаклардир.

Бош бўлакларга ё эга, ёки кесим, иккинчи даражали бўлакларга ё аниқловчи, ё тўлдирувчи, ё ҳол киради.

Демак, гап бўлакларига ё эга, ё кесим, ё аниқловчи, ё тўлдирувчи, ё ҳол киради.

Схемаси:

А-ё В, ёки С дир.

В-ё D, ёки Е дир.

С-ё F, ё G, ё H, ё Q дир.

Демак, А-ё D, ё E, ё F, ё G, ё H, ё Q дир.

Бу силлогизмнинг **инкор шакли** қуйидагича бўлади:

Бадиий жанрлар ёки роман, ёки повесть, ёки ҳикоядир.

Бу асарнинг жанри повесть ҳам, ҳикоя ҳам эмас.

Демак, бу асарнинг жанри романдир.

Схемаси:

А-ёки В, ёки С, ёки Р дир.

А-С ҳам, Д ҳам эмас.

Демак, А -В дир.

**Айиувчи-қатъий силлогизмнинг асосларидан бири айиувчи, иккинчиси қатъий ҳукмлардан иборат бўлади.** Масалан:

Ушбу шеърни ё Навоий, ё Фурқат, ё Муқимий ёзган.

Ушбу шеърни Фурқат ҳам, Муқимий ҳам ёзмаган.

Демак, ушбу шеърни Навоий ёзган.

Схемаси:

А-ёки В, ёки С, ёки D дир,

А-С ҳам, Д ҳам эмас.

Демак, А-В дир.

**Шартли-бўлинган силлогизмда** бир асос шартли-бўлинган, иккинчиси эса оддий бўлинган бўлади. Бундай хулоса чиқариш дилемма (грекча *di* – икки марта, *lemma* – тахмин, икки бора мулоҳаза) деб аталади. Бунда фақат икки муқобил (альтернатив) фикрлар орасидан бирини танлаш назарда тутилади, масалани ҳал қилишининг учинчи йўли мавжуд эмас.

**Дилеммалар** икки хил бўлади: конструктив ва деструктив.

**Конструктив** (хосил қилувчи) дилеммада икки асослардан икки оқибат келиб чиқади. Иккинчи асос танлаш имкониятини фақат шу иккала далил (альтернативалар) ёрдамида чеклаб қўяди. Хулоса келиб чиқадиган иккала оқибатни ҳам эътироф этади. Демак, бунда хулоса асосларни тасдиқлашдан оқибатларни тасдиқлашга қараб боради. Масалан:

Агар умумий қуролсизланиш йўлида туриладиган бўлса, демак, тинчликни мустаҳкамлаш лозим. Агар қуролланиши кучайтириладиган бўлса, демак, урушга томон бормоқ лозим.

Демак, ё тинчликни мустаҳкамлаш, ё ишни урушга томон олиб бориш мумкин.

Агар А-В бўлса, унда А-К дир; агар А-С бўлса, унда А-М дир.

А-ё В, ё С дир.

Демак, А-ё К, ё М дир.

**Деструктив** (бузувчи) дилеммада бир асосдан икки оқибат келиб чиқади: иккинчи асос иккала оқибатни ҳам инкор этади, хулоса эса асоснинг ўзини бузиб ташлайди. Демак, бунда хулоса оқибатларни инкор этишдан асосни инкор этиш томон боради. Масалан:

Агар интизомли ва виждонли талаба тартибни бузган бўлса, унда у ўз хатосини тузатади, бунинг имкони бўлмаса, бу ҳақда раҳбариятга маълум қиласди.

Мазкур талаба, тартибни бузиб, ўз хатосини тузатмади ва бу ҳақда раҳбариятга маълум қилмади.

Демак, мазкур талаба интизомли ва виждонли эмас.

Агар А-В бўлса, унда А ё С, ё Д дир.

А-С ҳам, Д ҳам эмас.

Демак, А-В эмас.

Амалиётда бундан ҳам мураккаброқ вазиятларни ифодаловчи фикрлар учрайди. Бу трилемма (грекча *trilas* – учлик, *lemma* – тахмин учлик мулоҳаза)-ларда ўз ифодасини топади. Масалан: «Ўнгта борасан – тирик қолмайсан; чапга борасан – отингни йўқотасан; тўғрига борасан – асирикка тушасан».

Бунда катта асос уч далиллардан иборат бўладики, улар уч турли оқибатлар билан бирга содир бўлади. Кичик асос барча асослар имкониятини тасдиқлайди, хулоса эса барча уч оқибатларни инобатга олади. Масалан:

Ушбу бурчак ё ўткир, ё тўғри, ё ўтмасдир.

Маълумки, ушбу бурчак на ўткир ва на тўғридир.

Демак, ушбу бурчак ўтмасдир

А-ё В, ё С, ё Д дир.

Маълумки, А- на В ва на С дир.

Демак, А-Д дир.

Мураккаб силлогизмлар қисқартирилган шаклда ҳам учрайди. Бунга эпихейрема деб аталади.

**Эпихейрема** (грекча ҳужум, қўл уриш дегани) деб ҳар бир асоси энтилемалардан иборат бўдган мураккаб силлогизмга айтилади. Масалан:

Барча оилалар кишилар бирлигининг тарихий шаклидир. Чунки уларда одамлар биргаллашиб яшайдилар ва фаолият кўрсатадилар. Кишилар бирлигининг барча тарихий шакллари одамларнинг биргаллашиб яшашлари ва фаолият кўрсатишларини тақозо қиласди. Демак, кишилар бирлигининг тарихий шакллари одамларнинг биргаллашиб яшашлари ва фаолият кўрсатишлари шаклларидир.

Схемаси:

M-P дир, чунки у Н дир. S-M дир. Демак, S-P дир.

Эпихейреманинг асосларини жой-жойига қўйиб чиқсан, ундан тўлиқ силлогизмни тиклаш мумкин.

Мураккаб силлогизмнинг яна бир қисқартирилган шакли соритдир.

**Сорит** (грекча sorit – тўп, яъни асослар тўпи) деб содда силлогизмнинг хулосаси бўлган асослари тушириб қолдирилган полисиллогизмга айтилади.

Мантиқ тарихида **икки хил** сорит мавжуддир: 1) аристотелча ва 2) гоклениевча соритлар.

**Аристотелча** (уни фанга Аристотель киритган) сорит регрессив характерга эга бўлиб, унда полисиллогизмнинг кичик асослари тушириб қолдирилган бўлади ва фикр хусусийликдан умумийликка қараб боради. Масалан:


Халқ мулкини талон-тарож қилиш (C) – хўжалик жинояти (A).

Хўжалик жинояти (A) – ижтимоий хавфли ҳатти-ҳаракат (B).

Ижтимоий хавфли ҳатти-ҳаракат (B) жазоланади (D).

Демак, халқ мулкини талон-тарож қилиш (C) жазоланади (D).

Бунда эписиллогизмнинг просиллогизм учун хулоса бўлиб хизмат қиладиган кичик асоси – «Халқ мулкини талон-тарож қилиш (C) – ижтимоий хавфли ҳатти-ҳаракат» (B) – тушириб қолдирилган. Схемаси:



**Гоклениевча** (уни С.Р.Гокления – 1540-1625 й.й. деган олим фанга киритган) сорит прогрессив характерга эга бўлиб, унда эписиллогизмнинг катта асослари тушириб қолдирилган бўлади ва фикр умумийликдан хусусийликка қараб боради. Масалан:


Ижтимоий хавфли ҳатти-ҳаракат (A) жазоланади (B).

Жиноят (C) – ижтимоий хавфли ҳатти-ҳаракат (A).

Ўғирлик (D) – жиноят (C).

Демак, ўғирлик (D) жазоланади (B).

Бунда полисиллогизмнинг хulosаси бўлиб хизмат қиладиган эписиллогизмнинг катта асоси – «Жиноят (С) жазоланади (В)» – тушириб қолдирилган. Схемаси:



Соритларда тушириб қолдирилган ўринларни жой-жойига қўйиш орқали тўлиқ полисиллогизмни қайтадан тиклаш мумкин.

### 5-савол баёни

**Индуктив хulosса чиқариш** (лот. *inductio* – йўналтириш) деб жузъий билим, фикрлардан умумий билим, фикрларга ўтиш орқали хulosса чиқаришга айтилади. Индуктив хulosса чиқариш асосида тажрибада олинган якка, жузъий билимлар ётади ва уларни умумлаштириш орқали умумий хulosса чиқарилади. Схемаси:

$S_1$	Р га эга.
$S_2$	Р га эга.
.....	
$S_N$	Р га эга.
$S_1, S_2, \dots, S_N$	К га тааллуқли.

Демак, К нинг ҳар бир қисми Р га эга.

Эмпирик тадқиқотнинг тўлиқлиги ва тугаллиги нуқтай назаридан индуктив хulosса чиқаришнинг **икки тури** мавжуддир: 1. Тўлиқ индукция, 2. Тўлиқсиз индукция

**Тўлиқ индукция** шундай хulosса чиқаришдирки, унда маълум синфга тааллуқли ҳодисалардаги белги ва хусусиятларнинг такрорланишидан бу белги ва хусусиятлар барча синфга хослиги тўғрисида хulosса чиқарилади.

Тўлиқ индукция ёпик, чекланган гурухдаги кам сонли ҳодисаларни текширишда қўлланилади. Бунда хulosса якунланган, натижа тўлиқ бўлади. Масалан: Қуёш системасидаги планеталар миқдори, учбурчакларнинг хиллари, дунёдаги давлатлар сони, маълум территориядаги саноат корхоналари миқдори ва ҳоказо. Масалан:

Россия Федерацияси ўз конституциясига эга.

Белоруссия ўз конституциясига эга.

Украина ўз конституциясига эга.

Ўзбекистон Республикаси ўз конституциясига эга.

Россия Федерацияси, Белоруссия, Украина ва Ўзбекистон Республикаси мустақил давлатлардир.

Демак, барча мустақил давлатлар ўз конституцияларига эгадир.

**Тўлиқсиз индукция** миқдор жиҳатидан кўпроқ, ҳажм жиҳатидан

кенгрөк бўлган ҳодисаларни текширишга татбиқ этилади. Бунда хулоса тўлиқ якунланмаган бўлади.

Тўлиқсиз индукцияда синфга оид айрим ҳодисалар ва уларнинг хосса-хусусиятларини ўрганиб, улар қолган бошқа ҳодисаларга ҳам ҳосдир, деган умумий хулоса чиқарилади.

Тўлиқсиз индукция кўпинча танлаб олиш методи орқали содир бўлади.

**Танлаб олиш усули жиҳатидан** тўлиқсиз индукция икки турга бўлинади: а) оддий санаш индукцияси (энумератив индукция ёки оммавий индукция), б) истисно қилиш йўли билан ҳосил қилинган (элиминатив) ёки илмий индукция.

**Оммавий индукция** бир-бирига ўхшаш ҳодиса қайта-қайта такрорланса, у ҳамма вақт шу тарзда ҳосил бўлади, деган хулосага асосланади. Масалан: баъзан кун ботгандан сўнг осмонда қизил шафақ ҳосил бўлади. Бундан эртага шамол эсиши мумкинлиги тахмин қилинади.

**Илмий индукция** жараёнида кузатилган факт ва ҳодисалар чукур, ҳар томонлама текширилади, таҳлил қилинади. Тасодифий, иккинчи даражали, номухим, нозарурий белгилар, алоқалар ташланиб, зарурий, энг муҳим, барқарор белгилар, алоқалар эътиборга олинади. Воқеа-ҳодисаларнинг ички сабабиятлари, қонуниятлари, моҳияти очилади. Шу орқали илмий назариялар вужудга келади.

**Илмий индукция ҳодисалар орасидаги сабаб-оқибат боғланишларини индуктив текшириш методларида** кенг қўлланилади. Бу методлар қўйидагилардир:

1. Ўхшатиш методи.
2. Тафовут методи.
3. Ўхшатиш ва тафовут қўшма методи.
4. Йўлдош ўзгаришлар методи.
5. Қолдиқлар методи.

**Ўхшатиш методи** орқали агар текширилаётган икки ёки ундан ортиқ буюм ва ҳодисалар бир хил оқибатда намоён бўлса, бунда уларнинг ягона умумий сабаби мавжуд, деган хулоса чиқарилади. Масалан: агар қуёш нури призмадан ўтказилса, камалак ранги ҳосил бўлади. Баъзи ялтироқ жисмларга, бир томчи сувга, киррали кристалларга оқ нур тушганда ҳам шундай ҳодиса юз беради. Бундан ўхшатиш методи орқали уларнинг умумий сабаби борлиги тўғрисида хулоса чиқарамиз.

Бошқа мисол: темирни темирга ишқаласак, иссиқлик ҳосил бўлади. Ёғочни ёғочга ишқаласак, иссиқлик ҳосил бўлади. Тошни тошга ишқаласак, иссиқлик ҳосил бўлади. Демак, ишқаланиш иссиқлик ҳосил бўлишининг сабабидир. Схемаси:

1. ABC шароитларда а ҳодиса содир бўлади.
2. ADE шароитларда а ҳодиса содир бўлади.
3. AMH шароитларда а ҳодиса содир бўлади.

Демак, А нинг сабаби а дир.

**Тафовут методи** асосида агар бир ҳодиса бир ҳолда юз берса-ю, иккинчи ҳолда юз бермаса ва факат биргина ҳолатда тафовут қиласа, демак, худди шу ҳолатнинг ўзи ҳодисанинг сабабидир, деган хулоса чиқарилади. Масалан: агар

күнғироқ остида ҳаво бўлса, унинг жаранглаган товуши эшитилади. Агар күнғироқ остида ҳаво бўлмаса, унинг жаранглаган товуши эшитилмайди. Бундан товуш эшитилишининг сабаби ҳавонинг мавжудлигиdir, деган хulosса чиқарамиз.

Ёки яна бир мисол: агар кундуз куни уй деразасидан ташқарига қарасак, ташқаридаги нарсаларни яққол кўрамиз. Аксинча, ташқаридагилар уй ичидағи нарсаларни кўрмайдилар. Бунинг тескарисича, агар кечаси уйда чироқ ёниб турса, ташқаридагилар уй ичидағи нарсаларни яхшироқ кўра оладилар. Аммо уй ичидағилар ташқаридаги нарсаларни яхши кўрмайдилар. Бу воқеанинг асосий сабаби ёруғликдир.

Схемаси: ABC-а. В-С, демак, А-а.

**Ўхшатиш ва тафовут қўшма методи.** Бунда аввал ўхшатиш методи ёрдами билан хulosса чиқарилади, сўнgra эса чиқарилган хulosса тафовут методи орқали текширилади. Масалан: муайян ўсимликнинг бир навини экиб, унга ўғит бериб текширамиз ва натижада юқори ҳосил оламиз. Бундай ҳолатда ўхшатиш методи орқали хulosса чиқарилиб, юқори ҳосил олишнинг сабаби ерга ўғит берилиши эканлигини аниқлаймиз. Тафовут методи орқали бу хulosса текшириб кўрилади, яъни ўша ўсимликнинг уруфини ўша ерга экамиз, аммо унга ўғит бермаймиз. Натижада ҳосил камаяди. Шу йўл билан ўхшатиш методи орқали чиқарилган аввалги хulosса, яъни юқори ҳосил олишнинг сабаби ерга ўғит солишидир, деган фикр тасдиқланади. Схемаси:

Қаторлар	Воқеалар	Ўтган ҳоллар	Текширилган ходисалар
I	1	ABC	a
	2	ADE	a
	3	AMG	a
II	1	BC	-
	2	DE	-
	3	MG	-

Демак, А ходисага а сабаб.

**Йўлдош ўзгаришлар методи.** Агар бир ҳодисанинг юзага келиши хар сафар унга йўлдош бўлган иккинчи ҳодисани юзага келтирса, демак, бу ҳодисалардан биринчиси иккинчисининг сабабидир. Масалан, агар симдан электр токи ўтаётган бўлса, сим атрофида электромагнит майдони ҳосил бўлади. Демак, электр токининг ўтиши электромагнит майдони ҳосил бўлишининг сабабидир.

Яна бир мисол: агар ғилдирак ўз ўқи атрофида айлантирилса, ўқ қизийди. Демак, ўқнинг қизиши ғилдиракнинг ўз теварагида айланишининг натижасидир. Схемаси:

$A_1BC - a_1$

$A_2BC - a_2$

$A_3BC - a_3$

Демак, А –а воқеа сабабидир.

Бунда  $A_1, A_2, A_3$  белгилари берилган ҳолнинг А миқдор ўзгаришлари,  $a_1,$

$a_2$ ,  $a_3$  белгилари эса бир хил воқеанинг ўзгаришларидир.

**Қолдиқлар методи** мураккаб ҳодисаларни текшириш учун ишлатилади.

Агар қандайдир мураккаб ҳодиса бошқа мураккаб ҳодисани юзага келтирса ва маълум бўлсаки, келиб чиқсан натижанинг муайян қисмининг сабаби биринчи мураккаб ҳодисанинг муайян қисмидир. Бундан хулоса чиқарилиб, демак, ҳодисанинг қолган қисмининг сабаби биринчи ҳодисанинг қолган қисмидир, деган фикрга келамиз. Масалан, мураккаб жисмлар спекторларида маълум элементларни ҳосил қилувчи чизиқлардан ташқари янги чизиқларни аниқлаймиз. Бундан фанда маълум бўлмаган янги элементлар мавжуддир, деган хулоса чиқарамиз. Ушбу метод орқали физика ва химия фанларида гелий, цезий, рубидий, полоний ва бошқа элементлар кашф этилган эди. Схемаси:

ABC – авс

AB – ав

Демак, C – с сабабидир.

## 6-савол баёни

**Аналогия (қиёс)** буюм ва ҳодисаларнинг ўхшашлиги ва тафовутини билиш учун қўлланиладиган усул бўлиб, унда жузъий билимдан жузъий билимга қараб хулоса чиқарилади. Аналогия **традуктив** (лот. traductio – жойлаштириш) хулоса чиқаришдир.

Аналогия йўли билан буюмларнинг ўхшаш белгиларига асосланиб, эҳтимолий хулоса чиқарилади. Масалан: Ер ва Марс планеталари бир-бирларига ўхшаш хусусиятларга эга. Чунончи, баҳор ва ёз ойларида бу планеталарнинг устки қисми кўм-кўк рангга, кузда сариқ, қишида эса оқ рангга эга бўлади. Бу ўхшашиликдан хулоса чиқариб, эҳтимол, Марсда ҳам Ердагидек органик ҳаёт мавжуддир, деган фикрга келамиз.

Ўхшатиладиган ёки қиёсланадиган объектлар характеристига кўра **икки хил** аналогияни фарқлайдилар: а) нарсалар аналогияси ва б) муносабатлар аналогияси.

**Нарсалар аналогияси** икки якка буюм ва ҳодисани солиштириб хулоса чиқариш усулидир. Масалан: нур ва товуш ўзаро ўхшаш бўлган тўлқинли табиатга эга.

**Муносабатлар аналогияси** бир жуфт буюм ва ҳодисаларнинг ўхшаш муносабатларига асосланиб хулоса чиқаришдир. Масалан, ота ва ўғил, бобо ва невара, устоз ва шогирд ўрталаридаги муносабатлар.

Аналогиянинг яна қуйидаги **турлари** мавжуддир:

а) **оддий (садда) аналогия** – буюм ва ҳодисаларнинг ўхшаш белги ва хусусиятларидан уларга хос умумий белги ва хусусиятлар тўғрисида хулоса чиқариш. Масалан, темир ва бериллий деярли бир хил физик хоссаларга эга.

б) **кенг тарқалган аналогия** – ҳодисалар ўхшашигидан уларни вужудга келтирган сабаблар, сабаблар ўхшашигидан эса уларга хос ўхшашиклар харакати тўғрисида хулоса чиқариш.

в) **қатъий аналогия** – икки буюмнинг бир умумий белги бўйича ўхшашигидан бошқа белги бўйича ўхшашлиги тўғрисида хулоса чиқариш.

г) қатъий бўлмаган аналогия – бир белгидан бошқа белгилар тўғрисида хулоса чиқариш

Аналогия фан ва техникада моделлаштиришнинг мантиқий асоси бўлиб хизмат қиласди.

### **Назорат саволлари:**

1. Хулоса чиқаришнинг моҳияти ва мантиқий таркибини тушунтириб беринг.

2. Хулоса чиқаришнинг қандай турлари мавжуд?

3. Дедуктив хулоса чиқариш нима?

4. Силлогизм аксиомаси ва умумий қоидаларини баён этинг.

5. Силлогизм модусларини тавсифлаб беринг.

6. Силлогизм фигуранлари нечта?

7. Силлогизмнинг қандай турлари бор?

8. Индуктив хулоса чиқариш турлари қайсилар?

9. Сабабий боғланишларнинг индуктив методларини тавсифлаб беринг.

10. Аналогия (қиёс) нинг қандай турлари мавжуд?

**Мавзуда қўлланиладиган педтехнология ва усуллар:** 1. Баҳс-мунозара. 2. Савол-жавоб. 3. Ҳаётий ҳодисаларнинг мантиқий таҳлили.

**Мавзуда қўлланиладиган ахборот технологияси:** 1. Схема, жадвал, формуласалар намойиши. 2. Интернет маълумотлари.

### **Адабиётлар**

1. Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Мантиқ. – Т.: Ўқитувчи, 1993, VII боб.

2. Раҳимов И. Мантиқ. – Т.: 1994.

3. Шарипов М., Файзихўжаева Д. Мантиқ: Маъruzalар матни. – Т.: 2000, 7-мавзуу.

## **П.3.3-БОБ. ДАЛИЛЛАШ ВА БИЛИМЛАР ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МАНТИҚИЙ ШАКЛЛАРИ**

### **П.3.1. ДАЛИЛЛАШНИНГ МАНТИҚИЙ АСОСЛАРИ**

#### **Асосий саволлар:**

1. Даилилаш тушунчаси ва унинг мантиқий асослари.

2. Мантиқий исботнинг моҳияти, таркиби ва турлари.

3. Исбот қоидалари.

4. Раддия ва унинг усуллари. Дискуссия (мунозара).

**Таянч тушунча ва иборалар:** исботлаш (даилилаш) тушунчаси, исбот турлари, мантиқий исбот таркиби, мантиқий исбот турлари, мантиқий исбот қоидалари, раддия тушунчаси, раддия усуллари, раддия қоидалари, исбот ва раддияда учрайдиган мантиқий хатолар, паралогизм, софизм, парадокс, баҳс-

мунозара юритиш қоидалари.

**Мавзуда кўриб чиқиладиган муаммолар:** далиллашнинг мантиқий асослари, исбот ва раддия, мунозара қоидаларини баён этиш.

### Дарс мақсади:

1. Далиллашнинг мантиқий асосларини изоҳлаб бериш.
2. Исбот ва раддия, мунозара юритиш қоидаларини тушунтириб бериш.

## 1-савол баёни

Фан билимларнинг муайян системасидан иборатdir. Билимлар ўртасидаги алоқадорлик, изчиллик ва тартибни, уларнинг чин ёки ёлғонлигини бевосита кўриб бўлмайди. Агар бунинг иложи бўлса, унда хеч қандай далил ва исботга ҳожат қолмас эди. Ҳолбуки, кўпгина илмий билимларни аниқлаш далиллаш ёки исбот қилишни тақозо этади.

Илмий билимларнинг фақат бир қисми исбот талаб қилмайди. Бу аксиомалардир. Чунки улар тажрибада аллақачон текширилиб тасдиқлангандир. Қолган аксарият қўпчилик билимлар эса исбот ва далилга муҳтождир. Шунинг учун далиллаш ва исбот билимлар чинлиги, ҳаққонийлиги ва тўғрилигини аниқлашнинг муҳим шартидир. Асосиз фикр гайрийлмий фикрдир.

Шундай қилиб, объектив воқеликдаги нарса ва ҳодисалар тўғрисидаги билимларимиз исбот ва етарли асосга таянмоғи лозим. Исбот хулоса чиқариш орқали амалга оширилади. Масалан, сувнинг эластик жисм эканлиги тўғрисидаги фикрнинг чинлигини аниқлаш учун уни қуидагича исбот қиласиз:

Сув суюқлиқдир.

Суюқ жисмларнинг барчаси эластикдир.

Демак, суюқлиқдан иборат бўлган сув ҳам эластикдир.

Бу мисолдан равшанки, бирор фикрнинг исботи учун бошқа маълум, исботланган, аниқ факт ва далиллар, фикрлар асос қилиб олинади. **Бу далиллаш ёки исботлашдир.**

Исбот икки хил бўлади: 1) моддий (ашёвий) ва 2) мантиқий исбот.

**Моддий исбот** буюм ва ҳодисаларнинг табиий хосса-хусусиятлари асосида иш кўради. У кўпинча табиий ва техникавий тадқиқотларда, суд-медицина экспертизасида ишлатилади.

## 2-савол баёни

**Мантиқий исбот** фикрлар, ҳукмлар ва хулосалар орқали тафаккур қонунлари, қоидалари ёрдамида исбот қилишдир. У исботнинг олий туридир. Чунки ашёвий (моддий) исбот натижаларини тафаккурда умумлаштириш, мантиқий таҳлил қилиш ишлари ҳам мантиқий исботни талаб қиласи ва у орқали амалга оширилади.

Мантиқий исбот бирор фикр ёки билимнинг чинлигини бошқа ҳукмлар, фикрлар ва билимлар ёрдамида асослаб беришдир.

**Исботнинг мантиқий таркибини қуидаги уч қисм ташкил қилади:** исбот тезиси, исбот асоси (аргумент) ва исбот усули (демонстрация).

**1. Исбот тезиси** деб чинлиги ёки ёлғонлиги аниқланиши лозим бўлган хукм ёки билимга айтилади.

**2. Исбот асоси ёки аргумент** деб чинлиги аллақачон тажрибада аниқланган ва тезисни тасдиқлаш учун етарли тарзда олинган хукм ва билимларга айтилади. Исбот асоси ёки аргумент вазифасини турли тажрибавий факт-далиллар, назарий фикрлар, назариялар, аксиомалар, теоремалар, гипотезалар ва ҳ.к. бажаради.

**3. Исбот усули ёки демонстрация** деб асослардан тезисни мантиқий равишда келтириб чиқариш жараёни ва исбот қилиш усулига айтилади.

Мантиқий исботнинг **икки тури** мавжуд: 1) тўғридан-тўғри, 2) четдан исбот этиш.

**1. Тўғридан-тўғри исбот** деб тезис чинлигининг бевосита асослардан келиб чиқишига айтилади. Унинг **турлари** дедуктив, индуктив ва традуктив исботлардир.

**Дедуктив исбот** ҳамиша силлогизм шаклида бўлади. Унда аргументлар силлогизмнинг асослари, тезислар эса силлогизмнинг хulosаси бўлиб хизмат қилади. Исботда эса тезис асослардан келиб чиқади. Масалан:

Одилов ҳақиқатгўйдир.

Чунки у ёлғон гапирмайди.

Ушбу исботда «Одилов ҳақиқатгўйдир» – тезис, «Чунки у ёлғон гапирмайди» аргументдир.

Силлогизм шаклида ушбу фикр қуидагича бўлади:

Хақиқатгўйлик доим ҳақиқатни айтишни тақозо қилади.

Одилов ёлғон гапирмайди.

Демак, Одилов ҳақиқатгўйдир.

**Индуктив исбот** ёрдамида аргументларда мавжуд бўлган хусусий ҳолатлардан тезисда мавжуд бўлган умумий фикр келтирилиб чиқарилади. Масалан:

Тезис: Сибирнинг барча катта дарёлари жанубдан шимолга қараб оқади.

Аргументлар:

1. Кама дарёси жанубдан шимолга қараб оқади.

2. Лена дарёси жанубдан шимолга қараб оқади.

3. Енисей дарёси жанубдан шимолга қараб оқади.

4. Объ дарёси жанубдан шимолга қараб оқади.

5. Иртиш дарёси жанубдан шимолга қараб оқади.

Кама, Лена, Енисей, Объ ва Иртиш дарёлари Сибирнинг катта дарёларидир.

Демак, Сибирнинг барча катта дарёлари жанубдан шимолга қараб оқади.

**Традуктив исботда** хукмларнинг ўзаро тенглиги ва айнанлигига қараб, жузъий асослардан жузъий хulosса чиқарилади. У аналогия йўли билан содир бўлади. Традуктив исбот тўлиқ бўлмаган, эҳтимолий ҳарактердаги билимларга асосланади. Масалан, Марсда ҳам Ердагидек органик ҳаёт мавжудлиги тўғрисидаги эҳтимолий фикр традуктив исбот орқали ҳосил қилинган.

Демак, тўғридан-тўғри исботда тезиснинг чинлиги бевосита аргументдан келтириб чиқарилади, тезисга зид келадиган қўшимча далиллар келтирилмайди.

**2. Четдан исбот этиш** деб тезиснинг чинлигини унга қарама-қарши бўлган бошқа тезис (антитетис)ни келтириш ва зид қўйиш орқали далиллашга айтилади.

Исботнинг бу тури мантиқнинг учинчисини истисно қонунига асосланади. Бу қонунга биноан, бир вактда ё тезис, ёки антитетис чин бўлиши мумкин эмас. Агар антитетиснинг хатолиги аниқланса, унда тезис чин бўлади ва аксинча.

### **3-савол баёни**

Мантиқий исботни амалга ошириш муайян **қоидаларга** амал қилишни тақозо этади. Бу қоидалар уч гурухга бўлинади:

#### **1. Тезисга тааллуқли қоидалар:**

1. Тезис аниқ ва равшан ҳукмлардан иборат бўлмоғи лозим. Акс ҳолда тезисни исбот қилиб бўлмайди. Бу қоидани бузиш тезисдан қочиш (четга чиқиши ёки тезисни йўқотиб қўйиш) хатосига олиб келади.

2. Тезис исботнинг бошидан охиригача асл маъносига ишлатилиши лозим. Акс ҳолда тезисдан қочиш, фикр чалғиши ва ноизчиллиги хатолари содир бўлади.

#### **2. Аргументларга тааллуқли қоидалар:**

3. Ҳар қандай исбот ва раддияда асослар ёки далиллар шак-шубҳасиз чин ҳукмлар, билимлардан иборат бўлмоғи лозим. Ёлғон, хато ҳукмлар, фикрлар орқали ҳеч қандай фикрни исбот этиш ёки рад қилиш мумкин эмас.

4. Далиллар тезисни асослаш учун етарли бўлиши керак. Далиллар етарли бўлмаса, тезисни тўлиғича асослаб бўлмайди. Далиллар ҳаддан ташқари қўп, ортиқча бўлса ҳам тезисни асослаш иши қийинлашади. Бу ерда ҳам ўзига яраша меъёр, чегара, «оралиқ, олтин ҳалқа» бўлиши керак.

#### **3. Демонстрацияга тааллуқли қоидалар:**

5. Асосли фикр изчил, мантиқий тузилган ва ишончли бўлиши, асослардан қонуний суратда келиб чиқадиган бўлиши лозим. Акс ҳолда зўрма-зўраки, сунъий ва хато хулоса чиқариш, асослашда сакраш каби хатолар содир бўлади.

### **4-савол баёни**

**Раддия** деб бирор тезиснинг нотўғрилигини ёки асоссизлигини исботлаш усулига айтилади.

Раддия исботни қайта текшириб қўриш, аниқлаш ва мустаҳкамлаш усулидир. Масалан: «Юпитер планетасининг йўлдошлари бор», деган тезисни қуйидагича исботлаш мумкин:

Барча планеталарнинг йўлдошлари бор.

Юпитер планетадир.

Демак, Юпитернинг ҳам йўлдошлари бор.

Ушбу исботни таҳлил қила туриб, «Барча планеталарнинг йўлдошлари бор», деган асоснинг нотўғрилигини аниқлаш мумкин. Бу фикрнинг раддиясини қуидагича тузиш мумкин:

Маълумки, Венеранинг йўлдошлари йўқ.

Венера планетадир.

Демак, баъзи планеталарнинг йўлдошлари йўқ.

Раддия орқали чиқарилган хulosа ёрдамида «Барча планеталарнинг йўлдошлари бор», деган фикр хато эканлигини аниқлаймиз.

**Тезисни қуидаги беш усул орқали рад этиш мумкин:**

1. Оппонент (мухолиф) ўртача ташлаган тезисни рад этиш учун факт ва далиллар келтириш.

2. Мухолиф ўз тезисига асос қилиб олган далилларни тадқиқ қилиш.

3. Рад қилинувчи исбот тезисининг чинлиги тезисни тасдиқлаш учун келтирилган далиллардан келиб чиқмаслигини исбот этиш.

4. Рад қилинувчи тезисга зид бўлган янги тезисни мустақил равишда исбот этиш.

5. Рад қилинувчи тезиснинг ўзининг нотўғрилигини исбот қилиш.

Исбот ва раддия жараёнларида баъзи **мантиқий хатоларга** ҳам йўл қўйиладики, улар қуидагилардир:

1. Тезисни алмаштириш. Бунинг натижасида фикр мавзуси ўзгариб, мантиқсизлик ҳосил бўлади. Бу хато исботнинг 1-2-қоидаларини бузишдан ҳосил бўлади.

2. Инсоннинг шахсий сифатларини баҳона қилиб, тезисни алмаштириш. Буни лотинча argumentum ad personam деб аталади. Исбот ва раддия жараёнларида кишининг шахсий сифатларини аралаштираслик, уларга баҳона қилиб, тезисни алмаштираслик керак. Бу ҳам юқоридагидек хатоларга олиб келади.

3. Кимки ҳаддан ташқари кўп исбот этишга уринса, у ҳеч нарсанни исбот эта олмайди. Исбот этишнинг ҳам ўз меъёри бор. Исбот этиш учун келтириладиган далилларнинг ҳам чегараси бўлади. Агар далиллар етарли бўлса, исбот эта бериш керак. Акс ҳолда далиллар ичига кўмилиб, исбот тезисини унтиб қўйиш мумкин.

4. Аргумент ёки асоснинг хатолиги.

5. Айланма исбот хатоси. У такрор, тавтологияга олиб боради. Буни кўпинча «шундоқни шундоқ исбот этиш» деб аталади. Бунинг натижасида софизм хатоси содир бўлади. Масалан:

Аҳмедов – шахматчи, чунки у шахматни яхши ўйнайди.

Аҳмедов шахматни яхши ўйнайди, чунки у шахматчи.

6. Асосларни олдиндан тахминлаш шаклидаги хато.

7. Тезисни тўртлаштириш хатоси.

Фикр-мулоҳаза юритиши, исбот ва раддия жараёнларида фикрларни бир-бирига боғлаш, уларни ўзаро асослашда турли мантиқий хатоларга йўл қўйиш мумкин. Мантиқий хатолар тафаккур қонунларини бузиш, уларнинг талабларига риоя қилмаслик натижасида юзага келади. Паралогизм, софизм ва парадокс шундай хатолар ҳисобланади.

Мулоҳаза жараёнида билмасдан туриб, эҳтиётсизлик, онгсизлик

натижасида йўл қўйилган мантиқий хатога **паралогизм** (грекча *paralogismus* – нотўғри муҳокама) дейилади. У тафаккур маданияти савиясининг пастлиги сабабли юзага келади.

**Софизм** (грекча *sophismus* – айёрлик, уйдирма) деб мулоҳаза жараёнида билиб туриб, атайлаб, онгли тарзда рақибини алдаш мақсадида йўл қўйилган мантиқий хатога айтилади.

Софизм онгли тарзда, атайлаб ҳақиқатни ёлғонга, ёлғонни эса ҳақиқатга айлантириб тушунтириш усулидир. Масалан, Қадимги Грецияда «Эватл», «Ўз отангни билмайсан», «Шохдор» софизмлари машҳур бўлган.

**«Шохдор» софизми:**

Бор нарсангни йўқотмаган бўлсанг, ўзингда бўлади.

Сен шохингни йўқотмагансан.

Демак, сенинг шохинг бор.

**«Ўз отангни билмайсан» софизми:**

Сен бу қопнинг ичидаги буюмни билмайсан.

Бу қопнинг ичидаги сенинг отанг бор.

Демак, сен ўз отангни билмайсан.

**«Эватл» софизми:**

Қадимги грек софисти Протагор ўз ўқувчиси Эватлга софистикадан дарс берар эди. Ўқув ҳақини тўлаш ҳақида улар ўзаро шундай келишиб олишган эдилар: Протагор Эватлни ўқитгани учун ҳақни суд орқали ундириб олиши, Эватл эса суд жараёнида ишни ютиб чиққандан сўнг Протагорга ўқиш ҳақини тўлаши зарур эди. Ўқишни тутатгандан сўнг Эватл суд ишига аралашмади ва Протагорга ўқиш ҳақини тўламади.

Протагор эса Эватлни судга бериб, ундан ўқиш ҳақини ундириб олишга уринди. Бунда у ўқувчисидан ўз ҳақини ундириб олишга қатъий ишонган ҳолда шундай фикр юритди: агар суд Эватл устидан ўқитиш ҳақини тўлашга ҳукм чиқарса, Протагор пулни суд ҳукмига биноан, ундириб олади (1). Агар суд ўқитиш ҳақини ундириб олиш ҳақида ҳукм чиқара олмай, суд жараёнида Эватл ютиб чиқса, унда Протагор ўзаро келишув асосида Эватлдан пулни ундириб олади (2).

Эватл Протагорга икки ҳолатда ҳам пул тўламаслигини маълум қилди. Бунда у шундай фикрга асосланди: 1. Агар суд пулни тўлаш ҳақида ҳукм чиқарса, демак, Эватл суд жараёнини ютқизган бўлади. Бундай ҳолда у Протагор билан ўзаро келишувга биноан, пулни тўламайди (чунки ютқизди). 2. Агар суд ўқитиш ҳақини тўламаслик ҳақида қарор чиқарса, Эватл шу қарорга биноан, Протагорга пул тўламайди (суд ҳукмига биноан).

**Парадокс** ҳал қилиниши мураккаб, зиддиятли мулоҳазалардир. Унда маълум бир ҳолатнинг чинлиги ҳам, ёлғонлиги ҳам исботланиши мумкин. Парадокс мулоҳазадаги зиддиятни яшириш, шуваб ўтиш натижасида юзага келади. Қадимги Грецияда «Ахилл ва тошбақа», «Ёй ўқи», «Ёлғончи» парадокслари машҳур бўлган. Масалан, **«Ёлғончи» парадокси**:

Критлик Эпименид деган дехқон: «Барча критликлар ёлғон гапирадилар», дейди.

Эпимениднинг бу гапи ёлғонми ёки чинми?

Агар унинг гапи чин деб тахмин қилинса, у критлик бўлгани учун ёлғон

гапиравчилар қаторига киради ва унинг «барча критликлар ёлғон гапирадилар», деган гапи чин бўлади. (1).

Агар у ёлғон гапирди, деб тахмин қилинса. Унда «барча критликлар ёлғон гапирадилар», деган гап нотўғри бўлиб, критликларнинг айримлари рост гапиравчи бўлиб чиқади (2).

Демак, агар Эпименид рост гапирган, деб тахмин қилинса, унда унинг ҳақиқатдан ҳам ёлғон гапиргани аниқ бўлади. Агар у ёлғон гапирган бўлса, унда унинг ҳақиқатдан ҳам рост гапиргани маълум бўлади.

Паралогизм, софизм ва парадокс зиддиятли мулоҳазага асосланган фикр қилиш усуллари сифатида «рационал мағиз»га ҳам эгадир. Шунинг учун улар қадимги Греция ва Римда кенг тарқалган таълимот (санъат)лар, мактаблар тарзida атрофлича ишлаб чиқилган. Улар фалсафа, диалектика, мантиқ ва математиканинг гуркираб ривожланишига туртки бўлди.

Исбот ва раддия қоидалари турли мунозара ва муҳокамаларда кенг қўлланилади.

**Мунозара (дискуссия)** деб баҳсли масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал этиш учун зарур бўлган усулга айтилади. Мунозара исбот ва раддия, фикр-мулоҳаза юритишнинг мантиқий қонун-қоидаларига асосланади. Шунингдек, мунозарани олиб бориш ва унда амал қилиниши лозим бўлган ахлоқий қоидалар (этик нормалар) ҳам мавжуддир.

### **Назорт саволлари:**

1. Даилилаш деб нимага айтилади?
2. Исбот нима, унинг қандай турлари бор?
3. Мантиқий исботнинг таркибини нима ташкил этади?
4. Мантиқий исбот турларини тавсифлаб беринг.
5. Исбот қоидаларини айтиб беринг.
6. Раддиянинг қандай усуллари бор?
7. Паралогизм нима?
8. Софизм нима?
9. Парадокс нима?
10. Мунозара нима?

**Мавзуда қўлланиладиган педтехнология ва усуллар:** 1. Баҳс-мунозара.  
2. Савол-жавоб. 3. Ҳаётий вазиятлар, ҳодисаларнинг мантиқий таҳлили.

**Мавзуда қўлланиладиган ахборот технологияси:** 1. Схема, жадвал ва формулалар намойиши. 2. Интернет маълумотлари.

### **Адабиётлар**

1. Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Мантиқ. – Т.: Ўқитувчи, 1993, VIII боб.
2. Раҳимов И. Мантиқ – Т.: 1994.
3. Шарипов М. , Файзихўжаева Д. Мантиқ: Маъruzalар матни. – Т.: 2000, 8-мавзуу.

## **П. 3.2. МУАММО. ФАРАЗ. НАЗАРИЯ**

### **Асосий саволлар:**

1. Муаммо ва фараз – билишнинг тараққий этиш шакллари. Фараз турлари.
2. Фаразлар чин бўлишининг мантиқий-методологик шартлари.
3. Назария илмий билимлар системаси сифатида.

**Таянч тушунча ва иборалар:** муаммо, фараз, фараз турлари, фаразлар чин бўлишининг мантиқий-методологик шартлари, назария, назария турлари.

**Мавзуда кўриб чиқиладиган муаммолар:** муаммо, фараз ва назариянинг билишдаги аҳамиятини асослаб бериш.

### **Дарс мақсади:**

- 1.Муаммо, фараз ва назариянинг моҳияти, турлари, мантиқий шартшароитларини изоҳлаб бериш.
2. Муаммо, фараз ва назариянинг билишдаги аҳамиятини кўрсатиш.

### **1-савол баёни**

**Муаммо** деб ўрганилиши ва ҳал қилиниши зарур бўлган назарий ёки амалий масалага айтилади.

Муаммо ҳар бир илмий назария ва фаразий фикр учун асос бўлиб хизмат қиласди.

**Фараз (гипотеза)** деб ҳали исбот қилинмаган, тахминий, эҳтимолий фикрга айтилади.

Фараз аналогия ёки қиёс орқали амалга оширилади.

Фараз тафаккур шаклларидан бири бўлиб, тушунчалар, муҳокамалар ва хулоса чиқариш системасидан иборатдир. Фараз орқали оламдаги воқеа ва ҳодисаларнинг хусусиятлари, қонуният ва сабаблари билиб олинади. Шунинг учун у билишда катта аҳамиятга эга.

Тадқиқотчи текширилаётган ҳодисаларнинг ўхшашлигини бундан олдин қонунлари муқаррар бўлган ҳодисалар билан аниқлаб, тахминий, эҳтимолий фикрни баён қиласдики, бунда муайян алоқадорлик қонуни мавжуд бўлади. Бундай фаразий фикрни чиқариш учун тадқиқотчи тўпланган илмий билимларнинг барчасини аниқлашга ҳаракат қиласди. Масалан, атом тузилиши тўғрисидаги назария Куёш системаси сайёralарига қиёс қилиб ишлаб чиқилган эди.

Фанда маълум бўлган барча назариялар аввал бошда фаразлар тарзида илгари сурилган, кейинчалик тажрибада тасдиқланиб, назария шаклини олган. Масалан, Дарвин таълимоти, Менделеевнинг химиявий элементлар даврий системаси шулар жумласидандир.

Тадқиқ этилаётган обьекти нуқтаи назаридан **фаразлар** икки хил бўлади: 1) умумий ва 2) хусусий фаразлар

**Умумий фараз** деб маълум жинсдаги воқеа-ҳодисаларнинг

хусусиятлари, қонуният ва сабаблари түғрисидаги эҳтимолий фикрларга айтилади.

Умумий фараз миқдор жиҳатидан кўп, ҳажм ва қўлами кенг, катта, жинс ҳодисаларни текширишда қўлланилади. Масалан, атом түғрисидаги фаразий фикр, Дарвин томонидан турларнинг табиий танланиш асосида вужудга келганлиги түғрисида илгари сурган ғояси, Коперникнинг гелиоцентрик фарази, Ньютоннинг бутун олам тортилиши түғрисидаги фикри, Кантнинг Ер шарининг шарсимон газдан вужудга келганлиги түғрисидаги фарази ва бошқалар шулар жумласидандир. Улардан қўпи ҳозирги қунда исботланиб, назарияларга айланди.

**Хусусий фараз** деб конкрет, айрим, якка факт ва ҳодисаларга, уларнинг хосса-хусусиятларига тааллукли эҳтимолий фикрларга айтилади.

Хусусий фараз тор, чекланган доирадаги буюм-ҳодисаларга татбиқ этилади.

Умумий ва хусусий фаразларни илгари суриш ва асослаш жараёни ишчи фараз орқали амалга оширилади.

**Ишчи фараз** деб тадқиқотнинг дастлабки босқичида илгари суриладиган ва кейинчалик текширилиши лозим бўлган эҳтимолий фикрга айтилади.

## 2-савол баёни

### **Фаразлар чин бўлишининг мантиқий-методологик шартлари қўйидагилардир:**

1. Фараз даражасига қўтарилиган фикр реал жараёнлар, илмий қонун ва назарияларга мос бўлиши лозим.

2. Фараз текширилувчан, тадқиқ этилувчан бўлиши лозим.

3. Фараз кенг миқёсдаги ҳодисаларга татбиқ этилиши лозим.

4. Фараз имкони борича сиқиқ, ихчам, лўнда тарзда ифодаланган бўлиши лозим.

Фаразлар тажрибада тасдиқлангач, илмий назарияга айланади.

## 3-савол баёни

**Назария** деб тажрибада, ижтимоий-тарихий практикада, ишлаб чиқариш ва илмий тадқиқотда вужудга келадиган билимларни умумлаштириш, системага солиш жараёни ва натижасига айтилади.

Назария инсоннинг маънавий фаолияти, объектив борлиқнинг инсон онгидаги маънавий-гоявий акси сифатида униг моддий ишлаб чиқариш фаолиятига нисбатан иккиласмичидир. У оламни билиш ва ўзгартиришнинг муҳим воситасидир.

Назариялар қурилишига биноан қайд қилувчи ва мантиқий жиҳатдан системалаштирилган, характеристери жиҳатидан эса мазмундор ва формаллаштирилган каби турларга бўлинади.

## **Назорат саволлари:**

1. Муаммо нима?
2. Фараз нима?
3. Фаразнинг қандай турлари бор?
4. Назария нима?

**Мавзуда қўлланиладиган педтехнология ва усуллар:** 1. Бахс-мунозара  
2. Савол-жавоб 3. Ҳаётий ҳодисаларнинг мантиқий таҳлили.

**Мавзуда қўлланиладиган ахборот технологияси:** 1. Схема, жадвал, формуласалар намойиши. 2. Интернет маълумотлари.

## **Адабиётлар**

1. Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Мантиқ – Т.: Ўқитувчи, 1993, IX боб.
2. Раҳимов И.Мантиқ – Т.: 1994.
3. Шарипов М., Файзихўжаева Д. Мантиқ: Маъruzалар матни. – Т.: 2000, 9-мавзу.

## **ИККИНЧИ ҚИСМ**

### **1.2. СЕМИНАР МАШғУЛОТЛАРИНИ БАЖАРИШ ЮЗАСИДАН КЎРСАТМАЛАР**

#### **1-МАВЗУ. ФОРМАЛЬ МАНТИҚНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНЛАРИ (ТАМОЙИЛЛАРИ)**

##### **Режа:**

1. Тўғри тафаккурнинг асосий белгилари ва талаблари. Мантиқий қонунлар тушунчаси.
2. Айният қонуни
3. Нозидлик қонуни
4. Учинчисини истисно қонуни
5. Етарли асос қонуни.

**Дарс мақсади:** тўғри тафаккурнинг белгилари ва талаблари, мантиқий қонунлар тушунчаси, мантиқ ёки тўғри тафаккур қонунларининг моҳияти ва мазмунни бўйича билимларга эга бўлиш.

##### **Идентив ўқув мақсадлари:**

1. Тўғри тафаккурнинг белгилари ва талаблари, мантиқий қонун тушунчасини изоҳлаб бериш.
2. Мантиқ ёки тўғри тафаккур қонунларининг моҳияти ва мазмунини тушунтириб бериш.

**Керакли жиҳозлар ва материаллар:** мавзу бўйича конспект, дарслик, ўқув-методик қўлланма, схема, жадваллар, слайдлар, компьютер.

### **Ишни бажариш тартиби:**

- 1.1. Тўғри тафаккур тушунчасини таърифлаш, унинг белгилари ва талабларини тавсифлаш.
- 1.2. Мантиқий қонунлар тушунчасини таърифлаш.
- 1.3. Айният қонунининг моҳияти ва аҳамиятини баён этиш.
- 1.4. Нозидлик қонунининг моҳияти ва аҳамиятини баён этиш.
- 1.5. Учинчисини истисно қонунининг мазмuni ва аҳамиятини баён этиш.
- 1.6. Етарли асос қонунининг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида гапириб бериш.
- 1.7. Мантиқ (тафаккур) қонунлари ўртасидаги узвий алоқадорликни қайд қилиш.

### **Адабиётлар**

1. Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Мантиқ – Т.: Ўқитувчи, 1993, I, II, IV, боблар.
2. Рахимов И. Мантиқ – Т.: 1994.
3. Раҳимов И. Логикадан амалий машғулотлар ва методик тавсиялар. – Т.: Ўқитувчи, 1988, 1-боб.
4. Шарипов М., Файзихўжаева Д. Мантиқ: Маъruzалар матни. – Т.: 2000, 1,3-4-мавзулар.

## **2-МАВЗУ. ТУШУНЧА**

### **Режа:**

1. Тушунча тафаккур шакли сифатида. Тушунчанинг мантиқий таркиби.
2. Тушунча ва сўз.
3. Тушунча турлари.
4. Тушунчалар ўртасидаги муносабатлар.
5. Тушунчалар устида мантиқий амаллар.

**Дарс мақсади:** тушунчанинг тафаккур шакли сифатидаги моҳияти, мантиқий таркиби, турлари, тушунчалар ўртасидаги муносабатлар, тушунчалар устида мантиқий амаллар масалалари бўйича билимларга эга бўлиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

1. Тушунчанинг моҳияти, мантиқий таркиби, тушунча ва сўз масалаларини изоҳлаб бериш.
2. Тушунчалар турлари, улар ўртасидаги муносабатлар, улар устида ўтказиладиган мантиқий амаллар масалаларини тушунтириб бериш.

**Керакли жиҳозлар ва материаллар:** мавзу бўйича конспект, дарслик, ўқув-методик қўлланма, схема, жадваллар, слайдлар, компьютер.

### **Ишни бажариш тартиби:**

- 2.1. Тушунчанинг таърифини бериш.
- 2.2. Тушунчанинг мантиқий таркибини очиш.
- 2.3. Тушунча ва сўзнинг узвий алоқадорлиги ва фарқлари масаласини баён этиш.
- 2.4. Тушунча турларини баён этиш.
- 2.5. Тушунчалар ўртасидаги муносабатларни тушунтириб бериш.
- 2.6. Тушунчалар устидаги мантиқий амалларни кўрсатиш.

### **Адабиётлар**

1. Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Мантиқ – Т.: Ўқитувчи, 1993, V боб.
2. Раҳимов И. Мантиқ. – Т.: 1994.
3. Раҳимов И. Логикадан амалий машғулотлар ва методик тавсиялар. – Т.: 1998, 2-боб.
4. Шарипов М., Файзихўжаева Д. Мантиқ: Маъruzалар матни. – Т.: 2000, 5-мавзу.

### **3-МАВЗУ. ҲУКМ (МУЛОҲАЗА)**

#### **Режа:**

1. Ҳукм тафаккур шакли сифатида. Ҳукмнинг мантиқий таркиби. Ҳукм ва гап.
2. Ҳукмнинг турлари.
3. Мураккаб ҳукмлар ва уларнинг турлари.
4. Ҳукмлар ўртасидаги муносабатлар (мантиқий квадрат).

**Дарс мақсади:** ҳукмнинг моҳияти, мантиқий таркиби, ҳукм ва гап, ҳукмнинг турлари, мураккаб ҳукмлар турлари, ҳукмлар ўртасидаги муносабатлар (мантиқий квадрат) масалалари бўйича билимларга эга бўлиш.

#### **Идентив ўқув мақсадлари:**

1. Ҳукмнинг моҳияти, мантиқий таркиби, ҳукм ва гап масалаларини изоҳлаб бериш.
2. Ҳукмнинг турлари, ҳукмлар ўртасидаги муносабатлар каби масалаларни тушунтириб бериш.

**Керакли жиҳозлар ва материаллар:** мавзу бўйича конспект, дарслик, ўқув-методик қўлланма, схема, жадваллар, слайдлар, компьютер.

### **Ишни бажариш тартиби:**

- 3.1. Ҳукмнинг тафаккур шакли сифатидаги моҳиятини, мантиқий таркибини очиб бериш.
- 3.2. Ҳукм ва гап ўртасидаги узвий алоқа ва фарқлар тўғрисида маълумот бериш.
- 3.3. Ҳукмнинг турлари тўғрисида батафсил жавоблар бериш.

3.4. Ҳукмлар ўртасидаги муносабатларни мантиқий квадрат орқали тушунтириш.

### **Адабиётлар**

1. Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Мантиқ. – Т.: Ўқитувчи, 1993, VI боб.
2. Раҳимов И. Мантиқ. – Т.: 1999.
3. Раҳимов И. Логикадан амалий машғулотлар ва методик тавсиялар. – Т.: 1988, 3-боб.
4. Шарипов М., Файзихўжаева Д. Мантиқ: Маъruzалар матни. – Т.: 2000, 6-мавзу.

## **4-МАВЗУ. ХУЛОСА ЧИҚАРИШ**

### **Режа:**

1. Хулоса чиқариш тафаккур шакли сифатида. Хулосанинг мантиқий таркиби.
2. Хулоса чиқариш турлари.
3. Дедуктив хулоса чиқариш. Силлогизмнинг хусусиятлари, мантиқий таркиби, терминлари, асослари, аксиомаси, қоидалари, фигура ва модулари.
4. Силлогизм турлари.
5. Индуктив хулоса чиқариш. Ҳодисалар орасидаги сабаб-оқибат боғланишларини индуктив текшириш методлари.
6. Аналогия ва унинг турлари.

**Дарс мақсади:** хулоса чиқаришнинг моҳияти, мантиқий таркиби, турлари ва аҳамияти тўғрисида маълумотларга эга бўлиш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

1. Хулоса чиқаришнинг моҳияти ва мантиқий таркибини очиб бериш.
2. Хулоса чиқариш турлари тўғрисидаги саволларни батафсил тушунтириб бериш.

**Керакли жиҳозлар ва материаллар:** мавзу бўйича конспект, дарслик, ўқув-методик қўлланма, схема, жадваллар, слайдлар, компьютер.

### **Ишни бажариш тартиби:**

- 4.1. Хулоса чиқаришнинг моҳияти ва мантиқий таркибини очиб бериш.
- 4.2. Бевосита ва бавосита хулоса чиқаришлар тўғрисида маълумотлар бериш.
- 4.3. Дедуктив хулоса чиқариш ёки силлогизм тўғрисидаги саволларни ёритиш.
- 4.4. Индуктив хулоса чиқариш ва сабабий боғланишларнинг индуктив методлари тўғрисида маълумотлар бериш.
- 4.5. Аналогия (қиёс) ёки традуктив хулоса чиқариш ҳақида гапириш.

## **Адабиётлар**

1. Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Мантиқ. – Т.: Ўқитувчи, 1993, VII боб.
2. Раҳимов И. Мантиқ. – Т.: 1994.
3. Раҳимов И. Логикадан амалий машғулотлар ва методик тавсиялар. – Т.: 1988, 4-боб.
4. Шарипов М., Файзихўжаева Д. Мантиқ: Маъruzалар матни. – Т.: 2000, 7-мавзу.

## **УЧИНЧИ ҚИСМ**

### **3.1. МАНТИҚ ФАНИ БЎЙИЧА БАЖАРИЛАДИГАН МУСТАҚИЛ ИШ, ОҒЗАКИ ВА ЁЗМА ИШЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИ ЮЗАСИДАН МЕТОДИК КЎРСАТМАЛАР**

**Талаба мустақил ишни бажариш жараёнида қуийдаги билим ва кўникмаларни ҳосил қилиши керак:**

- маҳсус мантиқий атамалар, категориялар, тушунчаларни эгаллаш;
- мантиқ назарияси ва тарихи бўйича чукур билимларга эга бўлиш;
- маҳсус мантиқий адабиётларни ўқиш ва тушуна олиш;
- мантиқий мунозара юритиш, баҳслашиб кўникмасига эга бўлиш;
- ўз мустақил фикрига эга бўлиш;
- ўз амалий фаолияти жараёнида мантиқий дунёқарашни амалга ошириш.

**Талабаларнинг асосий мустақил ишларига қуийдагилар киради:**

1. Маъруза конспекти.
2. Семинар машғулотлари конспекти.
3. Ўқув, илмий ва маҳсус адабиётлар, манбаларни конспектлаштириш, изоҳлаш.
4. Оралиқ ва якуний назоратларга тайёрланиш.
5. Оддий ва электрон кутубхоналарда ишлаш, библиография тузиш.
6. Интернет орқали ахборот йиғиши ва уни ишлаб чиқиш.
7. Кичик илмий иш (реферат) бажариш.
8. Илмий ҳисобот, доклад, мақола ёзиш.
9. Илмий тўгаракларда, анжуманларда, олимпиадаларда, ижодий танловларда иштирок этиш.

**Маъруза конспектларини олиб боришга қўйиладиган талаблар:**

1. Конспект олиб бориш учун маҳсус дафтар тутиш.
2. Ўрганиладиган барча мавзулар бўйича конспектларнинг мавжудлиги.
3. Янги тушунчалар, таърифлар, ном ва холосаларни тўлиқ ёзиб бориш.
4. Маълумотларни баён этишда мантиқий изчиллик бўлиши.
5. Ўқитувчи бераётган маълумотларни аниқ ёза олиши.

**Семинар машғулотларига тайёргарлик кўришга қўйиладиган талаблар:**

1. Семинар машғулотлар режалари билан танишиш.
2. Мавзулар бўйича эшитилган мавзулар конспектларини ўқиш.

3. Дарслик ёки ўқув кўлланманинг тегишли бўлими билан танишиш.
4. Тавсия этилган адабиётлар, биринчи манбалар билан танишиш.
5. Қўшимча адабиётлар билан танишиш.
6. Ўқиб чиқилган биринчи манбаларни конспект қилиш.
7. Семинарда муҳокама қилинадиган муаммо ва саволларни ёзиб қўйиш.

**Талабаларнинг оғзаки жавобларига қўйиладиган талаблар:**

1. Муаммо бўйича ўз фикри (муносабати)га эга бўлиш.
2. Мавзуни назарий даражада мантиқий билимлар (тамойиллар, категориялар, қонунлар, усууллар)дан фойдаланиб очиб бера олиш.
3. Фалсафий-мантиқий манбалар ва ижтимоий амалиётдаги мисолларга таянган ҳолда ўз мавқеини асослаб бера олиш.
4. Кўриб чиқилаётган мантиқий қоидаларни ривожланишда тасаввур қила олиш.
5. Турли мантиқий қарашларни таққослаш.
6. Мантиқий қоидаларнинг амалий қимматини кўрсата олиш.
7. Бошқалар билан баҳслаша билиш.

**Кичик илмий иш (реферат)га қўйиладиган талаблар:**

У мавзу танлаш, тежа тузиш, материал тўплаш, уни ўрганиш ва тизимлаш, ишни расмийлаштириш каби босқичларда олиб борилади.

Мавзуни танлашда ушбу мавзуга оид адабиётларнинг мавжудлиги, ишланганлик даражаси, амалий аҳамиятига эътибор бериш керак. Режа тузатганда ҳар бир параграф бўйича батафсил саволномалар ёзиб чиқиш, уларнинг манбалар ва адабиётлар билан таъминланганлигига эътибор бериш керак.

Материал тўплашда мавзу билан дарсликлар, ўқув кўлланмалар, луғатлар ёрдамида умумий танишиб чиқилади. Танланган мавзунинг фандаги ўрни, хронологик чегараси, унинг бошқа мавзулар билан ўзаро алоқадорлиги эътиборга олинади. Мавзу бўйича манбалар, илмий адабиётлар нашр йиллари ёки алифбо тартибида жойлаштирилади.

Мавзунинг долзарблигига аҳамият берилиб, манбалар ва адабиётлар ишлаб чиқилади. Улардан олинган маълумотлар муаллифлари, асарнинг номи, бетлари кўрсатилиши зарур.

Ишни расмийлаштиришда унда титул вараги, кириш қисми, бўлимлари, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати бўлишига эътибор бериш лозим.

Иш қўлёзма ҳолида ҳимоя қилинади.

**Талабаларнинг оғзаки ва ёзма ишларига қўйиладиган умумий талаблар:**

1. Илмий тушунчалар, илмий сўз бойлигига эга бўлиш.
2. Жавоблар тўлиқлиги, асосланганлиги, исботланганлиги, тизимлилиги.
3. Назарияни амалиёт билан боғлай олиш.

## **МУСТАҚИЛ ИШ МАВЗУЛАРИ**

1. Мантиқ фани ривожланишининг асосий босқичлари – 3 соат.
2. Тилнинг мантиқий таҳлили – 3 соат.
3. Далиллашнинг мантиқий асослари – 3 соат.

4. Муаммо. Фараз. Назария – 3 соат.

Жами 12 соат.

**Эслатма:** юқоридаги ТМИ мавзулари мантиқ назарияси курсига кирганилиги ва ўзбек тилида ўқув-методик адабиётларнинг камлигини ҳисобга олиб, биз уларнинг мазмунини ушбу ЎММ нинг I қисмида маъруза мавзулари билан бирга баён этишни лозим кўрдик.

## РЕЙТИНГ НАЗОРАТИ УЧУН САВОЛНОМА

1. Мантиқ фанининг предмети ва аҳамияти.
2. Мантиқнинг бошқа фанлар билан алоқаси.
3. Билиш ва унинг асосий босқичлари.
4. Тафаккурнинг мантиқий шакллари ва қонунлари.
5. Мантиқий фикр тарққиётининг асосий босқичлари.
6. Тушунча тафаккур шакли сифатида. Тушунча ва сўз.
7. Тушунчанинг мазмуни ва ҳажми.
8. Тушунчанинг мазмунига кўра турлари.
9. Тушунчанинг ҳажмига кўра турлари.
10. Тушунча шаклланишининг асосий мантиқий усуллари.
11. Тушунчалар ўртасидаги муносабатлар.
12. Тушунчалар устида мантиқий амаллар.
13. Тушунчани умумлаштириш ва чегаралаш.
14. Тушунчани таърифлаш ва унинг турлари.
15. Таърифлаш қоидалари.
16. Таърифга олмош бўладиган усуллар.
17. Тушунчани бўлиш. Бўлиш қоидалари.
18. Классификация ва унинг турлари.
19. Ҳукм тафаккур шакли сифатида. Ҳукм ва гап.
20. Содда ҳукмлар, уларнинг мантиқий таркиби ва турлари.
21. Мураккаб ҳукмлар ва уларнинг турлари.
22. Ҳукмлар ўртасидаги муносабатлар (мантиқий квадрат).
23. Модаллик бўйича ҳукмларнинг турлари.
24. Хулоса тафаккур шакли сифатида. Хулосанинг мантиқий таркиби.
25. Хулоса чиқариш турлари.
26. Дедуктив хулоса чиқариш.
27. Силлогизмнинг моҳияти ва аксиомаси.
28. Силлогизм қоидалари.
29. Силлогизм шакллари (фигуралари).
30. Силлогизм модуслари.
31. Силлогизм турлари.
32. Энтилемма ва унинг турлари.
33. Мураккаб силлогизмлар (полисиллогизмлар) ва уларнинг турлари.
34. Эпихейрема.
35. Сорит ва унинг турлари.
36. Индуктив хулоса чиқариш ва унинг турлари.
37. Тўлиқ индукция.

38. Тўлиқсиз индукция.
39. Ўхшатиш методи.
40. Тафовут методи.
41. Ўхшатиш ва тафовут қўшма методи.
42. Йўлдош ўзгаришлар методи.
43. Қолдиқлар методи.
44. Аналогия (қиёс).
45. Муаммо.
46. Назария.
47. Мунозара.
48. Исполнение моральных норм и таркиби.
49. Исполнение турлари.
50. Раддия, унинг турлари.
51. Раддия усуллари ва қоидалари.
52. Исполнение раддия қоидаларини бузишида учрайдиган хатолар.
53. Паралогизм, софизм, парадокс.
54. Фараз (гипотеза), унинг таркиби ва турлари.
55. Савол ва норма.
56. Мантиқий қонунлар тушунчаси, уларга умумий характеристика.
57. Айният қонуни.
58. Нозидлик қонуни.
59. Учинчисини истисно қонуни.
60. Етарли асос қонуни.

## **РЕФЕРАТ МАВЗУЛАРИ**

1. Мантиқ илмининг предмети, таркиби ва вазифалари.
2. Аристотель силлогистик назариясининг моральности ва аҳамияти.
3. Форобийнинг мантиқий таълимоти.
4. Ибн Синонинг мантиқ илми тараққиётига қўшган ҳиссаси.
5. Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг мантиқий ғоялари.
6. Журжонийнинг мантиқий қарашлари.
7. Ф.Бэкон – Ж.С. Милль индуктив мантиқ системаси.
8. Р.Декарт тўғри фикр юритиш принциплари тўғрисида.
9. Г.В.Лейбницнинг мантиққа оид ғоялари ва математик мантиқ илмининг шаклланиши.
9. И. Кантнинг трасцендентал мантиғи.
10. Г.В.Ф.Гегель – диалектик мантиқ асосчиси.
11. Мантиқий шакл ва тил.
12. Айният қонуни.
13. Нозидлик қонуни.
14. Учинчисини истисно қонуни.
15. Етарли асос қонуни.
16. Тушунчани таърифлаш (дефиниция) ва унинг илмий билишдаги аҳамияти.
17. Туркумлаш (классификация) тушунчалар ҳажмини аниқлаш ва

билимларни системага солиши шакли сифатида.

18. Ҳукмнинг моҳияти ва турлари.
19. Савол ва жавоб мулоҳазаларни ҳосил қилиш воситалари сифатида.
20. Нормалар (меъёрий қоидалар)ни яратишнинг мантиқий асослари.
21. Использование норм в мантиқий асослари.
22. Танқид ва раддия.
23. Баҳс юритишнинг мантиқий асослари.
24. Софизм ва паралогизмнинг моҳияти, келиб чиқиш сабаблари.
25. Муаммони қўйиш ва ҳал этишнинг мантиқий шартлари.
26. Гипотезанинг мантиқий маъноси ва таркиби.
27. Илмий назариянинг мантиқий таркиби.
28. Гипотетик-дедуктив назарияларнинг мантиқий таркиби.
29. Аксиоматик назарияларнинг мантиқий асослари.

## **ФАН БЎЙИЧА ЯКУНИЙ ХУЛОСАЛАР**

ЎММ университет бакалавриат таълим босқичи барча йўналишлари талабаларига мўлжалланган. У 6 соат маъруза, 8 соат семинар машғулотларига ҳамда 12 соат мустақил ишига мўлжалланган ҳолда тузилган.

Мажмуа мантиқ фани бўйича ўзбек ва рус тилларида мавжуд бўлган дарсликлар, ўкув-методик қўлланмалар, маҳсус илмий адабиётлар, интернет материалларидан фойдаланган ҳолда тузилган.

## **ФАНДА ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН ИЛМИЙ МУАММОЛАР**

1. Комил инсонни тарбиялашда мантиқ илмининг аҳамияти.
2. Ўрта Осиё ва Ўзбекистонда мантиқий тафаккур тарихи.
3. Таълим-тарбияни ривожлантиришда мантиқ қонунларининг аҳамияти.
4. Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида мантиқий-маърифий муаммолар.
5. Табиат ва жамият тараққиётида тафаккурли инсон омили.
6. Глобал муаммоларнинг фалсафий-мантиқий таҳлили.

## **АДАБИЁТЛАР ВА МАНБАЛАР**

### **Асосий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
4. Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
5. Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
6. Войшвилло Е.К., Дегтарёв М.Г. Логика: Учебник для вузов. – М.: 1998.
7. Войшвилло Е.К. Символическая логика: классическая и релевантная. – М.: изд-во МГУ, 1989.
8. Войшвилло Е.К. Понятие как форма мышления. – М.: изд-во МГУ, 1989.
9. Ивлев Ю.В.Логика: Учебник для вузов. – М.: Логос, 1998.
10. Кондаков Н.И. Логический словарь-справочник. – М.: 1976.
11. Курбатов В.И. Логика. – Ростов на Дону: Феникс, 1997.
12. Ёқубов Т. Математик логика элементлари. – Т.: Ўқитувчи, 1983.
13. Раҳимов И. Мантиқ. – Т.: 1994.
14. Раҳимов И. Логикадан амалий машғулотлар ва методик тавсиялар. – Т.: Ўзбекистон, 1988.
14. Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Мантиқ. – Т.: Ўқитувчи, 1993.
15. Шарипов М., Файзихўжаева Д. Мантиқ: Маъruzалар матни. – Т.: 2000.

### **Қўшимча адабиётлар**

1. Алексеев А.П. Аргументация. Познание. Общение. – М.: 1991.
2. Бочаров В.А. Аристотель и традиционная силлогистика. – М.: 1984.
3. Ивин А.А. Искусство правильно мыслить. – М.: 1990.
4. Каримов Б.Р.Диалектика объективного и субъективного в методе восхождения от абстрактного к конкретному. – Т.: Фан, 1988.
5. Логико-гносеологические идеи мыслителей Средней Азии. – Т.: Фан, 1981.
6. Логика и компьютер. Моделирование рассуждений и проверка правильности программ. – М.: Наука, 1990.
7. Маковельский А.О. История логики. – М.: 1967.
8. Маркин В.И. Силлогистические теории в современной логике. – М.: 1991.
9. Материалы по истории общественно-философской мысли в Узбекистане. – Т.: Фан, 1976.
10. Мўминов И.М. Ўзбекистон ижтимоий-фалсафий тафаккури тарихидан. – Т.: Фан, 1994.
11. Попов П.С. История логики Нового времени. – М.: 1967.
12. Рузавин Г.И. Научная теория: логико-методологический анализ. – М.: 1978.

13. Ибн Сина. Избранные философские произведения. – М.: 1980.
14. Смирнова Е.Д. Основы логической семантики. – М.: 1989.
15. Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккирлари. – Т.: Ўзбекистон, 1991.
16. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар. – Т.: Ўзбекистон, 1995.
17. Аль-Фараби. Логические трактаты. – Алма-Ата, 1975.
18. Фалсафа: Қомусий лугат. – Т.: 2004.

### **Интернет сайтлари**

1. www.bilim.uz
2. www.philosophy.ru
3. www.philosofiya.ru
4. www.philosophy.hsc.ru
5. http://philosophy.albertina.ru.
6. www.philosophy.com.
7. www.edu.uz – вазирлик сайти.
8. www.ziyo.edu.uz – вазирлик сайти.
9. www.performance.edu.uz – вазирлик сайти.

### **Мантиқ фани муаммоларига доир материаллар эълон қилинадиган илмий журналлар**

1. «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар».
2. «Тафаккур».
3. «Мулокот».
4. «Гулистон».
5. «Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар».
6. «Ижтимоий фикр ва инсон ҳуқуқлари».
7. «Жайхун: ТерДУ хабарлари».

### **М У Н Д А Р И Ж А**

Кириш.....	3
Мантиқ фанининг мазмуни.....	5
<b>Биринчи қисм. Маъruzалар курси</b>	
<b>I.Биринчи бўлим. Мантиққа кириш</b>	
I.1.1-боб.Мантиқнинг тадқиқот обьекти, предмети, вазифалари ва ривожланиш босқичлари.....	9
I.1.1. Мантиқ илмининг предмети ва аҳамияти.....	9
I.1.2. Мантиқ фани ривожланишининг асосий босқичлари.....	13
I.2. 2-боб. Мантиқ илми ва тил.....	15
I.2. 1. Тилнинг мантиқий таҳлили.....	15
<b>II.Иккинчи бўлим. Мантиқнинг умумназарий масалалари</b>	
II.1. 1-боб. Тўғри фикрлашнинг қонун-қоидалари.....	19

II.1. 1. Формаль мантиқнинг асосий қонунлари (тамойиллари).....	19
II.2. 2-боб. Тафаккурнинг универсал мантиқий шакллари.....	22
II. 2.1. Тушунча.....	22
II. 2.2. Ҳукм (мулоҳаза).....	34
II. 2. 3. Хулоса чиқариш.....	41
II. 3. 3-боб.Далиллаш ва билимлар тараққиётининг мантиқий шакллари	
II. 3.1. Далиллашнинг мантиқий асослари.....	60
II.3.2.Муаммо.Фараз.Назария.....	67
<b>Иккинчи қисм. 2.2. Семинар машғулотларини бажариш юзасидан кўрсатмалар.....</b>	<b>69</b>
<b>Учинчи қисм. 3.1. Мантиқ фани бўйича бажариладиган мустақил иш, оғзаки ва ёзма ишларнинг бажарилиши юзасидан методик кўрсатмалар.....</b>	<b>73</b>
Мустақил иш мавзулари.....	75
Рейтинг назорати учун саволнома.....	75
Реферат мавзулари.....	77
Фан бўйича яқуний хулосалар.....	78
Фанда ечимини кутаётган илмий муаммолар.....	78
Адабиётлар ва манбалар.....	78



